




ИСОҚЖОН НИШОНОВ

САМОДА ЧАКНАГАН ЮЛДУЗ

ҚИССАЛАР



616	84
И. Нисонов	Н-16
Самовра сана	
ган кўруш	
2019й	7000с

Kitob shu erda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

ilgari berilmalar miqdori _____	



ИСОКЖОН НИШОНОВ

САМОДА
ЧАКНАГАН
ЮЛДУЗ

ҚИССАЛАР

ҚАЙТА НАШР

“НАМАНГАН”
Тошкент 2019

УЎК: 821.512.133.3

ББК: 84(5Ў36)7

Н - 16

Нишонов, Исоқжон

Самода чақнаган юлдуз: Қиссалар. Исоқжон
Нишонов. «Наманган», 2019. – 148 б.

ISBN 978-9943-5247-7-4

Қўлингиздаги китоб қозоқ элининг улуғ фарзанди, қозоқ ёзма адабиётининг асосчиси, оташнафас шоир Абай (Иброҳим) Қўнонбой ўғлининг ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзилган ва ўзбек тилида илк бор нашр этилаётган асардир. Мазкур асар 2018 йилнинг август ва сентябрь ойларида адибнинг Абай юртига қилган саёҳати давомида тўплаган маълумотлар асосида ёзилди. Шунингдек, китобга муаллифнинг тўрт ҳикоядан иборат “Муҳаббатнинг мангу қўшиғи” қиссаси ҳам киритилган.

Тақризчи:

*Филология фанлари бўйича фалсафа доктори
Абдулхамид Қурбонов*


УЎК: 821.512.133.3

ББК: 84(5Ў36)7

ISBN 978-9943-5247-7-4

© Исоқжон Нишонов, 2019 йил.

© «Наманган» нашриёти, 2019 йил.



САҲРОДА ЧАҚНАГАН ЮЛДУЗ

Остонада бир кун қолдим. Эрнурнинг аёли Зарина хоним мени оқшомги сайрга таклиф қилганида бошим осмонга етди. Пойтахтнинг жамолини кўриб, юрагим тўлқинланди. Осмонга бўй чўзган бинолар, замонавий турар жойлар – буларнинг бари одам кўзини қувонтиради, юрагига ҳаяжон солади. Зиёратимизни янги қурилган жоме масчитидан бошладик. У кўркам ва салобатли эди. Нақшинкор устунлар маҳобатли ва мафтункор. Деворларни муқаддас оят ва ҳадислар безаб турибди. Ерга кўзни қамаштиргувчи гиламлар тўшалган. Ичкарига кириб, икки ракат намоз ўқиб, Куръон тиловат қилдим. Кейин шаҳар Ҳокимлиги биноси олдидаги Абай ҳайкалини бориб кўрдик. У бундан бир неча йил муқаддам ўрнатилган. Ўзининг маҳобати ва салобати билан шаҳарнинг чиройига чирой қўшиб турибди. Оқиннинг пойига гуллар тўшалган. Бу халқининг унга бўлган меҳр-муҳаббатининг рамзи.

Эрталаб Қарагандага жўнадим. Эрнур шунда вилоятда ишларди. У бошқа соҳа эгаси бўлса-да, адабиётга ошно. Томирида Абайнинг қони оқиб тургани сабаб шеърлар битади. Улар бир неча китобга жой бўлган. Кўпи қўшиқ қилиб қуйланмоқда. Айниқса, “Оға Султон” бутун мамлакатга машҳур. Радио-телевизорда янграмаган кун йўқ. Китоб ўқишни хуш кўради. Жаҳон классик ёзувчиларининг дурдона асарлари жавонни безаб турибди.

Йўл бўйидаги янги қурилатган кўп қаватли бинолар, қўшма корхоналар, турар жой бинолари – Қозоғистонда кун сайин янгидан янги ўзгаришлар содир бўлаётганидан дарак беради. Илгари ҳам бу диёрда бўлганман.

2014 йилнинг кузи эди ўшанда. Олмаота шаҳрида Осиё ва Европа ёзувчиларининг бир ҳафталик анжуманига таклиф этилгандим. Иштирокчилар қаторида қозок адабиётининг улуғ сиймоси Мухтор Аvezовнинг уй музейини зиёрат қилганман. Ижодхонасига кириб, курси-

сида ўтириб, дунёга машҳур асарларини ёзган машинкасининг тугмачаларига бармоқларимни босиш, бўш пайтларида қўлига олиб, нозик пардаларини чертиб, асабларига ором берган дўмбирасини чертиш бахтига муяссар бўлганимдан ҳозиргача ғурурланаман. Парвардигордан шундай буюк ёзувчи бўлишни, буюк асарлар яратишни сўраганим ҳақиқат. Кутубхона алоҳида хонада, қатор-қатор китоблар орасида жаҳон классиклари китобларини, Алишер Навоий бобомизнинг девонлари, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек каби ватандошларимнинг асарлари беэзаб турганидан суюнганман.

Табиийки, Мухтор оға бизнинг она тилимизни яхши билган (онаси қозоқ ўзбекларидан эди), ўзбек ёзувчилари билан дўстона алоқада бўлган. Тошкентда ўқиб юрган кезлари ҳам, кейинчалик ҳам Ойбекнинг хонадонидида кўп меҳмон бўлганини эшитганман. Ўзбек ва қозоқ адибларининг ўша пайтдаги дўстлиги ҳозир ҳам одамнинг ҳавасини келтиради.

Ижодхонада ёзувчининг турли йилларда чоп этилган ва хорижий тилларга ўтирилган китоблари алоҳида ажралиб туради. “Абай” роман-эпопеясининг бир нечта қўл ёзма вариантлари ҳам сақланмоқда.

Уйга қайтганимда адибнинг ижодхонасидан олган таассуротларим билан узок муддат яшадим. Бир пайтлар сотиб олганим ва китоб жавонимда сақланаётган “Абай” ва “Абай йўли” романларини қайта қўлимга олдим. Асарни ўқиш жараёнида адибнинг сўз танлаш, улуғ оқиннинг тимсолини яратиш борасидаги маҳоратига, чуқур билмига қойил қолганман. Мухтор оға маҳорат ва истеъдод билан яратган бу асар мен каби қаламкашлар учун тажриба мактаби вазифасини ўташи ҳақиқат.

Ўшанда юрагимда Абайга беҳад кучли муҳаббат уйғониб, унинг овулига бориб, қабрини зиёрат қилиш истаги туғилганди. Мамлакатимиз раҳбарининг ўтган йилнинг 13 мартда қабул қилинган «Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий мероси-

ни кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида»ги қарори бу истагимни руёбга чиқарди. Абай яшаган жойларни, оқиннинг пойқадами етган овулларни, қабрини зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлдим.

Мухтор оға 1897 йилнинг 28 сентябрида ҳозирги Семей вилоятининг Чингизтоғ бўлисида, Бўрили деган овулда, оддий қозоқ Умархон Авезов хонадонида таваллуд топди. Болалик йилларида Мухтор оға барча овул болалари қатори мадрасада таълим олди. Уларга сабоқни Абайнинг амакиси берарди. Ўша пайтларда бўлажак ёзувчи беш-олти ёшларда эди. Бобоси набирасини дастурхон атрофига ўтқазиб, имтиҳон қиларди. Кўлига китоб тутқазиб, ўқитиб кўрар, агар мадрасада берилган топшириқни бажармаса ёки ўқишга қийналса, қаттиқ дашном эшитарди. Бироқ Мухторнинг “р” ҳарфини талаффуз қилишга тили айланмасди. Шу сабабли бобоси уни мадрасадан олиб, ўқиши билан ўзи шуғулланадиган бўлди.

Бобоси илмсевар киши бўлган. кўп вақтини мутолаа билан ўтказарди. Кунларнинг бирида Мухтор унинг қўлида қалингина китобни кўриб қолади. Араб имлосида ёзилган бу китоб Абайнинг шеърлар тўплами экан. Аваз бобо шоирнинг яқин дўсти ва шоир шеърларининг шайдоси бўлганлиги сабабли унинг ижодига ҳамиша ҳурмат ва эҳтиром билан қарарди. Бобоси бу китобни мадраса мулласидан қўл ёзма қилиб, кўчириб олиш мақсадида олиб келганди. Унинг нияти ўз набирасини Абай ижоди билан таништириш бўлганди. Мухтор Авезов ўша воқеаларни хотирлаб: “Бобомнинг ўз ўқитиш услуби бор эди. У сезиларли даражада ўқитувчининг меҳнатини осонлаштирарди, аммо бечора ўқувчининг кўпгина кўз ёшларини тўкишга сабаб бўлди. Мен ҳарфларни аранг ажрата бошладим. Уларни ёд олишга тўғри келди. Лекин ҳеч қачон эшитмаган нотаниш исмлар айнан менга тушарди..

Мухтор оғанинг юрагида ёзувчи бўлиш истагини Абай уйғотган. Унинг шеърлари бўлажак адибнинг

қалбига адабиётга меҳр учқунини ташлаган. Абайнинг шеърларини ёд айтиб юрган кезлари ўзи ҳам шундай буюк ёзувчи бўлишни орзу қилган бўлса ажаб эмас.

Мухтор оға ўн бир ёшга тўлганида, унинг тарбияси билан амакиси Қосимбек шуғуллана бошлайди. Мақсади Мухторни рус-тузем мактабига бериш ва рус тилини ўргатиш бўлган. Ўша пайтларда одамларнинг рус тилини ўрганишга бўлган қизиқиши ортиб борарди. Мухтор мактабда ёмон ўқимади. Фанларни тез ўзлаштириб олди. У ерда Абай ҳақида ҳам дарс ўтиларди. Ёзувчи шундай ҳикоя қилади. “Биз талабалар ёзги таътил вақтида овулимизга қайтганимизда, бўлис бошлиқлари мактаб кийимидаги болаларга қараб бошларини қимирлатиб қўйишарди”.

Мухтор Авезов 1920 йилларнинг охирида Семей шаҳрига келади. Педагогика билим юртида болаларга сабоқ беради. Ўзининг “Эл оғаси”, “Енлик Кебек”, “Довул”, “Қорғансиздин куни” (1921), “Уйланиш” (1923), “Ўқиган азамат” (1922), “Қорали сулув”, “Қир хангомалари”, “Қир суреттери”, “Кинэмшил бойжеткен” (1925) асарларини айнан шу шаҳарда ёзди.

1932 йили Мухтор Авезов ўз тақдирини узил-кесил ҳал қилди. “Абай” роман-эпопеясини ёзиш учун қўлига қалам олди. Қашқабулокқа келди. Абайнинг муборак пой-қадами теккан овулларни кезди. Уни яқиндан таниган ва билган одамлар билан суҳбатлашди. Абай ҳақидаги эсдалик ва хотираларни ёзиб олди. Шоирнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ тарихий маълумотларни йиғди. Албатта, бу пайтда Абайнинг қариндошлари ва уни яқиндан билган дўсту биродарларининг ёши ўтиб, хотиралари заифлашиб қолганди. Оқиннинг яқин дўстларидан бири Какатой хотираси ўтмаслашиб, болалик йилларидаги воқеаларни ёдга олишга қийналса-да, ёзувчига муҳим гапларни айта олди. Оқиннинг отаси Қўнонбой ҳақида ҳам яхшигина маълумотларни берди. Қимматли маълумотларни эса Абайнинг ўн йилдан ор-

тиқ бирга яшаган, содиқ дўсти, вафодор ёри Айгеримдан олди. Бундан ташқари, оқиннинг яқин дўсти, адибнинг бобоси Аваздан ҳам улуғ оқиннинг ёшлик йиллари ҳақидаги эсдаликларни эшитганди.

Романнинг дастлабки боблари Қашқабулоқда ёзилди. Сухбатдошларимнинг айтишича, Мухтор оға ишдан келиб, одамлар билан суҳбатлашиш учун овулларга чикиб, кечки пайт ҳориб-чарчаб қайтар ва хонага кириб, икки-уч соат мизғиб, сўнгра ёзув столига ўтириб, ёзишга киришар экан. Кунига тўрт-беш соатлаб ишларкан.

Мухтор оға кундаликларида ёзади: “Изланишлар натижасига кўра қаҳрамоним ҳақида кўп маълумотлар тўпланди, ёзиш жараёнида мен улуғ адиб Максим Горькийнинг ўғитларини кўп бор эсга олардим. ”Шундай нарса ҳақида ёзгин-ки, у ҳақда жим бўлишга ҳақнинг бўлмасин”. Ҳатто ҳозир Абайнинг ёшлиги ҳақида ёзилган романни тугатган бўлсам-да, менда қаҳрамоним тўғрисида бир нечта романларга етарли маълумотлар бор. Асарни ёзиш жараёнида Абайнинг ўлмас руҳи менга анчагина қувват берди”.

Мазкур романнинг биринчи ва иккинчи китоблари 1958 йили Москвада “Писатель” нашриётида чоп этилди. Бутун мамлакатга тарқалди. Мухтор оғанинг номи шон-шухратга буркади. Қозоқлар адибни “Абайнинг ўғли” деб аташди. Улуғ оқин ижодига қизиқиш ортди. Илмий-тадқиқот ишлари бошланди. Асарни сотиб олиш истагида бўлган ўқувчилар дўконларда соатлаб навбат кутишарди. Асар ўша пайтнинг ўзидаёқ бошқа халқлар тилларига ҳам таржима қилинди. 1960 йили Зумрад томонидан ўзбек тилига ўтирилди ва Тошкентда минглаб нусхада босилди.

Абай шухратини дунёга ёйган ёзувчи шундай дейди: “Абай - халқнинг кўриб турган кўзи, Абай – элнинг қайноқ юраги, Абай – халқнинг ақли”.

Машиналарнинг шовқини ҳаёлимни тўзитди. Ойнадан ташқарига боқдим, шаҳарга кириб келибмиз.

Алексей Эрнурга кўнғироқ жўнатди. Биз йўл ёқасидаги гул-чечаклар билан ўралган ошхонада кўришдик. Чой устидаги суҳбатимиз Абай ҳақида бўлди. Эрнурдан амал-киси ҳақида ҳозиргача кўпчилик беҳабар бўлган ҳикояларини эшитиб, воқеаларни тинглаб, улуғ оқин тўғилган овулга тезроқ бориш иштиёқи оромимни ўғирлади.

Икки кун Қарагандада қолдим. Учинчи куни тонгда йўлга отландик. Остонадан Зарина ҳам етиб келди. Қозоғистонлик таниқли ёзувчи, евроосиё ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Талгат Кенесбоев (бу дўстимиз мазкур китоб нашрга тайёрланаётган пайтда қазо қилди), тарих ўқитувчиси Ўкан Қўшибоев бизга ҳамроҳлик қилди. Иккита кўшиқчи йигитлар эса бошқа машинада эдилар.

Қашқабулоққача минг чақирим. Йўлда толиқиб қолиш ҳеч гап эмасди, лекин шерикларимнинг руҳи тетик... Йўлга тушдик. Шаҳар қўлларини силкитиб, биз билан хайрлашаётгандек ортимизда қолди. Абай юрти эса бағрига чорларди.

Олис йўлга чиққанингда йўлдошларинг билан гурунлашсан, кимдир кўшиқ айтади, кимдир ҳикоя, бошқа биров латиға тўқийди. Мақсад зерикмаслик, чарчокни енгиш.

Машина саҳро ичкарасига кириб борарди. Одамлар яшайдиган кўналғалар ортда қоларди. Ям-яшил ўтлоқлар қоплаган яйловлар бағрида тизза бўйи майсаларни чимчилаб юрган кўй-кўзилар, пода-пода моллар, уюр-уюр йилқилар кўзга ташланарди. Ойнадан ташқарига боқиб бораётган Талгат хаёлга чўмганди. “Янги ёзадиган асарлари ҳақида ўйлаётган бўлса ажаб эмас”, деб тахмин қилдим.

Машинамиз навбатдаги тепаликни ошиб ўтди. Пастда яшнаган водийларга гўзаллиги андоза бўладиган беҳудуд яйлов ярқ этиб кўзга ташланди. Талгатнинг хаёли қочди. Ундан сўрадим:

– Нималарни ўйлаётирсан?

У жилмайди. Ҳорғин кўзлари порлади.

– Айтсам ишонасанми?

– Нега ишонмай, ахир сен доимо адабиёт ҳақида, ёзадиган асарларинг ҳақида ўйлайсан-ку, – дедим.

– Тўғри, лекин ҳозир Абай отамиз ҳақида, унинг асарлари ҳақида ўйлаётган эдим!

– Ўланлари ёдингга тушган бўлса айт, эшитайлик!

Таклифимни шерикларим ҳам маъқуллашди. Талгат хиргойи қила кетди:

Ўлан – сўзнинг пошшоси, сўз сараси,

Қийиндан қийилтирар эр доноси,

Тилга енгил, юракка илиқ тегиб,

Теп-текис, силлиқ келсин айланаси.

«Қани, сен ҳам Абайни ҳурмат қилиб, шунча йўл босиб келибсан, ўланларидан айт-чи»; дегандек менга қараб қўйди.

Йўлдошларим менинг оғзимга қараб жим қолишди. Абай оғанинг шеърларини болалигимда ёдлаганман. Ўтган йили унинг янги чиққан китобини varaқлаганимда ўша шеърлар хотирамда уйғонганди:

Сўз боши аввал ҳадис, оят бўлур,

Шираси ҳам маъноси гоят бўлур.

Пайғамбар ҳам сўзини ўлан қилган

Ўлан айтай, шоядки кўнглим тўлур.

Қарсақлар янгради. Адирлар узра таралди. Талгат давом эттирди:

Ўландай хутба ўқиб кекса мулло,

Ўлан айтиб йиғлаган валиюлло,

Ҳамма ҳам чамасича ўлан ўқир,

Ўлан билан ёзилган каламулло.

Ўланни улаб кетдим:

Ўланга ишқимиз бор қадим чоқдин,

Лекин қандай наф бўлар мақтанмоқдин!

Ичи зар, сирти кумуш сўз яхшисин —

Келиштирар ким ҳам бор мўл қозоқдин?

Айтган ўланларимиз шерикларимнинг кўнглини хуш, димоғини чоғ айлаб юборди. Шерикларим ҳам юраклари завқ-шавққа тўлиб, қарсак чалиб олқишлашди. Абай оғанинг шеърларини ҳозир Худо дилимга соларди:

*Сўзни чертиб сўзласанг ҳар ким сийлар,
Мақол қўшиб сўзларкан кекса бийлар.
Оқинлари беақл, нодон экан,
Бекор сўзни теридай нуқул ийлар.*

Талгат:

*Кўлида ҳам қўбизи, ҳам дўмбира,
Ҳаммага мақтов ўқир, қўямас сира.
Ўлан айтиб, хайр тилар, элни кезиб,
Сўз қадрин ерга урар, бўлиб хира.*

Ўлан-ўланга уланиб, бири тугаши билан бошқаси бошланарди. Гоҳ мен, гоҳ Талгат куйлардик. Бир-биримизга гал бермасдик. Энди ўйлаб боқсам, ўшанда бу илҳомни Аллоҳ дилимга солган экан, Абай отанинг руҳи қўллаб турган экан. Биз қанчалик куйламайлик ўланларнинг адоғи йўқдек эди гўё.

Анча масофа ортимизда қолганди. Йўлимизда ўтовлар кўзга ташланди. Машинамиз булоқ отилиб чиқаётган жойда тўхтади. Пастга тушдик. Ариқдаги сув майда, ялтироқ тошлар устидан шилдираб, куйдек чулдираб оқарди. Сахро ҳавоси ўзгача-да, нафас олиб тўймайсан. Кўнглинг қулфи очилиб, баҳри дилинг яйраб, вужудинг кувонч ва шодликларга тўлади. Беихтиёр “О, козок далалари-ей”, деб юборасан.

Ҳовучимизни тўлдириб, муздек сувдан қониб-қониб симирдик. Юз-кўзларимизни ювдик. Сувнинг таъми чарчокларимизни тарқатиб, руҳимизни кўтариб юборди.

– Абай отамиз бу йўлдан кўп юрганлар, – деди Эрнур. – У Қарқарага тез-тез келиб, халқнинг ҳолидан хабар олиб, йўқсилларга мол-қўй улашарди. Бунинг унга отаси Қўнонбой васият қилган.

– Эшитишимча, Қўнонбой оға Қарқара овулида масчит курдирганмиш.

– Шундай, ҳозир биз ўша ерга борамиз. Масчитни ўз кўзинг билан кўрасан!

Машинамиз яна йўлга тушди. Ўзининг саодатманд ғилдирақларида бизларни сўқмоқ йўлдан ғизиллаб, манзилимиз томон олиб кетарди. Гўзаллигига тил ожиз манзаралар қаршимизда ястаниб ётарди. Қуёшнинг тафтидан қуриб, қовжираб, олтин тусига кирган ўт-ўланлар гўё рассомнинг мўйқаламидан тўкилган рангларга ўхшарди. Атрофга бокқан сайинг кўнглинг завққа тўлиб тошаверади.

Шерикларим бироз толиққанди. Ойнадан кираётган эпкин одамнинг уйқусини келтирарди. Мен эса буюк оқиннинг болалик йиллари ҳақида ўй сура бошладим.

АБАЙНИНГ БОЛАЛИК ЙИЛЛАРИ

Ўз замонасининг улуг шоири, маърифатпарвар кишиси, дунё классиклари қаторидан ўрин олган, қозок халқининггина эмас, балки бутун инсониятнинг муносиб фарзандига айланган Абай Қўнонбой ўғли 1845 йилнинг 10 августида ҳозирги Семей вилоятининг Чингизтоғ ён бағридаги Қашқабулоқ овулида 7000 бошдан ортиқ йилқиси бўлган Қўнонбойнинг қирқ ёшида топган фарзанди эди. Қўнонбойнинг ўзи 1804 йилда замонасининг одил кишиларида бири бўлган Ўсканбой оиласида таваллуд топди. Онаси Улжон оқила, фариштали, диний илмдан яхшигина хабардор аёл бўлгани учун ҳам ўғлини бисмиллони айтмасдан, таҳоратсиз эмизмасди. Қўнонбой кенг гавдали, юзи нурли, бўта кўз, сумбати келишган йигит бўлиб ўсди. Оз муддат муладан сабоқ олган бўлса-да, кейинчалик илм ортидан қувишга вақт тополмади. Ҳаёт ва турмуш ташвишларига ўралашиб қолди. Ўн беш ёшидан бошлаб қурашларда қатнашиб, довруқли полвон бўлиб юртга танилди. У умри давомида ўзига одилликни шиор қилиб олганди. Ўн етти

ёшида уйланган бўлса-да, қирқ ёшида ўғил топди. Ота унга Иброҳим деб исм қўйди. Боланинг бувиси Зере холанинг кейинчалик ҳикоя қилишича, Иброҳим дунёга келган пайтда, ёришиб келаётган тонг тун пардасини кўтараётганда, Ой сўниб, юлдузлар хира тортиб бораётган паллада саҳрода қудратли мўъжиза рўй берган. Юлдузлар орасида кўзни қамаштирадиган бир юлдуз чакнаган. Бундай ёрқин ёғду таратган юлдузни овул одамлари ҳаётларида илк бор кўришлари эди. Юлдуз кун сайин порлаб, олмосдек товланиб, ёркиндан ёрқин нур сочарди. У бошқа юлдузлардан барвақт чиқар ва энг охири сўнарди. Кўпчилик уни “Иброҳимнинг юлдузи”, деб аташди.

Улжон кўпроқ уй юмушлари билан банд бўлгани сабаб, боланинг тарбияси билан бувиси Зере ҳола шуғулланди. Шоира табиатли бу аёл Иброҳимни ҳамиша бағридан қўймасди, ўйнатар, алла айтарди:

Алла, алла Абайим,

Отга тўқим ёнайин,

Далага кетган онангни,

Қайдан излаб топайин...

Буни эшитганлар гоҳ кулиб, гоҳ ажабланиб, боланинг асл исмини унутиб, уни Абай, Абайжон, деб чақира бошлашди. Абай онаси ва бувисининг бағрида қулундек беғам, беташвиш ўсди. У ўйнаб-чопиб юрадиган тақир ерлар, майда тошлок ён бағирликлар, қалин чий қуршо-вида қад кўтариб турган тепаликлар бўлди.

Зере ҳола набирасига эртақлар, афсоналар, тарихий воқеаларни сўзлаб берарди. Абай улуг кишилар ҳақидаги ҳикояларни диққат билан тингларди. Боши катта, қулоғи кичкинагина, қирмиз юзли, қўллари дўмбок, кенг елкалари маҳобатли, доимо кулимсираб турувчи, коп-қора кўзлари одамнинг дилидагини уқиб оладиган-дек эътибор билан боқувчи бу болақайни овулдагилар бирдек яхши кўришарди.

Абай ёш бўлса-да, ораста кийиниб юришни хуш кўрарди. “Буни Худонинг ўзи унга раво кўрганди”, дейишарди одамлар. Қишли-қировли кунларда бошидан тулки терисидан тикилган телпак, баҳордан кузга қадар дўппи тушмасди...

Қўнонбой фарзандининг тарбиясига жиддий эътибор қаратди. Уни халқпарвар ва адолатли инсон бўлиб камол топишини орзу қилди. Ўғлини бошқа болаларидан ақлли, зийрак ва тиришқоқ эканлигини билиб, доимо ёнида олиб юрди.

Қўнонбой Абайни ўқитишга, илмли бўлишига барча шароитларни яратиб берганди. Бола тўққиз ёшидан бошлаб отасининг дўмбирасини кўлига олиб, қадим қадимдан бери тилдан тилга ўтиб келаётган халқ лапарларига куй басталаб, кўшиққа соларди. Ўн ёшида эса ўзи ҳам ўланлар ёза бошлади.

Абайнинг овози ёқимли ва жарангдор эди. Куйлаганда ҳад-худудсиз саҳро узра ёйилиб, одамлар қалбига тезда сингиб кетарди. Бу кўшиқларда қозоқ халқининг орзулари, интилишлари, фаровон ҳаёти тараннум этиларди. Соф муҳаббат, ошиқнинг оху зорлари, инсоний ҳис-туйғулар мадҳ этиларди, бахтли келажак куйланарди. Шунинг учун унинг ширали овозига ошифта бўлган мухлислар олис-олис овуллардан келиб туришар, баъзида олиб кетишарди.

Профессор Саъдий айтади: “Абай қозоқнинг оқини эмас, балки хофизидир”. Фарзандининг тиришқоқлиги, интилувчанлиги, хотирасининг ўткирлиги ота қалбида уни мадрасага бериш ва ўқитиш, саводли инсон қилиб тарбиялаш истагини уйғотди. Қўнонбой уни Семейдаги Аҳмад Ризо мадрасасига олиб борди. Татар мулла Ғабитхон домла кўлида диний ва дунёвий илмлардан сабоқ олди. Боланинг ёқимли овози кўпчиликни хайратга соларди. Олдига тушадиган хофузи Қуръон топилмасди. Абай мадрасада ўқиб юрган кезларийёқ поэзиянинг сир-синоатларини ўрганиб қолмай, балки ўзи ҳам шеърлар ёза бошлади. Шо-

ирнинг бизгача етиб келган хотираларида ва шеърларида халқ оғзаки ижодига тақлид қилиб, оқинларнинг ижодига ҳавас уйғониб ёзилган ўланлар кўп учрайди. Замондошларининг айтишича Абай шеър ёзишни ўн икки ёшидан бошлаган. Ёшликда ёзган шеърларининг кўпини ўзининг севгилиси Тогман исмли қизга бағишлаган. Бироқ булар оғзаки айтишувда бўлиб, қоғозга туширилмаган, кейинчалик Қувондиқ исмли оқин аёлдан ёзиб олинган.

Абай мадрасада араб, форс, турк, татар тилларини чуқур ўрганди. Фирдавсий, Саъдий Шерозий, Низомий Ганжавий, Ғузулий, Бобур каби буюк шоирларнинг асарларини мутолаа қилди. Навоийни завққа берилиб ёд ўқирди. У бемисл шеърятни билан Абайнинг руҳиятини сеҳрлаганди. Ундан илҳом оларди. “Шохнома”, “Лайли ва Мажнун”, “Гўрўғли” каби дostonлар бўла-жақ оқиннинг энг севимли асарларига айланди.

1858 йили ўн тўрт ёшида ёзган ўланларининг бирида:

Ғузулий, Шамсий, Сайҳали,

Навоий, Саъдий, Фирдавсий,

Хўжа Ҳофиз-бу Низомий,

Мэдэт бер шағири фэрияд,

- деб улуғ устозларига ўзининг миннатдорчилигини билдиради.

Абай маълум муддат рус тузем мактабида ҳам сабоқ олди. А. С. Пушкин, Л. Н. Толстой, Кирилов асарларини ўқиди, улардан озук олди. Рус тили орқали Байрон, Гете, Шиллер, Лесаж, Дюма, Мицкевич каби хорижий шоир ва адибларнинг асарлари билан танишди. Аристотель билан Сукрот асарлари ўзига мафтун айлади. Албатта, бу асарларни рус тилида ўқиш ва тушуниш унга бироз оғирлик қиларди. Бунда укаси Халилилло ёрдам берарди. Бу пайтда у шаҳардаги кадет гимназиясида рус тилидан сабоқ оларди.

Маърифатпарвар оқин А. С. Пушкиннинг “Евгений Онегин” романидан қаттиқ таъсирланган. У кечалари

асарни қайта-қайта ўқиб, таржима қиларди. Лев Толстой ва Салтиков - Шедрин бўлажак оқинни сеҳрлаб қўйди.

Абай ўқишни давом эттиролмади. Мамлакатда уруғлар, қабилалар, овуллар ўртасида ўзаро ички низолар, келишмовчиликлар, можаролар авж ола бошлади. Оқибатда элнинг тинчи бузилди. Бундай мақсадсиз урушларнинг олдини олиш, қон тўкилишига йўл қўймаслик учун эса овулларга саводхон, билимдон ёшлар зарур эди. Қўнонбой буни тушунди, ҳокимият учун туганмас кураш ва урушда у ўзига қўплаб душманлар ортирган-ди. Кутилмаганда рўй бериши мумкин бўлган урушларга олдиндан тайёргарлик кўрарди. Дўстлари ва яқин қариндошлари бундай жангга ҳамиша тайёр туришлари лозим эди. Шунинг учун Абайни овулга қайтариб келди. Ва секин аста бошқарув ва баҳсли мажароларни ҳал этиш ишларига ургата бошлади. Қўнонбойнинг мақсади ўғлини қабила бошлиғи этиб кўтариш эди.

Абай ёш бўлишига қарамай, эл ишига аралашди. Отаси томонидан берилган турли топшириқларни бажарди. Катта ҳаёт қўйнига кириб борди. Шу тариқа болалик билан барвақт хайрлашди. Унинг халқпарварлиги ва адолатпешалиги бутун Семейга ёйилиб кетди. Бой ва бийлар зулмидан озор чекаётган одамлар, тирикчиликдан кийналаётганлар нажот излаб, Абайнинг ҳузурига келадиган бўлишди. Абай ҳеч кимдан ёрдамини дариг тутмади. Мудом халқ тарафида турди, ҳаётга адолат кўзи билан боқди.

“Абай ёшлик чоғлариданоқ низоли масалаларни ҳал қилиш, қабила бошлиқларини муросага келтириш ишларида иштирок эта бошлади”, – дейди Абай меросини ўрганувчилардан бири М. С. Сильченко. Мухтор Авезов эса, “Отаси уни овулга қайтарди ва келгусида бўлис бошлиғининг маъмурий ишларини юртишни ўргата бошлади. Абай ўзининг гапга чечанлиги, эпчиллиги ва чапдастлиги, ўткир зехни, фикрлаш қобилиятининг ўткирлиги билан ажралиб турарди. У ҳар қандай мажарони қуроллар ёки муштлашиш билан эмас, балки

суд қонунлари билан адолатли тарзда ечарди”.

Кўплаб халқ йиғинларида, тўй-маъракаларда хонанда ва оқинлар Абайнинг қўшиқларини куйлашарди. Севишганлар ўз ёрларига ёзган мактубларида, албатта, унинг шеърларини кўшиб жўнатишарди. Абайнинг қадрдон овулидан турмушга чиқаётган қизлар эса оқиннинг шеър ва поэмалари ёзилган қўл ёзма китобларни ўзлари билан олиб кетишарди. Абай ёш бўлишига қарамай, ўзининг оташин нутки, шеърлари ва ўланлари билан халқни аҳлиққа, бирдамликка, дўстликка чорларди. Уларни янги ҳаёт йўлига етакларди. Ўстиқлик борасидаги фавқулудда қабилляти, дунёвий ва диний билимларни, халқ оғзаки ижодининг намуналарини билиши, матал ва мақолларни яхши ўзлаштириб олганлиги тез орада ёш йигитни унинг атрофини ўраб турган феодал тубикти уруғи орасида машҳур қилди.

Абай бир қўлида қалам, иккинчисида адолат тарозисини ушлаган ва ҳар иккиси билан ўз халқини фаровон келажак сари олиб бориш учун курашувчи ҳақиқатпарвар инсонга айланди. У ўз шеърлари ва нутқлари билан ўзаро жанжалларни, қон тўкилишини лаънатлади.

Оташ нафас шоир, халқнинг содиқ ўғлони Абай элнинг кўзини очишга ҳаракат қилди. Қайсики овулда адолат қонунлари бузилса, одамларнинг ҳақ-ҳуқуқлари паймол этилса, жонига озор етказилса, уйи таланса, мол-мулкига ўғрилар тажовуз қилса, Абай ўша ерга етиб борар, зулмкорларни топиб жазоларди. Бироқ, қора кучлар халқни Абайга бўлган севгисининг ортиб бораётганидан кўрқишарди. Унга қарши очик таъсир кўрсатолмасдилар. Энг ёмон, номақбул курашиш усуллари танлар эдилар. Абайнинг кўрқинчли ва ёмон душманларидан бири бу Ўрозбой эди. У Абайдан нарози бўлиб юрган одамларни ёнига йиғди. Оқибат 1897 йили оқиннинг жонига суиқасд қилинди.

“Ор-номусни юқори қўйиш, билимни кунт билан эгаллаш, меҳнат қилиш инсоннинг зийнатидир”, деб билган

Абай ўз замонасининг маърифатпарвар жарчисига айланди. Унинг ҳар бир шеър ва ўланлари одамларнинг юрагига етиб борди. “Менинг элим, қозоғим”, “Бойлар юрар молини ардоқлаб” каби шеърлари фикримизнинг тасдиғи бўлиши мумкин. Бу шеърлар тилдан-тилга ўтиб, овуллардан-овулларга ёйилиб, мадҳия сингари одамлар тилида янграй бошлади. Абай ўз шеърлари билан инсонлар онгида янгича дунёқарашни шакллантирди. Қозоқ халқ оғзаки маданиятини ривожлантирди. Одамлар эса билмли бўлиш кераклигини тушуна бошлашди.

Абай атрофига Муха, Какатой, Оқилбой сингари бир гуруҳ талантли шоирларни, қўшиқчиларни тўплади. Улар Абайдан ибрат олган ҳолда ўзлари мустақил равишда билим олишди, тил ўрганишди, шеърлар, поэмалар ёзишди, халқ ва замон дардини куйлашди. Овул болаларини саводли қилишда, мадрасаларда сабоқ беришда оқинга ёрдамлашишди. Абай болаларни яхши ўқиши учун уларни рағбатлантирди. Қалам, дафтар, китоблар совға қилди. Ўзининг устози деб билган Навоий ва Ғузулий каби алломаларнинг шеърларини ёдлаттирди. Овуллардан иқтидорли болалар етишиб чиқди. Абай ўзининг кичкинагина хужрасидан туриб ёшларга дунё маърифати ва маънавияти эшикларини очиб берди. Болалар оламга, янги замонга талпинди.

Абай қандай иш билан машғул бўлмасин кўлидан китобни қўймасди. Китоб унинг доимий ҳамроҳи эди. Ўқиш билан бирга янги шеър ва ўланлар тўқирди. Асарларида халқни яхши кунлар келишига ишонтирарди. Инсоний кадр-қимматни ва меҳр-оқибатни улуғларди. Айтимларида туркий халқларга хос бағрикенглик, салимийлик нафаси уфуриб турарди. Ошиқлар севгисини халқона очиқ-ойдин тасвирлаб берарди. Бу эса Абайни қозоқ халқининг асрлар давомида шаклланиб, уйғунлашиб келаётган оғзаки ижодини яхши билганидан дарак берарди. Оқин тўран фикрлари, реалистик қарашлари билан замондан илгарилаб кетганди. Абай асарларини

INVENTARIN 616
Заммота АЖМ

Ўқиган одам қозоқ халқининг кимлигини, унинг маданияти ва маънавиятини тушунарди.

Абай шеъриятида туркийларга ҳос инсонпарварлик, мардлик, бағри кенглик, юртга муҳаббат ва ёрга садоқат оҳанглари кучли. Шоир ўз шеърларида аёл ва қизлар қалбини, уларнинг қисматини, фожиали тақдирини ва айни пайтда орзу истакларини донишмандларга ҳос ибора ва ташбеҳлар орқали очиб беради. Қозоқ аёлининг оила бахти учун, фарзандининг камоли учун ўзини қурбон қилишга тайёрлигини, ёрга ва дўстга содиқлигини тараннум этади. Абайнинг тили шу қадар содда, ёқимли ва равонки, китобхон куй тинглаётгандек хузур қилади. Бу билан Абай ўзгаларга соя ташламайди. Аксинча, шеърятнинг қадр-қимматини кўтаради. Шеърларининг ўз замонасидаёқ эл орасида ёйилиб, овозланишининг боиси шунда эди-да.

Абай бир умр уйкуда ётган қозоқни уйғотди. Ҳидоят сари етаклади. Миллатнинг маънавий ва дунёвий оламини жаҳонга намоиш этди. Шоир шеърларини ўқиган дунё халқлари Абай орқали қозоқни танишди. Унинг бой тарихий маданиятини танишди.

Худойберган Жуманов 1934 йилда ёзган мақоласида “Абай қозоқ адабиётининг классиги”, деб бежиз тариф бермаган эди. Дарҳақиқат, Абай қозоқ маданияти тарихида ўзига ҳос, бетакрор оқин, қозоқ классик адабиётининг биринчи номояндаси ҳамдир.

Қозоқнинг бадий тафаккури Абай шеърларида ўз аксини топган. Минг йиллик удумлар, қозоққа ҳос хусусиятлар Абай тимсолида гавдаланди. У шеърлари, бадий тасаввурлари орқали қозоқ халқининг маънавиятини ички оламини очиб бера олган даҳодир. Шу сабабли ҳам шоирнинг ҳар бир шеъри халқ томонидан муносиб кутиб олинди. Одамлар уйига хуш сабодек кириб борди. Унинг сўзларидан, янги битган ўланларидан кўнгил яраларига малҳам олишаверди. Бироқ шоир қў-

шиқларининг ҳаммаси ҳам тўлалигича қоғозга туширилмаган ва бизгача етиб келмагани ачинарли эди.

Шоир поэмалар, таржималар устида тинимсиз ва узуликсиз бош қотирарди. Тунлари кўлига қалам олиб, ўз фикрлари, туйғулари билан улфатчилик қилишни хуш кўрарди. Бу болаликдан қолган одат эди. У поэзиядаги каби куй яратишда ҳам илғор эди. Дўмбирасини созлаб, куйлар чалиб, инсон туйғуларини, она табиатни, илм ҳамда маърифатни улуғловчи, яхшилик ва эзгуликни шарафловчи кўшиқларни жўшиб куйларди. Куйлаганда юзларидан нур ёғилаётгандек, ҳамма унга термуларди. Нурли юзи шабодадан енгил мавжланаётган денгиз сингари ўзгариб турарди. У ўз юртининг биринчи композиторига айланди. Бу ҳақда Мухтор Авезов шундай ҳикоя қилади: “Абай на фақат улуғ окин балки, бетакрор композитор ҳам эди. У ўзининг кўшиқларига 200дан ортиқ куйлар басталади. Халқ куйларига янги оҳанглар олиб кирди. Поэзиядаги каби мусикий куй яратишда ҳам нававторлик қилди. Ўз юртининг биринчи композиторига айланди”.

Абай ўзининг ишбилармонлиги, топқирлиғи, адоб-ахлоқи, одил сўзни айта олиши билан бошқа овулдагиларнинг ҳам хурматини қозонди. Одамлар унга интиларди. Севарди. “Бизнинг Абайимиз”, деб ардоқлашарди. Абай камбағалларни бойларнинг зулмидан, таъзийқларидан ҳимоя қила оладиган халқпарвар инсон даражасига кўтарилди. Элнинг маросимларида бош турди. Йигирма ёшга тўлмасидан халқ унинг номзодини бўлис сайловига қўйди. Бу ҳақда ўғли Тўрақул ўзининг эсдаликларида ёзган: “1868 йили референдумда Худойберди бўлис бўлиб сайланди, отам эса унинг ўринбосари этиб тайинланди. Бу одамларни отамга бўлган катта ишончи эди”.

Орадан бир йил ўтиб Худойберди вафот этди ва бўлисликни бошқариш Абайнинг зиммасига юклатилди.

Тарихчи олимларнинг маълумот беришича, 1872-1874 йилларда Абай Кичик Табақтига иккинчи бор бў-

лис бўлди. 1876-1878 йиллари эса Қонир-Кэкше элига, 1893 йили эса Мукир элига уч йил муддатга бўлисликка сайланди. У бўлис сифатида бошқарув тизимини адолатли олиб борди. Қашшоқ халққа ғамхўрлик қилди. Адолат ўрнатди. Бу йўлда ҳатто ота-бола ўртасида жиддий тортишувлар юзага келди. Бойлар ва бийлар, ер эгалари оддий халқ қатори Абайнинг топшириқларини ва буйруқларини эътирозсиз бажаришди. Абай элни талаган ўғри ва қаззобларнинг додини берди. Элни уларнинг зулмидан ҳимоя қилди. Порага, мол-дунёга учмади, харом луқмага виждонини сотмади. Унинг ўзи "Бўлислик мансаб эмас, элни боқиш, халқни яхшиликка, эзгуликка, ҳидоятга етаклаш", деб жар солди.

Абай ўттиз беш ёшида яна шеърятга қайтди. Ёзган шеърларига ўртоқларининг номини кўярди. Йигирма йил орасида қашшоқ халқнинг ичида бўлган оқиннинг ҳаёт таржибаси ортганди, ҳаётнинг яхши ёмон томонларини кўриб, кўзи пишганди. Ақли тўлганди. Шарқ шоирларининг ижоди билан танишиб, онги чарҳланганди.

Қаршимизда нурга тўйинган, қор билан безанган ясси тоғлар, унинг остида кўкка бўй чўзган сарвқомат қайинлар кўринди. Кейин паст-баландликлар устига қурилган уйлар кўзга ташланди.

— Бу Қарқара кишлоғи, — деди Эрнур кўзларимни қаршимдаги гўзал манзаралардан узолмай қолганимни сезиб.

— Ниҳоят етиб келибмиз-да! — дедим суйинганимдан.

— Кўзга яқин кўрингани билан ярим соатдан кўпроқ йўл юрамиз.

Ичкарилаган сайин кишини ҳайратга соладиган гўзал манзаралар намоён бўла бошлади.

Машинамиз йўл четида тўхтади. Пастга тушдик. Тоғ томонлардан салқин ва ёқимли сабо эсарди. Кўча бўйи

одамлар билан гавжум. Йўл ёқасида кичкинагина бозорча, тижорат дўконлари бор.

– Бу жой овулнинг маркази, – деди Ўкан. – Бошқа авуллардан ҳам одамлар келиб туришади.

Нарирокда каттагина дарахт қанотини ёйган бургутдек теvarакка соя тўшаб турибди. Ортида масчит, гумбази офтоб тигида ялтирайди, ранглари жилоланади. Эрнур ҳаммамизни ичкарига бошлади. Ёғоч зиналардан юқорига кўтарилдик. Кираверишдаги қўш эшикнинг юқорисига кичкинагина лавҳа ўрнатилган. “Бу масчит Ўсканбой ўғли Кўнонбой томонидан 1851 йилда қайта таъмирланган, бугунги кунда давлат муҳофазасига олинган”, деб ёзилган, ичкари кирдик. Ерга тўшалган гиламлар кўзни қамаштиргудек жилоланади. Масчит ичи кичик бўлса-да, ораста. Эллик-олтмиш киши ибодат қилиши мумкин. Гиламга ўтириб тиловат қилдик. Икки ракат намоз ўқидим. Эрнур масчитнинг тарихини гапириб берди.

– Кўнонбой одамларнинг аҳволидан хабар олиш мақсадида Қарқарага тез-тез келиб турарди. Бу ернинг аҳолиси уни ҳурмат қиларди ва бўлисликка сайлашганди. Ўша пайтларда овулда 15 бўлис истикомат қиларди. Аҳолининг яшаш тарзи оғир эди. Қиш ойларида очлик азобини бошдан кечиришарди. Касаллик кўпаярди. Силга мубтало бўлган беморлар дардига шифо тополмай ўлиб кетарди. Бўлисликка сайланганлар халққа қуруқ ваъдалар бериб, алдаб кетишарди. Қарқараликлар Кўнонбойни бўлисликка сайлаш мақсадида уни бу ерга таклиф қилишган. Келганида масчитда ётиб турди. У анчагина эскириб, нураб қолган, таъмир талаб эди. Кўнонбой ўз маблағи ҳисобидан бинони қайтадан қурдирди. Гумбаз ўрнаттирди. Одамлар келиб, тоат-ибодат қиладиган бўлишди. Овул болалари илм олиш мақсадида масчитдан мадраса ўрнида фойдаланишди. Кўнонбой қандай йўл билан бўлмасин қозоқ болаларини ўқитиш кераклигини, илмли болалар элга ҳам, юртга ҳам зарурлигини тушунарди. Ўқитувчи ёллади. Семейдан даф-

тар-китоблар келтириб болаларга таркатди. Қўнонбойнинг ўғиллари Абай билан Ҳалилилло бу ерга тез-тез келиб, тенгдошларининг ўқиши билан қизиқиб, уларга дарсликлар, китоб-дафтарлар совға қилишарди.

Маърифатли, илм аҳлининг яқин дўсти бўлган Қўнонбой гарчи саводли бўлмаса-да, илм кишиларини қадрлаган, уларга ҳамиша уйининг тўрисидан жой берган. Оқин ва бахшилар билан яқин бўлган. Улар вақти-вақти билан тўпланиб, тонг отгунгача дўмбира чертиб, ўлан айтиб, элнинг кўнглини кўтаришган.

Қўнонбой етмиш ёшида элнинг дуосини олиб, ҳаж сафарига борганида, у ердаги шароитдан қоникмаган. Юртидан борган зиёратчилар учун ётоқхоналар йўқлигидан ранжиб, Шайхнинг ҳузурига кириб, меҳмонхона қуриш учун жой ажратиб беришни сўрайди. Шайх унинг талабини қондирган. Қўнонбой ўзи билан зиёратга борган бойларни тўплаб, “Биз бу ерга Худонинг фарзини адо этиш мақсадида келдик. Ҳар биримизнинг ўзимизга етарли харжимиз бор. Бироқ, биздан кейин келадиган, пули йўқ юртдошларимиз қаерда ётишади? Ётоқхона сотиб оладиганларнинг пул топишга қурбилари етмаслиги мумкин. Шунинг учун барчамиз маблағ йиғиб, меҳмонхона солдирайлик. Камбағал зиёратчилар келиб, биз қурдирган қўноқхонада ётишса, улкан савоб бўлди”, дейди.

Қўнонбойнинг таклифини ҳожилар маъқуллашади. Пул йиғиб, унга топширишади. У маълум муддат мусофир юртида қолиб, йиғилган пулларга каттагина меҳмонхона қурдиради.

Қўнонбой умри давомида (1985 йилда 81 ёшида вафот этган) меҳнаткаш ва жафокаш халқнинг турмуш тарзини яхшилашни ўйлади, болаларни саводли бўлиб, илм урганиб, дунёга чиқишини орзулади. Умрининг сўнгги йилларида ҳам Қарқара, Чингиз, Жийдабей каби овуллардаги камбағал ва мискинларга ёрдам берди. Шунинг учун халқ севарди уни...

Эрнурнинг сўзларидан юрагим тўлқинланди.

Имом шу ерда экан, ташқарига чиқаётганимизда у билан учрашдик. Менинг Ўзбекистондан келганимни билиб, юртимиздан етишиб чиққан алломаларнинг номларини хурмат билан ёдга олди. Мен бу ерда уламоларимизнинг китобларини кўрдим.

Ошхонага кириб, тушлик қилдик. Иштаҳа билан овқатландик. Кейин машиналарга ўтириб, йўлга тушдик. Борар жойимизгача уч-тўрт юз чакирим масофа бор. Паст-баланд довлардан ошиб, яйловларни кезиб борардик. Машина тез юролмайди... Тўлқин устида сузиб бораётган кемадек чайқалади. Ғилдираклар остидан оппоқ чанг кўка урлайди ва тезда эпкин таъсирида ёйилиб кетади. Қорнимиз тўйган, кайфиятимиз кўтаринки, димоғимиз чоғ. Тағин ҳазил-хузуллар, латифалар бошланди. Ўкан оғанинг дурустгина овози бор экан, машҳур опера артистларидек кўшиқ куйлаб юборди. Биз қарсақларимиз билан унга жўр бўлдик.

Қаршимиздаги баҳмалдек ястаниб ётган кенгликлар бизга кучоғини очарди. Одамлар кўринмасди. Машиналар ўтмасди. Яқин-йироқларда, тепаликлар устида от уюрлари, мол подалари баъзида кўзимизга ташланади. Бошимиз узра узун қанотларини қоқиб, учаётган кушлар бизга ҳамроҳлик қилмоқчи бўлар, бироқ тезда феруза само бағрида кўзимиздан ғойиб бўларди.

Саҳронинг ўзига хос гўзаллиги, манзаралари қалбни китиклайди, ширин ҳис-туйғулар уйғотади, завқингни келтиради, ҳаяжонга солади. Майсалар устида чопкиллагинг, ўтлоқлар бағрида умбалок-думбалок ошгинг келади. Борлиққа боқиб кўзинг яйрайди, юрагинг завқ-шавқдан гурсиллайди.

О, она табиат, сенинг гўзаллигингни, барнолигингни тафсиф этмоққа сўз топилурму. Васфу жамолингни таъриф этмоққа тил ожиз. Ўзингнинг шу кўркинг, шу малҳатинг ила одам боласининг дилига олам-олам қувонч

солиб, шодлик улашасан. Икки кўлимни кўксимга қўйиб, таъзим қилиб, сенга ташаккурлар, беҳисоб ҳамду санолар айтаман, эй, она табиат! Сен ўз чиройинг билан, хусну ма-лоҳатинг билан Абай бобомизни ўзингга маҳлиё этганинг сир эмас. Шоир дилига завқ солганинг чин, қалбининг қаърида ижод дардини уйғотганинг-да, рост, вужудини титратганинг-да, ҳақ. Шунинг учун сени суйиб, ардоқла-ди, шеърларида шарафлади. Сени кўз қорачиқларига жо айлади. Сен-ла, ғурурланди. О, қозоқ чўллари, қозоқ чўл-лари!

Сен оқин оғамиз учун болдан ширин лаззат эдинг. Куёш мисли ҳаёт ва қувонч бағишловчи қудратли куч эдинг. Шоир ўғлингнинг қайноқ қалбидан отилиб, дўм-бирасидан наво бўлиб, куйга айланиб, таралиб, олам узра қанот қокқан дилбар қўшиқ эдинг. Уни дунёга маъ-луму машҳур қилган сенинг бетакрор ҳамда мафтункор гўзаллигинг эмасми, о, қозоқ чўллари, қозоқ чўллари!

Бағрингдек чексиз саҳроларингни, кўнглингдек кенг тоғларингни, осмондек поёнсиз дала-қирларингни мадҳига сўз топилурми? Тоғлар бағридан отилиб чиқа-ётган булоқлардан ҳосил бўлган жилғалар, ирмоқлар, шошқин сойлар, тошқин дарёлар бугун чўлларингни бўстон этмоққа шошилаётир. Қани энди, Абай оғадек хуш овоз оқин бўлсам-у, дўмбирамни кўлимга олиб, созимни чалиб, шанингни куйга солиб, қўшиқ қилиб, булбулдек куйласам. Қани энди куй-қўшиқларим би-лан сени шундай барно қилиб яратган чевар Танграмга шодлиқларимни етказсам, о, қозоқ чўллари, қозоқ чўл-лари... Ширин ўйлар суриб бораётирман, келажагинг кўриб бораётирман, Абай оғамдан куч- мадад сўраётир-ман, о, қозоқ чўллари, қозоқ чўллари!

Машинамиз ҳамон ўт-ўланлар билан қопланган саҳро ичидаги илон изи йўлдан кетиб борарди. Ғилди-

раклар остидан кўтарилаётган кулранг тупрок ортимиздан эргашар ва тезда ҳолсизланиб, заминга қайтарди. Майсалар хайр хуш, дегандек бошларини чайқаб қоларди. Қушлар машина томига теккудек пастлаб учарди.

Бир неча чақирим масофани ортда қолдириб, яна бир дўнгликдан ошиб ўтганимиздан кейин кўзимизга оппоқ бинолар, мол боқаётган чорвадорлар, тулпор миниб юрган чавондозлар, баҳмал ўтлоқларга тикилган оқ ўтовлар кўзга ташланди. Одамлар яшайдиган қўналғаларга етиб қолганимиздан қувондик.

Кутилмаганда биз бошқа йўлга қайрилдик. Уларни четлаб ўтдик. Яна кимсасиз жойлар бошланди. Йўлга чиққанимизга ҳам олти соатдан ўтганди.

– Матор қизиб кетди!

Эрнур машинани тўхтатди. Ҳаммамиз пастга тушдик. Оёқларимизнинг чигилини ёзиш мақсадида ўт-ўланлар ораладик. Зарина гуллар терди. Талгат билан Ўкан майсалар устига ёнбошлашди. Юз метрлар наридаги оқ ўтов эътиборимни тортди. Чорвадорлар оиласи яшаса керак. Ўтов ортида қўра – қўй-қўзиларнинг маъраши эшитилмокда. Юрагим ўша томон талпинди. Ичкардан чиққан аёл мени кўриб ёнимга келди.

– Кел, қарағым!

– Жулдедим, жанге, су бер!– дедим.

Бека ичкари кириб кетди. Каттагина коса кўтариб чиқди. Сув деганим, қимиз экан. Сими́рдим, ташналигим босилди.

– Раҳмэт, жанге! – миннатдорчилик изҳор қилдим.

– Қай жакқа баражатырсын?

– Қасқабулакқа!

– Абай отамиздын овулина ма?

– Ия, зиярет етгуге баражатирпан.

– Бул журттын баласина ухсамайсын...

– Озбекистон елинин келдим, женге.

– О, баупримиз екенсин-ой, айланайин.

– Сондай, жанге!

Девор ёнидаги курсида китоб ўқиб ўтирган ўн ёшлардаги болага кўзим тушди.

– Қандай китоб оқиб жатырсын? – қизиқиш билан сўрадим ундан.

Бола кўзини менга тикди.

– Абайди!

– Олиндерин жатққа айта аласын ба?

– Айтамын, оға?

Бола ўрнидан туриб, бошини юқори кўтариб, шеър ўқий бошлади. Унинг овози кўнғироқдек жаранглаб, сахро узра таралиб кетди.

Гўдак учун бешиги – каттакон олам,

Онасининг оқ кўкси – жонажон олам.

Кенг сахро ҳам тор келар улғайганда,

Ўтовдай кўринар бепоён олам!

Шаҳардан бир неча юз чақирим йироқда, сахронинг бир четида, танҳо ўтовда Абай асарини ўқиётган чўпон боласининг илмга интилиши мени нақадар таажжубга солганини баён этишга сўз тополмайман. Бугунги қозоқ ёшларининг илм-маърифатга ташналигини мана шу сахро боласи тимсолида кўриб қувондим. Оқиннинг халқига қилган ўғитлари, панд-насихатлари китобларида қолиб кетмабди. Истаклари, орзулари руёбга чиқибди. Кетиш олдидан кўкрагимга тақиб олган Амур Темурнинг кўкрак нишонини болага совға қилдим.

Уй бекаси сув сўрасам қимиз тутди, боласи оқиннинг шеърларини айтиб, қойил қолдирди. Бека менга моддий озиқ берган бўлса, фарзанди маънавиятимни бойитди.

Йўлдамиз. Машинамиз паст-баландликлардан ошиб ўтарди. Манзил томон кетиб борарди. Ҳар гал довлонларга кўтарилганимизда қаршимизда ястаниб ётган кенгликларга кўзимиз тушар ва кўнглимиздан овулга етиб келдикмикин, деган ўй кечарди, ниҳоят яна овул кўринди. Анчагина уй бор эди. Ҳатто икки қаватли бинолар ҳам. Юрагимиз энтиқиб, кўзларимиз чакнаб, бинолар-

га боқдик. Ичкаридан сумкаларини елкаларига илиб чиқаётган болаларни кўриб, ўқувчилик даврим ёдимга тушди. Одамлар ўз ташвишлари билан юришибди, яйловдан қайтган кўй-кўзиларини кўрага қамашмоқда, аёллар кўлларида пақир, қудукдан сув келтиришмоқда.

– Мен шу мактабда ўқиганман, – деди Эрнур икки қаватли бино олдидан ўтаётганимизда.

Унинг овозидан ички фахрланиш ва ғурурланиш ҳисси билан бирга соғинч ҳам сезилиб турарди.

– Уйимиз ҳу-вв анови кўш дарвозали бино. Ҳозир у ерда ҳеч ким ўтирмайди.

Ҳаммамиз бинога юзландик. Ҳозир бу уйда ҳеч ким яшамаётгани пастаккина дарвозага солинган кулфдан билиниб турибди.

Машина айланма йўлдан қайрилиб, ярми тош билан кўрғонланган ҳовли ёнида тўхтади. Биз манзилга етиб келгандик. Енгил нафас олдик, машинадан тушдик. Увишган оёқларимизни ҳаракатлантирдик. Қотган қонлар суюлди. Ичкаридан қирқ ёшлардаги йигит чиқди. Бизлар билан саломлашиб, ҳар биримизнинг кўли-мизни олиб, қозоқларга ҳос илтифот билан ичкарига таклиф қилди.

– Бу Эрнурнинг укаси, Давлет, – таништирди Зарина. – Шу ерда қолган. Фермер, уч минг бош йилқиси бор.

Давлет бизнинг ташрифимиздан хабар топган кўри-нади. Меҳмонхонани безатиб қўйибди. Барчамиз стол атрофига жойлашдик. Олдимизга миллий таом - бешбармоқ қўйилди. Давлет лаганга солинган кўйнинг калласини олиб келиб, олдимга қўйди. Одатда қозоқлар мартабали меҳмонни шундай таом билан сийлашади. У гўштни майдалаб, атрофдагиларга улашиши керак. Мен бу таомилни эслаб, этни майдалаб шерикларимга узатдим. Ўкен ёрдамлашди, овқатдан сўнг уй эгаси бизни саёҳатга таклиф қилди. Чарчаган бўлишимизга қарамай розилик бердик. Машинага ўтириб орқага қайтдик. Уч-тўрт чақирим юрганимиздан кейин машинамиз тоғ ён

бағридаги дўнглик олдида тўхтади. Тупроқлар остидан чиқиб турган тош тахламларига кўзим тушди.

Қаршимиздаги тоғ юсак бўлмаса-да, бўрон ва дувуллар сидириб ўтган чўққилари маҳобатли эди. Сўл томонимизда қабристон. Давлет бизни ўша томонга бошлади. Бу ерга Абай бобомизнинг яқинлари, Эрнурнинг бобоси билан момоси қўйилганлигини кейин билдим. Куръон тиловат қилдик. Кейин бояги тепалик ёнига қайтдик.

– Яқинда бу ерда археологлар қазилма ишларини ўтказишди, – деди Давлет тупроқ остидан чиқиб турган ялпоқ тошларга ишора қилиб, – Айтишларича бронза даврида бу жойларда одамлар яшашган. Шу тепалик остида уларнинг ибодатхонаси бўлган.

Тепалик атрофини айландик. Нарироқда яна икки-учта кичикроқ дўнгликлар кўзга ташланиб турибди. Қазилма ишлари ҳали ниҳоясига етмаган кўринади, тегилмаган. Тепаликлар остида биз билмаган, фанга номаълум сир-синоатларнинг яшириниб тургани аниқ. Кўзим тоғ тепасидаги ғорда тўхтади. Улар иккита, ёнма-ён, бири иккинчисига ўхшамас. Фақат катта-кичиклигида фарқ бор. Биз суви қайтган, тўнтарилган қозондек келадиган қизғич тусли тошлар устидан сакраб-сакраб анҳорнинг ўнг томонига ўтдик. Қачонлардир бу ердан дарё тўлиб-тошиб оққанини ер қатламларига муҳрдек босилган излар айтиб турибди. Юқорига тирмашдик. Оёқларимиз остидан майда тошлар юмалаб, бир-бирига урилиб, шарақлаб пастга думалади. Шағаллар оқими мени ярим метр пастга олиб тушиб кетди. Қип-қизил бўлиб, маржон сингари шохларга терилган наъматаклар япроғида ҳашоратлар ўйнайди. Кийикўт ва бошқа гиёҳларнинг ифори димоқларни китиклайди. Вужудингга ҳузур бағишлайди. Нафас олиб, тананг яйрайди. Боя кўзим тушган ғорларнинг иккиси ҳам табиий эмас, қачонлардир бу ерда яшаган одамлар томонидан бошпана мақсадида ўйилган. Тошларга муҳрланиб

қолган асбобларнинг излари, турли шаклдаги чизиклар бунга шохидлик беради. Ғорнинг ичи ҳам у қадар узун эмас. Нарӣ борса тўрт-беш метр. Ичкарида тош супалар бор. Иккинчи ғорнинг айланаси кенг, ости силлиқ, тарашланган. Ғорларнинг ҳар бирига йигирма-ўттиз киши сиғади. Атроф бу ердан бемалол кўринади. Хатто Чингиз тоғлари ҳам. Ўйлашимча, ғорда яшаган одамлар шу яқин атрофда деҳқончилик қилишган. Тоғ орти яйлов. Бағри баҳмалдек ям-яшил. Юқоридан тасмадек ялтираб тушаётган жилға яйлов бағрида ёйилиб оқмоқда. Ортга қайтдик.

– Энди қаёққа? – сўрадим Талгатдан. У елка қисди. Эрнур жавоб қилди:

– Чингиз овулига! У ерда, тоғ ичкарисидаги ғорда шифобахш сув бор, чўмилиб қайтамиз.

– Узоқми?

– Қирк чақиримча!

Йўлга тушдик. Қош қорая бошлаганди. Қанчалаб ўтган ва ўтиши лозим бўлган сон-саноксиз тунлар сингари ложувард-қизғиш шуълага чулганган тагин бир тун улкан сахро узра бостириб кела бошлаганди. Кечанинг серюлдуз фалаги сахро ўртасидаги йўлга ўзининг мўл-кўл нурларини тўкарди. Олисларда чироклар милтилларди. Машина фаралари илон изи йўлни ёритиб борарди. Борлиқ жозибали. Салқин ҳаво юракларга қувонч олиб киради. Табиатнинг бу инъоми чарчокларимизни ёйиб юборди. Ой балқиб, нурлари тўкилиб турган томондан қорайиб тоғ кўринди. Хаёл олиб қочди мени. Бу ерларга Абай келганмикин? У билан бирор воқеа рўй берганмикин? Шу мақсадда суҳбатдошларимга юзландим.

– Абай оғамиз бу ерда бўлис бўлган. Элнинг арз-додини, талабларини Семей губернаторига етказган. Овулларда қаттиқ тартиб ўрнатган. Одамларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилган, хотин-қизларнинг камситилишига, уларни оғир меҳнатларга жалб этилишига доимо қарши турган. Давр тақазосига кўра қизлар жуда

ёшлигидан турмушга узатилар, уларнинг оҳ-зорига кулоқ соладиган одам топилмасди. Абай уларнинг ўз эрklarига қўйиш тарафдори бўлган. Бир-бирига кўнгил қўйган ошиқларнинг муҳаббатига тўсқинлик қилувчиларга қарши турган. Бу ҳақда Эрхом Исоқовнинг “Ҳаёт чорраҳаларида” номли мақоласида шундай хикоя бор. “Абди исмли камбағал одамнинг Зарифа исмли кўҳликкина қизи бўлган. Тўлаган исмли бадавлат одам унинг отасига қирқ бош қўй бериб, қизини ўғлига олиб бермоқчи бўлади. Бироқ бойнинг ўғли ақлсиз, инжиқ эканлигини Зарифа яхши биларди. Унга турмушга чиқишдан бош тортиб, отасига кўп зорланиб, кўз ёш тўқади. Бироқ ота қизининг зорларига кулоқ солмайди. Зарифа йиғлай-йиғлай охири бетоб бўлиб ётиб қолади.

Абди ўта камбағал, ночор бўлгани учун Тўлаган томонидан берилган қўйларни қайтаролмасди. Уларнинг ярмини сотиб, пулини ишлатиб юборганди. Зарифанинг боши котиб турган кунларнинг бирида дугоналаридан бири унинг олдига келиб, “Кўнонбойнинг Абай исмли ўғли бор, ўрисчани яхши билади, унга арзингни етказсанг, Семей губернаторига хат ёзиб юборади. Ўша сенга ёрдам қилиши мумкин”, дейди. Қиз Абайга мактуб жўнатади, ёрдам беришини илтимос қилади. Абайнинг қизга раҳми келиб, жони ачийди. Отасини чақиртириб, қизни ўз ҳолига қўйишни ва суйган йигитига турмушга узатишини сўрайди.

– Сен қизингни зорлатиб Тўлаганнинг ўғлига бермоқчи бўлибсан. Қизинг бечора унга турмушга чиқишга рози бўлмай, йиғлай-йиғлай охири касал бўлиб қолибди. Ўз пушти камарингдан бино бўлган дилбандингга раҳминг келмайдими? – дейди.

Абайнинг сўзларига жавобан ота:

– Абай, сен менинг ишларимга аралашма. Бўлис бўлсанг ўзингга, мен қизимни қирқ бош қўйга Тўлаганнинг ўғлига бердим. Ахир мол-дунёга қиз бераётган ёлғиз мен эмасман-ку, – деб Абайга қарши сўз айтади.

Абай Абдининг сўз укмаслигини билиб, Тўлаганни чақиртириб келади:

– Тўлаган сен мўмин, бой-бадавлат одамсан, Абдининг кизи сенга келин бўлмайди. У ўғлингни ёқтирмайди. Уни мажбурлаб, келин қилганинг билан қиз сенинг хонадонингда бахтли ҳаёт кечиролмайди. Ўғлинг учун бошқа қиз изла! – дейди.

– Абайжон, “тусип кеттим теренге, энди маған кун кайда”, деб бурунғилар айтган экан. Чорваси йўк, ери йўк, хизматимни қилади, деб Абду билан куда бўлган эдим. Энди қудаликни бекор қилсам, бечора ерсиз қолади, очликдан қийналади, қирқта кўйни қандай қайтади, дейди.

Тўлаганнинг сўзларини эшитиб, Абай унга ҳам гап уқтириб бўлмаслигини тушуниб, бошқа мажбурламайди.

Абай Зарифага хат юборади. “Мен Абди ва Тўлаган билан гаплашдим. Улар сўзни тушунадиган эмас. Энди ўрис тўраларга ариза бер. Бўйи етган қизнинг эрки ўзида. Бундан бошқа илож йўк”.

Зарифа Абайнинг мактубига шундай жавоб қайтаради.

“Абай оға, мен барибир Тўлаганнинг ўғли билан бирга яшай олмайман. Тўлаганнинг боласини кучоқлаб ётгандан кўра, гўрга кириб, топроққа бағримни бериб ётганим дуруст. Губернаторга аризани ўзингиз ёзиб жўнатынг, мен кўл қўяман. Айёрлик қилиб, сўзидан қайтади, деманг, яхшилигингизни унутмайман, мени хўрланишдан озод қилинг”.

Абай Семейдаги суд идорасига Зарифанинг номидан ариза ёзиб жўнатади. Почтачи отчопарга: “Жавобини зудлик билан олиб кел”, деб тайинлайди. Бир ҳафта ўтиб, судьядан “Қизга зўрлик ишлатилмасин, ўзининг суйганига турмушга узатилсин”, деган жавоб хати келади. Шундан кейин Абай Тўлаган ва Абдини чақириб, суд қарорини топширади. Улар қарорни бажаришга мажбурликларини тушуниб, ўртадаги куда-андачиликни бекор қилишади.

Зарифа Абайга миннатдорчилик хатини юборади. Тез орада қиз ўзининг суйган йигитига турмушга чиқади.

Ўша пайтда Абайнинг зўравонларга қарши чиқиши катта жасорат эди. Бу воқеа овулдан ташқарига ҳам ёйилиб кетди. Абайнинг эл орасида обрўси кўтарилиб, ҳурмати ошди. Энди бошқа овуллардан ҳам камситилган, хўрланган аёллар ўз муаммоларини ҳал этишда ёрдам беришини сўраб, оқиннинг олдига кела бошлайди. Лекин коса остида ним коса борлигини ўшанда Абай ҳаёлига келтирмаганди. Унга қарши тиш қайраганлар, қамчисини ялонғочлаганлар, ханжарини қинидан суғирганлар бор эди. Бу ҳақдаги ҳикоямизнинг давомини кейинга қолдирсак. Чунки, гоҳ йўлимиздан адашиб, гоҳ доvonлар ошиб, манзилимизга етиб келгандик. Тўрт-бешта бино, ўн-ўн бешта машина, элликдан кўпроқ одамларни кўрдик. Улар бу ерга дардларига шифо излаб, турли шаҳарлардан келишган беморлар эди.

Ҳозирча электр симлари етиб келмаган, йўлларига асфальт ётқизилад бошлаган ғаройиб ғорга яқин жойда дивижоклар гуруллаб ишларди. Ёниб турган чироклар олисдан худди сув остидаги маржонлардек ялтирарди.

Сувга тушишдан аввал таҳорат олиш лозимлигини айтишди. Амални бажариб, юқорига кўтарилдик. Талгат юришга қийналарди. Ўкан оға унинг қўлтиғига кирди. Иккиси оёқлари остидаги тош йўлакни бир-бир босиб борарди. Ўшанда ҳамкасбимнинг қўлтиғига кириб, унга суянчик бўлмаганимдан ҳозир афсусдаман.

Ғор оғзига етганимизда илмли кишлардан бири Куръон тиловат қилаётганди. Тошлар устига тиз чўкиб, унинг оташнафасига кулоқ солдик. Дуога қўл очиб, Яратгандан шифо сўраб, ичкариладик. Чўққилари оппоқ қор билан қопланган тоғ бағрида қовун тилимидек ёруғ жой кўриниб турарди. Бу эртаклардаги Алибобонинг

ҳазинаси яширилган ғорни солди ёдимга. Оғзи тор эди, ёнбошлаб юришимизга тўғри келди. Гавдамизни буриб, кўкрагимизни тошларга ишқалаб ичкариладик. Бошқаларни билмадиму, менинг хаёлимдан ўтмаган нарсалар қолмади. Худди жаннатга элтувчи филсирот кўпригидан ўтиб бораётгандек ҳис этдим ўзимни. Шу пайтгача қилган яхши ёмон амалларимни хотирладим. Ҳар бир нафас олишим тақдиримни ҳал қиладиганга ўхшарди. Дуолар ўқидим. Ўн беш қадамча юрганимиздан кейин кичик футбол майдончасини ёдга солувчи кенгликка чиқдик. Одамнинг кучоғига сиғмас, гавдангни тик тутсанг, пешонанг тегадиган улкан тошлар тепамизда осилиб турарди. Омонот тургандек, тегиб кетсанг, жойидан кўчиб, босиб қоладигандек, юрак кўркувдан титрайди. Гавдамизни букиб юрдик. Оёқларимиз остидан сирли овоз таралади. У ер, бу ерга чироқ ўрнатилган, уларнинг нуълалари йўлимизга ёғду тўшайди.

Ичкарида анчагина одам бор экан. Кўпчилиги аёллар, ёшлар. Эллик қадамча юрганимиздан сўнг қаршимиздан сув тўла ҳовуз чиқди. Кўлга ўхшайди. Бир ярим метрлар чамаси пастда. Суви тиник, беғубор, тепадаги тошларнинг акси кўм-кўк юзига тушиб турибди. Айтишларича, йилнинг тўрт фаслида ҳам сув шу ҳолатда, бир хил ҳароратда тураркан, камаймайди, кўтарилмайди, қаёқдан келиши, қаёққа оқиб кетиши мавҳум. Сирини ҳеч ким билмайди, билмоқчи бўлганлар изсиз ғойиб бўлишган...

Ечиниб, бирин-кетин ҳовузга тушдик. Сув ўта совуқ. Мен шерикларимга қараганда чидамсизроқ эдим, бир шунғиб, тезда чиқиб, артиниб, кийиниб олдим.

Ташқарига чиққанимизда кўк бағрига сочилган сон-саноксиз юлдузлар ялтирарди, ой кумуш нурини саҳро узра сочарди. Жўнжиққан тоғлар этагидан совуқ шабода эсарди. Машиналарга ўтириб, Давлетнинг уйига қайтдик. Енгил овқатландик. Бир нафас гурунглашиб ўтирдик. Эрнур тонгда йўлга чиқишимизни айтди.

Ёстикқа бошимни қўйдим-у, бироқ уйкум келмади. Деразадан осмонга термулиб, балқиб турган ойни, ўткир қиррали чўққилар тепасида, бир-бирларининг устига қалашиб кетган қоялар тепасида унинг муаллақ туриб қолганлигини кузатиб ётарканман, эртанги анжуман ҳақида ўйладим...

Нонуштадан кейин йўлга отландик. Масофа саксон чақирим. Машинамиз илон изи йўлдан бизни туман маркази томон олиб кетарди. Қуёш аста уйғониб, тун пардасини кўтариб, кенгликлар узра олтин ёғдуларини сочарди. Барвақт уйғонган сергак қушлар қанот қоқиб сайрашарди. Табиат ўзининг янги даврасига кирмоқда эди. Юрак марказ томон талпинарди.

Бир соатдан мўлроқ йўл босдик. Ниҳоят баланд бинолар кўзга ташланди. Марказга етиб келгандик. Ҳокимият биноси олдида тўхтадик. Анчагина одамлар тўпланганди. Машинадан тушдик. Ўканнинг танишлари келиб биз билан омонлашди. Дарвоқе, у шу ернинг фарзанди. Туғилиб, вояга етиб, мактабни тамомлаб, илм излаб шаҳарга жўнаган ва ўша ерда қолиб кетган, Абай оғага қариндошлиги бор.

Ўкан яқинларига мени “Ўзбекистондан келган, қўноғимиз, ёзувчи, 50 яқин китоблари нашр этилган, Остонада ҳам китоби чоп этилмоқда”, деб таништирарди. Қозоқлар “Ўзбек ўз оғамиз, бовримиз, томири бир, тақдири бир элмиз, хуш келибсиз”, деб бағириларига босишар, юртимиз ҳақида дилни қувонтирадиган гапларни айтишар, айниқса Президентимизнинг шу кунларда олиб бораётган ишлари ҳақида, “Мирзиёев халқларимиз дўстлигини мустаҳкамламоқда. Бекилган дарвозаларимизни очди, халқларимизни бир-бирига жипислаштирди”, дейишарди. Ғурур ва фахр билан айтилган бу сўзларни эшитиб, ич-ичимдан яйрадим.

Бу орада шерикларимиз ҳам етиб келишди. Ҳокимият вакиллари бизни нонуштага таклиф қилишди. Ёдимдан умрбод кўтарилмайдиган дилбар суҳбат дастурхон

устиди бўлиб ўтди. Ҳамроҳларимнинг орасида ёзувчилар, санъаткорлар, олимлар бор экан. Улар Ўзбекистондан келганимни билиб, менга бўлган қизиқишлари ортди. Юртимизда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида ҳажон билан гапиришди.

– Ўтган асрнинг йигирманчи йилларида Тошкентда “Ақ жўл”, “Жас Алаш”, “Сана”, “Жана ўрис”, “Жас Қайрат” каби газета ва журналлар чиққан. Бу журналлар ўзбек ўқувчиларини қозоқ адабиёти, ҳусусан Абай шеърлари билан таништириб борган, – деди даврадагилардан бири.

– “Кедей айнаси” номли альманаҳда илк бор оқиннинг туркум шеърлари босилган, – дедим суҳбатдошимнинг сўзини маъқуллаб. – Орадан кўп ўтмай ўзбек тилида унинг “Шеърлар” тўплами ҳам чоп этилганди. 1945 йили Абайнинг 100 йиллик тўйи арафасида унинг биринчи шеърлар тўплами, 1960 йили “Таланган асарлари”, 1970 йили “Шеър ва поэмалари” ўзбек тилига ўтирилган. Ўзбек ўқувчиларининг Абай шеърляти билан танишувида Миртемир оғанинг ҳиссаси катта. 2015 йили оқиннинг “Шеърлар тўплами”, 2018 йилда эса икки томлик “Сайланма” асарлари ўзбек ўқувчиларининг қўлига етиб борди. Мухтор Аvezовнинг “Абай” роман-эпопеяси ҳам собиқ иттифокда биринчилардан бўлиб, 1960 йили Тошкентда “Бадий адабиёт ва санъат” нашриётида кўп минг нусхада чоп этилганди. Шеърлари дарсликларга киритилган.

– Абай оғамиз “Дўстликни дўстлик чақиради”, – деб айтган бўлса, Мирзиёев “халқларимиз бир-бирига таянч ва содиқ бўлиб келган”, деб оқиннинг фикрини тасдиқлади. Халқларимизнинг дўстлиги бу адабиётнинг дўстлиги, адабиётнинг дўстлиги бу халқларнинг дўстлигидир!

– Абай ўзбек савдогарлари, бойлари, айникса зиёлилари билан яқиндан таниш эди. Улар билан мустаҳкам алоқада бўлган. Бу ҳақда ўзининг “Насихатнома” асарида ҳам айтиб ўтган. Ўйлашимча улуғ оқин:

*Эй инсон, ор-номус дилдошинг бўлсин,
Боболар ҳикмати ҳамиша қўлдошинг бўлсин.
Мол-дунё, шон-шуҳратинг барчаси бекор,
Жондан содиқ дўст-йўлдошларинг бўлсин!*

– деб ёзган ўланини халқларимизнинг бутунги фаровон ҳаётини, мустаҳкам дўстлигини олдиндан башорат қилиб айтгандек.

Олис йўлдан юрагимнинг устига қўйиб келган Президентимизнинг “Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қарори чоп этилган газетани дўстларимга тақдим эдим. Уларнинг хурсандчиликлари ичларига сиғмай кетди.

– Ҳалигача бирор бир мамлакат раҳбари Абай ижодий меросини кенг ўрганиш тўғрисида бундай қарор чиқармаган. Пойтахтнинг қоқ марказига, асосий кўчалар туташган жойга Абайнинг ҳайкали ўрнатилди. Бу ҳам бўлса ўзбек Президентининг бағри кенглигидан, – деди танишларим.

– Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатларининг раҳбарлари мунтазам равишда буюк аломаларнинг номини абадийлаштириш, уларнинг меросини чуқур ўрганиш баробарида ҳайрли ишларни амалга оширишмоқда. Миллат мафкурасини юксак чўққиларга кўтаришмоқда. Бундай раҳбарлари бор давлатларнинг келажаги бундан-да, порлоқдир!

– Ўзбек тувганларимизни қозоқ адабиётига, Абай отамизга бўлган қурматиде чўнг, – деди даврадагилардан бири.

– Имони пок ўзбек билан қозоқ бир илдиздан униб чиққан, бир ирмоқдан сув ичган улкан чинордир. Давлатларимиз раҳбарларининг ўзаро келишув ва шартномалар ососида қайта асос солинган дўстлик ва яқин ҳамкорлик ришталари истиқболли тараққиётга муҳташам кўприк! – дедим суҳбатдошларимнинг фикрларига қўшилиб.

– Президент қалбининг очиклиги, улуғ мақсадлари, яхши ниятлари билан чегараларимизни очди. Қозоғи-

стон Президенти Мирзиёевнинг бу жасоратига “Чегараларнинг очилиши, имкониятлар эшигининг очилишидир”, деб юксак баҳо берди. Мирзиёев бу жасорати билан Марказий Осиё халқларининг фахрига, ғурурига, ифтихорига айланди.

Бу сўзлар мени қанчалар қувонтирганини, маънавиятимга, руҳиятимга адоқсиз озик бўлганини баён этишга тилим ҳам, қаламим ҳам ожиз.

Нонуштадан сўнг ташқарига чиқдик. Бизни ҳайкал ўрнатилган майдонга бошлашди. Анчагина одам йиғилиб қолганди. Санъаткорлар улуғ устознинг ўланларини кўшиқ қилиб куйлашмоқда. Юқорида оппоқ матога ўралган ҳайкал. Эрнур иккимиз унинг ёнига бордик. Сахро эпкини матони тортқилайди, Абайнинг юзини очишга ошиқаётгандек гўё.

Ниҳоят Қозоғистон вилоят ҳокими Д. Аҳмедов келди. Эл билан омонлашди. Қариялардан, ногиронлардан кўнгил сўради. Кейин ҳайкал пойига бориб, Абай ҳаёти ва ижоди ҳақида илик сўзларни айтди. Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, таниқли шоир ва адиб О. Есдаулетга сўз берилди. У Абай ва унинг ижоди ҳақида тўлқинланиб сўзлади. Ҳоким фахрийлар билан биргаликда лентани қирқди. Мато туширилди. Гулдурос қарсақлар янгради. Кенг гавдали, чўкки соқол, парвозга шайланаётган бургутнинг кўзларидек кўзлари билан ўз халқига, Ватанига чексиз меҳр-муҳаббат билан боқиб турган Абай отанинг сиймоси худди зулмат бағрини ёриб чиққан нурдек намоён бўлди. Миллий кийимларини кийиб олган аёллар одамларнинг бошларидан ширинликлар сочишди. Бундан бир неча йиллар муқаддам оқиннинг 100 йиллик маъракасида, Олмаота шаҳри марказида ўрнатилган Абай ҳайкали пойида Миртемир оға ўқиган “Абай бобой” номли шеър ҳаёлимдан ўтди.

Олотов чўққисига қўнгандай ота бургут,

Олмаота ўртасида турибди у барҳаёт.

*Гўё ҳамон элига сўзлар ҳикмат ва ўғит,
Ўланлар тўқиб, ўқимоқда ўлмас зотдай*

Бирдан кўпчиликнинг нигоҳи кўкка қадалди. Ё раб-бим! Бу не сир, не синоат! Ўнгимми тушимми? Кўзларимга ишонгим келмайди. Хайкал тепасида улугвор қанотларини ёйиб, доира ясаб уч бургут айланарди. Булар ҳақиқий бургутларми ёки Абай отанинг, Абишнинг, Мағашнинг самога чиқиб кетган руҳими – билмадим, барча ҳайратда қолди.

Маросимдан сўнг Эрнур бизни Жидабейга таклиф қилди. Машинамиз йўлга тушди. Оралиқ олти-етти чақиримли масофа экан. Уйлар кўп эмас. У томонга ҳам, бу томонга ҳам машиналар қатнаб турибди.

- Булар зиёратчилар, - деди Зарина. - Меҳмонларнинг кўпи ажнабийар, шаҳарлардан келган зиёлилар.

Асфальт йўл бизни Абайнинг уй музейига олиб борди. Бироз катталигини ҳисобга олмаганда худди ўзимизнинг кишлоқ уйларидек. Дарвозанинг икки ёнига “Бу ҳовли Кўнонбой ўғли Абайнинг уй музейи” деб ёзиб қўйилган.

– Абай умрининг сўнгги ўн йилини шу ҳовлида суюкли ёри Айгерим билан ўтказган, – деди бизларни ичкарига бошлаб кирган Эрнур. – Мана бу эгар ва жабдуқларни ҳам у суюкли ёрига ясаттирган.

Ҳамма томон саранжон-саришта. Уй ичи хоналарга ажратилган. Йўлакчада Абайнинг турли йилларда тушган расмлари, оқиннинг таржимаи ҳоли, шажараси, қўл ёзмалари. Чап томон ошхона: уй-рўзгор буюмлари, ўн саккизинчи ва ўн тўққизинчи асрнинг самоварлари, лаганлари. Қозон остида ўтин, уй эгаси гургут излаб ташқарига чиқиб кетгандек. Сўл томонда оқиннинг кийимлари, ов қуроллари, ўлжага олган айик, бўри, тулкиларнинг ошланган териси. Унга қўшни бўлган хонага кўзим тушганда ичимга нур кирди. Бу Абайнинг ижодхонаси эди. Хонада кўпроқ туриб қолдим. Китоблар, ёзувлар, таржималар – буларнинг бари эътиборимни жалб этганди. Кун ботиш томонга қўйилган стол ва стул, араб имлосида ёзилган шеърлар,

сиёҳдон ва қалам. Унинг ён томонида шкаф. Турли адабиётлар – русча, форсча, туркийча. Навоий бобомизнинг девони юқорига қўйилган. Айтишларича, Абай умрининг сўнгги кунларида устозим деб, руҳан қўлини тутган Навоий асарларини тез-тез қўлига олиб, муталаа қилиб турган.

Назаримда хонада Абайнинг шарпаси кезиб юргандек.

Биз музейдан бир чақиримча нарида бўлган яна бир қозоқ халқининг улуғ оқини Шокарим Худойбергановнинг уй музейида ҳам бўлдик. Шокарим оға Абайнинг яқин қариндоши ва шогирди, унинг ўтли қаламидан халқни биродарликка, илм-маърифатга, маънавиятга етакловчи шеърлар тўкилган. Қозоғистонда Абай қандай қадрланса, Шокарим оға ҳам шундай қадрга ва ардоққа лойиқ. Унинг шеърлари бугун ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Саводхон, ўткир зеҳнли оқин хорижий тилларни яхши билган. Улуғ рус ёзувчиси Лев Николаевич Толстой билан хат ёзишиб турган. Мен Қашқабулқда бўлган куним оқиннинг таваллуд тоғганига 160 йил тўлганди. Бу ҳам катта байрам сифатида нишонланди. Шокарим оғанинг ижодхонасидан бир умр хотирамдан кўтарилмайдиган таассуротлар билан чиқдим. Ва қачондир у ҳақда асар ёзишни дилим тубига туғиб қўйдим.

Оқшўки қабристонига жўнадик. У биз турган овулдан йигирма дақиқалик йўл. Абай ва Шокарим оғаларнинг мангу қўним топган маконлари шу ерда. Қабр тепасига ўрнатилган икки мақбара биз турган жойдан кўриниб турибди.

УМРИНИНГ СЎНГГИ ЙИЛЛАРИ

Бир умр ғанимлар юрагига даҳшат солиб яшаган Абай вақт амрига юзма-юз турди. Инсонни бадий сўз сеҳри орқали ўзгартиришга ишонди. У ҳаёт яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат, оқ ва қоранинг курашидан иборат эканлигини яхши тушунарди. Афсуски, оқин воқеа-

лар жараёнида ёлғизланиб, фожеалар гирдобига тушиб, адолат майдонида танҳо эди. Таниқли абайшунос олим Қалдибек Сейдонов ёзади: “Абай келажакка катта умид билан боқди, қозоқ халқининг ҳаёти ёрқин, турмуши фаровон бўлишини орзу қилди, бироқ адолатсизликка, ҳақсизликка, нодонликка қарши курашда ёлғизлик қилди. Шунинг учун ҳам ёш авлодларга қарата:

Чангалзор, чакалакзор ерда ўсдим,

Минг-ла ёлғиз курашдим, гина қилма,

– дейди ва бор кучи билан бу жангоҳда кураш олиб борди”.

Умри давомида одам тасаввурига сиғдиролмайдиган қийинчиликларни, азобларни бошидан кечирган Абай бўҳтонларга тоқат қилди, суиқасдларга юзма-юз борди. Йўлига ғов бўлганларга, ижодини бўғмоқчи, ҳаёт шамини сўндирмоқчи бўлганларга қалами билан, ғояси билан курашди. Ортга чекинмади. Халқни золимларга қарши курашга даъват этгучи асарлар яратишдан чарчамади. Ёлғончи ва мунофиқларнинг, порахўр ва амалпарастларнинг, юлғуч ва фирибгарларни, халқни бургадек талаётганларнинг жирканч башарасини очиб ташлашдан чарчамади. Ёвуз кучлар шоирни обрўсизлантириш мақсадида уни камситдилар, калтакладилар, шеърларини масҳара қилдилар.

Уринишлар самара бермади. Халқ Абайни ҳимоя қилди, Худонинг ўзи асради. Мақсади ёвузлик бўлган кимсалар келажак олдида кечирилмас хатога йўл қўйишганини тушунмадилар.

Абайнинг юраги ўзига нисбатан қилинган ноҳақликларни, жабру зулмни, ҳақсизликни, улар қанчалик оғир бўлмасин, кўтарди. Бошига қамчи солганларида ҳам, ханжар яланғочлаб ўлдирмоқчи бўлганларида ҳам танлаган йўлидан қайтмади. Қозоқнинг мағрур ўғли эди, умрининг охиригача қозоқнинг мағрур фарзанди бўлиб яшади. Ҳақиқатнинг тантанасига ишониб, адолатнинг барқарорлигини куйлашдан чўчимади. Қора

халқни қашшоқлик батқоғидан олиб чиқишдан, нурли йўлга солишдан, янги ҳаёт йўлига етаклашдан чарчамади. Халқига ва юртининг келажагига ишонди, ўзгаларни ҳам ишонтира олди. Муборак Ватаннинг келажаги учун, халқнинг омонлиги учун адолатни тиклаш лозимлигига имони комил эди. Юрт қайғусида, эл дардида жони ўртанди. “Бўлис бошлиқларида юртга садоқат, Ватанга муҳаббат бўлмас экан, эл бахтли яшай олмайди”, деб баралла айтди. Бу заминни Ватан этиш, элни бахтли кунларга олиб чиқиш унинг ягона орзуси эди. Эгри йўлдан бахт топгунча, тўғри йўлда ўлиб кетишни афзал билди.

Вақтлар келиб юрт осмонида АДОЛАТ ва ҲАҚ қуёши мангу порлагай. Ёмонликлар ва ёвузликлар ёмғир суви каби замин тубига сингиб кетгай, эл фаровон ва бахтли ҳаёт кечиргай, деб инонди. Улуғ окин адолатни ердан униб чиқаётган нав ниҳолга қиёслади. Уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш лозим, даврлар келиб, бу ниҳол улкан дарахтга айланади. У бой ва боёнлар, мансабпараст ва зулмкорлар бўлис бошлиқларининг оёқлари остида топтилиб кетмаслиги керак, деб билди.

Окиннинг эзгу нияти, қарашлари кўзи бойликдан ўзгани кўрмайдиган, халқни зулмат қўйнига етаклаётган калтафаҳм, нопок, мансабпарастларга ёқмасди. Халқнинг жафо, ситам чекишини истамаган шоир совуққонлик билан феодал тузумнинг мансабдор кишилариининг камчиликларини шеърларида кескин, жарангдор оҳанглар орқали қамчилади, қилмишларини очиб ташлади. Қабоҳат ва разолат пардасига ўралган бундай калтафаҳм кимсалар Абайга қарши фитналар уюштира бошлашди. Гоҳида ошқора, кўпроқ пинҳона Абайнинг покиза юрагини бўхтон тошлари билан тошбўрон қилишди. Подшо ҳукуматига қарши исён кўтаришда, бой ва амалдорларни ҳақорат қилишда, ўғрилардан пора олишда айблалашди. Ўрис тўраларга иғво хатларини жўнатиб, имонли оқинни шу йўл билан бадном қилмоқчи, ўктам овозини сўндир-

моқчи бўлишди. Шўрликнинг юрагини изтироб ва аламларда ёндиришди.

Абайнинг ўғилларидан бири Тўрақул ўз хотираларида ёзади: “Отамнинг ўғридан оладиган пораси унинг чин сўзи, иқрори эди”.

Шикоятларни текшириш мақсадида шаҳардан терговчилар келиб, Абайнинг уйини тинтиб, “ҳақиқатпарвар ва элпарвар” деган “туноҳ”дан ўзга айб тополмай қайтиб кетишарди. Иғво хатлари эса овул билан Семей ўртасида мактуб ташувчи кабутар сингари куноро бориб келаверарди. Ниҳоят Абайни уй қамоғига маҳкум этишди. Оқин тунлари китобга ошно бўлиб, кундузлари овул болаларига сабоқ бериб, маърифат нурлари билан ёшлар қалбини ёритишдан чарчамади.

Муроди ҳосил бўлган бой-боёнларнинг яна қамчиси қон бўлди. Халқни талашди, одамларнинг уйларидаги бойликларини, кўрасидаги мол-қўйларини тортиб олишди. Халқнинг нарозилиги эса ортаверди. Уларнинг устидан арз-дод қилиб келадиغانлар сони аввалгидан-да, кўпаяверди. Абай уларнинг ҳеч бирини умидсиз қайтармасди. Бундай ҳақсизликлар, зўравонликлар, элга қилинаётган зулм оқиннинг юрагини аламга, жигарини хунга тўлдирарди. Шоир ҳасталаниб қолди...

Оқиннинг Абиш, Мағаш ва Оқилбой исмли ўғиллари бўлиб, Абай уларга болалигиданоқ хат-савод ўргатди. Болалари ҳам Бедил, Навоий, Фузулий, Хўжа Хофиз, Пушкин, Лермонтов каби улуғларнинг шеърларини ўқиб катта бўлишди. Форс, араб ва рус тилларида гаплашадиган бўлишди. Оталари каби адолатпарвар ва ҳақиқатпарвар бўлиб тарбия топишди. Оқилбой “Жарроҳ”, “Зулус”, “Доғистон” каби поэмаларни битди.

Абиш Олмаотада кичик офицер лавозимида хизмат қиларди. Ўша пайтларда шаҳарда вабо ва сил касаллиги кўп тарқалган, беморлар бу хасталикка шифо тополмай қурбон бўлишарди. Абиш ҳам силга чалинганди. Хасталик йигирма етти ёшида уни ҳаётдан олиб кетди.

Боласининг ўлими Абайнинг қалбини ўрмонга ўт кетгандек ёндирди. Оқиннинг “Абишим, болам”, деб ич-ичидан отилиб чиққан фарёд ҳад-худудсиз саҳрони ларзага солиб, совуқ қор қоплаган тоғ чўққиларигача етиб борди. Жудолик шоирнинг руҳиятига ёмон таъсир қилганди. Боласига бағишлаб ўнлаб шеърлар битди. Фарзанд доғи юрагига иккинчи зарба берди.

Мағаш ўткир зеҳнли бола бўлгани учун ҳам шеърларни тез ёд оларди. Абай уни келажакда яхши, билимли инсон бўлиб етишишига ва овул болаларига илм-маърифат тарқатишига умид боғларди. Бирок Абишдан айрилгач, ота юрагини ёмон ўйлар чулғаб олди. У энди фарзанд йўқотишдан кўрқарди. Мағаш ҳақида ўйлайдиган, уни бағридан узоқда яшаётганидан хавотирлана бошлади. Оҳ, Абишнинг майити тупроққа айланмай Мағаш ҳам ёстиқ тортиб, ётиб қолди. Унинг дардга чалиниб, ҳаёти ҳавф чангалига тушиб қолганида ич-ичидан зил кетган Абай нима қилишни билмасди. Докторлар “Болани саҳрога олиб кетинг, тоза ҳаводан нафас олсин”, дейишди. Январнинг ўрталари, қор отнинг сонига уриб турган кунларнинг бирида Абай ўғлини чанага солиб овулга олиб келди.

Қисмат экан: Мағаш ўттиз тўрт ёшида отасининг юрагини хувиллатиб, изтироблар ўчоғида ёндириб дорилбақога рихлат қилди. Абайнинг яна бир ҳаёт шами сўнди. Юраги учинчи зарбага бардош беролмади. Энди олам кўзига зимистон бўлиб кўринарди. Шўрлик боши ҳеч қаерга сиғмасди...

Эл дарди билан яшаган Абай меҳнаткаш қозоқ халқининг келажаги ҳақида, қачондир бу зўравон тузум парчаланиб, эл бахтли ҳаётга эришишини олдиндан башорат қилган эди. Эл улуғ оқин юз йил муқаддам башорат қилган бахтли ва саодатли кунларга Қозоғистон Пре-

зиденти, ўз юртининг асл ўғлони, жасоратли, тинчлик йўлида жонини фидо қила оладиган, Ватанпарвар, фидойий инсон Нурсултон Назарбоев раҳнамолигида 1991 йили етиб келди. У аввало мамлакатнинг оғир юкини елкасига олди. Адолат байроғини юксак кўтарди, ўтириб қолган иқтисодни ривожлантирди, одамларни иш билан таъминлашга эътибор берди. Таназулга учраётган мамлакатдаги аҳвол қисқа фурсат ичида ўнгланди...

Бир пайтлар Абай оғадан таълим олган, маърифат ва маданият сари талпинган элнинг фарзандлари ҳозир ўз Элбошиларининг раҳнамолигида дунё таниган ва тан олган адолат ва ҳақиқат куйчисининг армонларини рўёбга чиқаришмоқда. Абайнинг овози эса олам узра ёйилиб, ифтихор билан янграмоқда.

Машинамиз Оқшўқига етиб келганида офтоб чараклаб, унинг нурларидан мақбара тепасидаги минора яркираб турарди. Қозоқнинг икки буюк оқини, адолат ва маърифат куйчилари – Абай ва Шокарим шу мақбара остида мангу қўним топган. Ерга мармар плиталар ётқизилган.

Таҳорат олиб, юқорига кўтарилдик. Гумбаз қилиб ўралган сағана ичига кирдик. Ичкарида анчагина одам бор эди. Мулла Куръон тиловат қиларди. Деворга ўйиб ишланган нақшлар, қабр айланасига олтин суви билан ёзилган битиклар кўзга ташланиб турибди. Улар катта маҳорат ва санъат билан битилган. Зиёратчиларнинг кети узилмайди. Ҳар икки оқиннинг қабри оралиги тўксон метр. Ўртасида мўъжаз амфитеатр жойлашган. Икки юз чоғли одам сиғади. Талгатнинг айтишича йилда икки-уч бор мамлакатнинг турли шаҳар ва овуллари-дан келган ёшлар бу ерга келиб, Абайхонлик қилишади. Икки шоирнинг ўланларини айтишади. Шеърят байрами ўтказилади.

Абайнинг қабрини зиёрат қилиб, ҳақиқа Куръон ўқиб ташқарига чиқиб, атроф-теваракка зехн солдим. Тоғ томондан эсаётган шабада ўт-ўланлар ҳидини олиб келиб, димоғни китиклайди, юракни ширин ҳисларга тўлдиради. Ёнимга Ўкан келди.

– Пастга қара, – деди у.

Нигоҳимни у айтган томонга қаратдим.

– Неча рангни илғамокда кўзинг?

Пастликка боқибман-у, рангларга эътибор бермабман. Қарасам, уч хил.

– Булар нималарни англатишини билишни истайсанми? – сўради Ўкан.

– Яхши бўларди...

– Қора – инқилобдан аввалги чор Россияси даврини, қизил – Шўролар тузумини, оқ – мустақиллигимиз рамзини билдиради.

Замонамизнинг кучли сиёсат арбоби, оқил давлат раҳбари, тинчлик учун толмас курашчи, Нурсултон Назарбоев мамлакат тепасига келган кундан бошлаб, миллатнинг миллат эканлигини, қозоқ тилини давлат тилига айлантиришни, қозоқ халқининг бой меросини, маданиятини, адабиётини, санъатини, миллийлигини, юртда яшаб ўтган буюк аллома-ю фузалоларнинг қабрларини, қадам жойларини, қадимий обидаларни қайта тиклаш ва таъмирлаш мақсадида яшади. Мустабид тузум занжирларини парчалаб, эндигина мустақиллик шабадаси кўксига теккан Қозоғистон ҳали ўзини иқтисодий жиҳатдан ўнглаб олишга, оёққа туришга улгурмаган бир пайтда мамлакат тақдири, элнинг келажаги тўғрисида қайғурди. Биринчи навбатда Ватан обрўсини, шуҳратини дунёга ёйиш, замонавий бинолар қуриш, Хўжа Аҳмад Яссавий, Ал Фаробий, Қодирғали Жанойир, Муҳаммад ибн Қайс, Муҳаммад Ҳайдар, Юсуф Болосоғин каби олим ва фозилларнинг қабрларини обод этишни мақсад қилди.

1992 йили Ақмалага келган Элбоши “Янги давлатнинг замонавий пойтахти бўлиши керак, янги пойтахт,

янги сиёсий, долзарб муаммоларни ечади, қозоқ халқини бирлаштириш учун сиёсий майдон вазифасини ўтайди, регионларни интеграция қилишда, Ватаннинг ривожланишида, тараққиёти учун импульсларни яратиш борасида кўл келади”, деб ўйлаганди. Кейинчалик бу фикрни депутатлар муҳокамасига ташлаб:

– Янги пойтахт Ватаннинг юзи, унинг гуллаб яшнаши, қудрати, кучи қозоқ халқининг фахри ва тимсоли бўлмоғи керак. Элнинг эртанги ворислари ўзларининг қутлуғ пой-қадамларини шу муборак пойтахтга қўйиб, яхши ният, яхши умид ва улуғ мақсадлар йўлида келажак сари интиладилар, уларга дунё дарвозларини очиб беради. Пойтахт Ватаннинг Остонасидир! Остона – бу поклик, ҳалоллик рамзи. Ватаннинг мўтабар тупроғида туғилган ёшларимиз улғайиб, вояга етиб, илм эгаллаб, ота-боболари асос солган янги, ҳур Қозоғистонни жаҳонга танитишади. Юрт доғруғини жумла-ю жаҳонга ёйишади, қудратини мустаҳкамлайдилар! Шуларни ҳисобга олиб мен янги пойтахтни Ақмалага кўчиришга қарор қилдим! – дадил ва ишонч билан деди.

Ватан тақдирини, рушнолигини, айнан бугундан ҳал этиш лозимлигини тушунтирган Президентнинг бу фикрига айрим кимсалар очикдан-очик қарши чикдилар.

“Бундай ишларга маблағ сарфлаш Қозоғистонни қалок қилиб қўяди. Ақмалага сарфланадиган ҳаражатларни бошқа ишларга сарфлашимиз керак”, деб айтганлар бўлди.

Узокни кўра олган, халқининг ишончи ва умидига айланиб қолган Президентнинг олий мақсадларини тушунган депутатлардан бири минбарга кўтарилиб, “Пойтахтни Ақмалага кўчириш тўғрисидаги қарор ўз вақтида қабул қилинган, Элбоши тўғри йўл кўрсатмоқда, унинг айтганини қилайлик. Бу унинг туғилган кунига бизнинг совғамиз бўлсин”, деди. Шундан сўнг қарор қабул қилинди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Нурсултон Абишович яна бир ҳайрли ва сабоб ишга қўл урди. Элнинг доғруқли оқини Абай Кўнонбой ўғлининг қабрини, уй музейи-

ни янгитдан таъмирлаш, ижодини чукур ўрганиш ишларига давлат бюджетидан катта миқдорда маблағ ажратди. Узунлиги тўқсон, эни олтмиш метрли қабристон ердан бир ярим метр юқорига кўтарилди. Мармар тошлар ётқизилди. Абай ва Шокарим Худойбергановнинг қабри тепасига баландлиги 32 метрли буюст ўрнатилди. Марказдан унинг овулигача бўлган йўлларга асфальт ётқизилди. Шахсан Нурсултон Абишовичнинг саъй ҳаракати туфайли ЮНЕСКО 1995 йилни “Абай йили”, деб эълон қилди. Қашқабулоқ дунёнинг кўплаб мамлакатларидан ташриф буюрган меҳмонларни бағрига олди. Қозоғистон Президентининг икки улуғ оқинга кўрсатган ғамхўрлиги маърифатпарвар инсонларни қойил қолдирди.

Нурсултон Абишович ўзининг салкам ўттиз йиллик Президентлик даврида Қозоғистон доврўғини дунёга ёйди. Унинг орзулари, мақсадлари тантана қилди. Абайни дунёга берди, Абай эса қозоқни дунёга танитди. Бир пайтлар Абай оға овулларда мактаблар бўлишини, бу мактабларда қозоқ болаларининг таълим олишини орзу қилган бўлса, Нурсултон Абишович улуғ оқиннинг армонларини рўёбга чиқариб, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ 1018 та янги таълим муассасаларини бунёд этди. Ёшларга илм-маърифат эшикларини очиб берди. Президент элнинг ғурурига, Ватаннинг ифтихорига айланди. Нурсултон оға бир пайтлар:

Кун турганиша туратын,

Журты сайрон қуратын.

Қала болсын Астана,

– Осы менін Муротым!

О, Ақарда-Ақ шатыр,

Улысма бақ шақыр.

Боянды болсын Азаттиқ,

– Осы менін Мақсатым! – деб шеър битганди.

Бугун озод ва мустақил Қозоғистонга келган, Остонани кўрган, Абайни, Хўжа Аҳмад Яссавий бобомиз-

нинг қабрларини зиёрат этгани, пой-қадамлари теккан тупроқни кўзларига суртгали келган ҳар қандай одам Элбошининг чўнг мардлигига, жасоратига таъзим қилади. Бундай инсонлар ўзларининг бетакрор эл-у юртга қилган хизматлари, яхшиликлари билан Ватан тарихида мангу яшайдилар.

Ким айтар, ёмон бўлдим, йўлдан қайтдим,

Қозоққа ширин-ширин ўлан айтдим.

Ўланда ҳеч ким менга тенг келмади,

Лекин қадрим тополмай йиғлайман жим,

– деб ёзган Абайнинг кадр-қиммати мамлакат мустақилликка эришгач, шахсан Нурсултон Назарбоевнинг саъй-ҳаракати туфайли янада юксакка кўтарилди.

Туман марказига қайтдик. Отчопар майдонига одам сифмасди. Гўё Қозоғистон халқи қўчиб келгандек. Стадионда от чопиш мусобақаси ўтказилмоқда. Ўртага ўрнатилган сахнада кураш қизимокда. Атрофда йигирмадан кўпроқ оқ ўтовлар тикилган. Давлет билан яна шу ерда учрашдик. У бизни ўтовга таклиф қилди. Ичкарида анчагина меҳмонлар бор эди. Бир пиёла чой баҳона улар билан гурунглашдик.

– Яқинда сенинг ҳамюртларинг бу ерга келишди. Улар Абай оғамиз ҳақида ҳужжатли фильм олишмоқда, – деди туман Ҳокимининг ўринбосари Бобуржон Такибеков.

Кувончли хабар эди бу. Мен шу куни ҳамюртларимни изладим, бироқ улар билан учрашиш насиб қилмаган экан. Юртга қайтганимда топишдик. Улар мен ҳакимда ҳам эшитишган экан. СССР Давлат мукофотининг лауреати, таниқли кино режиссёр Шухрат ака Маҳмудов ва унинг ёрдамчилари билан Қашқабулоқ таассуротлари ҳақида гурунглашдик. Улар мени “Абай сўзи” ҳужжатли фильмида суратга тушишга таклиф этишди.

Ўтовдаги суҳбатдошларим юртга таниқли ва машҳур одамлар эди. Ораларида тадбиркорлар, давлат идораларининг ходимлари, ҳамкасбларим, Абайнинг авлодларидан Сири Сиямбеков, Садирбой Ҳалилилло ўғли, Эртой Раҳимжонов, Абай ҳайкалининг муаллифи Нурбол Мейрам ўғли бор эди. Абайни йўқлаб келганимдан, у ҳақида китоб ёзмоқчи бўлганимдан қувонишди. Бу ерда ҳам мендан улуғ оқин ҳақида, унинг мамлакатимизда қандай мавқега эгалиги тўғрисида сўрашди. Президентимиз Шавкат Миромоновичнинг “Абай Қўнонбой ўғлининг ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қарори чиққан газетани кўрсатдим. Бу менинг ҳар қандай жавобимдан улуғроқ эди. Газета қўлма-қўл бўлиб, давра айланиб, яхши гаплар айтилди. Қарорнинг чиқишини кутилмаган янгилик ўрнида қабул қилишди. Қозоқ халқига, унинг буюк оқинига бўлган чуқур ҳурмат, деб қарашди. Қарорни ўқиган ҳар бир қозоқнинг кўзида қувонч порлади. Уларнинг дил сўзларини тинглаб, юрагим шўх-шўх уриб, **ЎЗБЕКИСТОН**, деган улуғ юртнинг боласилигимдан суюндим.

Қозоқ биродарларимизнинг халқимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром чексиз эканлигини ҳар қадамимда ҳис этдим. “Ўзбеклар ўз бавурларимиз, ўз тувғанларимиз, биз азал-азалдан дўст ва қадрдон халқлармиз. Еримиз бир, ичадиган сувимиз бир, бозоримиз бир, ўлсак жасадимиз қўйиладиган мозоримиз бир”, дейишарди. Юраги саҳроларидек кенг, бағри бутун қозоқ дўстларимнинг эзгу тилақларидан, халқимизга кўрсатаётган ҳурмат ва эҳтиромидан бошим кўкка етди. Уларнинг тилларида ҳам, дилларида ҳам, кўзларида ҳам дўстлик ва биродарликдан ўзга нарсани тополмадим. Ахир бу меҳр ўз-ўзидан пайдо бўлган эмасда. Унинг тарихи ҳам, илдизи ҳам узоқ асрларга бориб тақалади. Халқ оғзаки ижоди намуналари фикримни исботлайди. Элнинг машҳур оқинлари, бахшилари ўзбек халқининг бағри

кенглигини, меҳнатсеварлигини ўз ўланларида тилга олишган. Жумладан; ХУIII аср охири ва ХIХ аср бошларида яшаб ўтган Болта оқин, Жамбул оқин, Қоратой бахши бу дўстликни янада шарафлади. Абай ўзининг “Ибратли сўзлар” китобида “Ўзбеклар эккан экин, улар олмаган ҳосил, савдогарлари бормаган ер – ҳулласи уларнинг қўлидан келмаган иш йўқ. Улар ўзлари билан ўзлари овора бўлиб, шаҳар халқлари бир-бирлари билан ёвлашмайди – аҳил яшашади. Ўрисларни ҳисобга олмаганда, улар қозоқларнинг ўлигига кафан, тиригига уст-бош етказиб беришади. Таниқли бойлари, билимдон муллалари, хунармандчилик ва мўл-кўлчилик дейсизми, боадаблик дейсизми – ҳаммаси уларда бор.” – дея халқимизга юксак баҳо берган.

Буни адабий алоқаларда ҳам кўриш мумкин. Абдулла Қодирий билан Султон Секкизбоев, Чўлпон билан Миён Бузрук, Ғафур Ғулом билан Мухтор Авезов, Ойбек билан Собит Муқонов, Носир Ғозилов билан Ғобит Мусрепов, Эркин Воҳидов билан Ўлжас Сулаймонов, Абдулла Орипов билан Мухтор Шахановларнинг дўстлигини ҳар икки халқ вакиллари ҳурмат билан эслашади. Бу биродарлик халқларимизни тобора бир-бирига жипслаштирмоқда. Шўро даврида айрим қора кучлар бу яқинликка соя ташламоқчи бўлди. Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоевлар шу сояларни кўтариб ташлашди. Икки буюк, қудратли халқ яна бир-бирининг бағрига интилди. Қон-қариндошлик ришталари тикланди. Халқларимизнинг бир-бирига бўлган илк муносабатлари, давлатларимиз ўртасидаги ўзоро ишонч дунё аҳлининг ҳавасини келтирмоқда. Ўтган йил Қозоғистонда ўтказилган Ўзбекистон йили, бу йил эса Ўзбекистонда ўтказилаётган Қозоғистон йили бунинг исботидир.

Такдирлари, қисматлари ўхшаш икки миллат, қуда-анда бўлиб кетган икки элнинг борди-келдиси ота-боболаримиз замонидагидек асл ҳолига қайтди. Ўзбек адиблари-

нинг асарлари Қозоғистонда, қозоқ адибларининг асарлари эса Ўзбекистонда чоп этилмоқда. Жумладан, каминанинг «Тайна бриллиантового перстня» романи донцент Қодиржон Носиров ва қозоғистонлик таниқли адиб, евроосиё ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Талгат Кенесбоевнинг сўзбошиси билан рус тилида чоп этилди.

Биз оппоқ ўтов ичида, тўкин-сочин дастурхон устида, дуога қўл кўтариб, Парвардигордан сўраган тилагимиз аввало элимизга тинчлик, халқларимизга омонлик, азалий дўстлигимизни бундан-да мустаҳкамлашда раҳнамолик қилаётган юртбошиларимизга узоқ умр тилаш бўлди. Мен бундай дуоларни ўзимнинг икки ҳафталик қозоқ элига қилган ташрифим давомида ҳар куни, ҳар соатда дастурхон устида одамларнинг тилидан эшитдим.

Орадан роппа-роса бир ой ўтиб, 22 сентябр куни Қозоғистон маданий маркази мени бир гуруҳ ижодкор дўстларим қатори Туркистонда “Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари куни” муносабати билан ўтказиладиган байрамда иштирок этганимда яна бир бор бунга амин бўлдим.

Кечки пайт бизни туман марказидаги ўйингоҳда бўладиган гала концертга таклиф қилишди. Икки соатча вақтимиз бор эди. Эрнур қариндошларидан бири Димаш бобо Худойбергеновнинг уйига таклиф қилди. Уй эгалари бизларни самимий кутиб олишди. Мени Абайнинг ҳайкали очилиши маросимида қатнашиш учун Ўзбекистон элидан келганимдан суюнишди. Улар мендан ўзбекистонликларнинг Абай ҳақидаги фикрларини сўрашди. Болалар Абай ижоди билан мактаб партасидаёқ танишаётганликларини, шу кунларда юртимизда унинг ҳайкали очилишини, пойтахтимизда унинг номи билан аталувчи кўчалар борлигини, ўтган йили Ўзбекистонда Абайнинг икки томлик “Таланган асарлари” нашр этилганлигини, қолаверса, мен юртимга қайтгач Абай ҳақида китоб ёзишни режалаштирганимни айтганимда дастурхон атрофидагилар ўз ҳайратларини яши-

ра олишмади. Овқатдан кейин Димаш бобо менга Мухтор оға тўғрисида кўп яхши ҳикояларни айтиб берди.

Ўттизинчи йиллар бошида Семейдаги педагогика билим юртида ўқитувчилик қилиб юрган кезлари “Абай” романини ёзиш учун маълумотлар тўплаш мақсадида бу ерга келганида унинг уйида яшаган экан. Қариянинг айтишича, Мухтор оға ишдан келгач овулга чиқиб, Абайни кўрган қариялар билан суҳбатлашаркан. Ўша пайтларда Абайнинг севикли ёри Айгерим ҳаёт бўлган, жуда кўплаб маълумотларни ундан олган экан. Кейинчалик отанинг ўзи Олмаотада Мухтор оғанинг уйида бўлиб, улуғ адибнинг хизматини қилган, ижодий ишларига ёрдам берган экан.

Мен суҳбатдошимнинг сўзларини тинглаб Абайни ҳам, Мухтор оғани ҳам кўргандек бўлдим. Унинг ҳикоялари менинг ёдимга бир замонлар улуғ оқин орзу қилган бугунги бахтли кунларни солди. Ўрозбойга, Саменга ўхшаган кимсаларга айтган гаплари қулоқларим остида жаранглади. Ҳа, бугун қозоқ халқи Абай орзу қилган бахтли замонда яшамокда.

Ўйингоҳга йўл олганимизда борлиққа шом қоронғилиги бостириб келаётган эди. Атроф одамлар билан говжум. Гала концертда Абай куйлари ва кўшиқлари янгради. “Оға Султон” кўшиғи айтилаётганда одамлар ўринларидан туриб олишди. Олқишлардан замин устидан ларзага келгандек бўлди.

Тунги соат ўн иккиларда Семейга жўнадик. Машинамиз қора тун қўйнида ой шуъласи ёритиб турган саҳро ўртасидаги асфальт йўлдан шаҳар сари кетиб борарди. Тун сокин ва гўзал. Саҳронинг ой шуъласига чўмилган бағри унданда дилбар. Тунги манзаралар одамнинг кўзидан уйқуни юлиб олади, қалбида ширин ҳислар уйғотади. Куйлагинг, кўшиқ айтгинг келади, кўнгил дўмбира овозини кўмсайди. Аллақанча масофа ортимизда қолди. Олисларда марвариддек чарақлаб турган чироқлар кўзга ташланди. Семей шахрига кириб келгандик.

Эрнурнинг онаси – саксон беш ёшдан ўтиб қолган, умрини болаларга таълим-тарбия бериш ишларига бахшида этган Гаувҳар опа яшайдиган уйга келиб тушганимизда соат тунги иккидан ўтиб қолганди. Уй эгалари бизни дастурхонга таклиф қилишди. Олдимизга қовурилган эт қўйишди. Бироқ ҳаммамиз толиққан эдик. Шундай бўлса-да, уй эгаларининг очиқ кўнгиллиги, бизга кўрсатаётган илтифоти кўзларимиздан уйқуни ҳайдади. Енгил тамадди қилиб олганимиздан кейин хоналарга кириб, ёстиқларга бош қўйиб уйкуга кетдик.

Биз қанчалик ҳориб толиққан бўлмайлик барвақт уйғондик. Уй эгалари нонушта ҳозирлашарди. Мен бироз ташқарини айланмоқчи бўлдим. Кўчага чикқанимда кўзим йўл бўйидаги баланд бўйли ҳайкалга тушди. Яқин бордим. Бу Абайнинг Семейдаги энг кўркам ҳайкалларида бири эди. Оқиннинг пойига яқиндагина қўйилган гуллар ифор таратади. Скамейкага ўтириб ҳайкалга боқдим. Улуғ инсоннинг боқий умрига ҳавасландим.

Нонуштадан кейин уйдаги китоб жавонларини томоша қилдим. Мухтор Авезовнинг ўн олти томлик танланган асарларини шу ерда кўрдим. Қозоқ ва жаҳон классик адабиёти намояндалари қатори бутунги кун қозоқ адабиёти вакиллариининг роман, қисса ва шеърый асарларини қўлимга олдим. Чингиз Айтматов ва Мухтор Шахановларнинг “Чўққидаги овчининг оху зорлари” китобини менга Эрнурнинг синглиси Назгул совға қилди. Бу менинг кўпдан излаб юрган китобим эди.

Нонуштадан кейин мени Абай музейига таклиф қилишди. У биз қўнган уйдан унча олис эмасди. Уч қаватли бинода Абай ҳаёти ва ижодига оид турли адабиётлар, улуғ оқин томонидан ишлатилган идишлар, даврни акс эттирадиган экспонатлар қўйилганди. Икки соатдан кўпроқ музейни томоша қилдим. Ўзимга керакли маълумотларни ёзиб олдим. Бироқ кўп нарсаларга улгиролмадим. Уйда мени шерикларим кутишаётганди.

Тушлик килиб, йўлга отландик. Павлодар орқали Остонага жўнадик. Сахролар эмас, қалин арчазорлар ва қайинзорлар қоплаган ўрмонзор ичидаги йўлдан кетиб борардик. Яқинда ёкқан ёмғир сувларидан покланган арча барглари куёш нурида жилваланарди. Енгил ҳаво қайфиятни кўтаради. Гўзал манзаралардан кўз яйрайди. “Икки ҳафталик саёҳатим давомида нималарни кўрдим?” деб ўзимга ўзим савол бераман. Юрагимнинг тубидан жавоб қайтади. “Абай оға юрган йўллардан юрдинг, у қўнган овулларни кездинг, киндик қони томган тупрокни, ҳоки пойи ётган қабрни зиёрат қилдинг. Қабр тепасида унинг ҳақиқа Куръон тиловат қилдинг. Қўли теккан, назари тушган буюмларни томоша қилдинг. Мухими, бир ижодкор сифатида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йилнинг 13 мартдаги қарори ижросини бажаришга қўлингдан келганча ҳаракат қилдинг. Шундай бўлгач олдинга қўйган мақсадинга эришдинг! Бахтлисан”

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА

Абай қозоқ поэзиясининг улуғ оқингина эмас, балки буюк чўққисидир. У қозоқ адабиётини янги сўзлар билан бойитди, уни юксак чўққига олиб чиқди. Йўқолиб бораётган ва унутилаётган халқ мақолларини, маталларини, ибратли сўзларини ўз асарларида ишлатиб, уларнинг ҳаётига иккинчи умр бағишлади. Қозоқ адабиётини юмор, лирика, пейзажлар билан бойитди. Абай на фақат ўз халқининг, балки, яқин шарқ халқларининг тарихида машхур шахсга айланди. Абайдан бизгача 300дан ортиқ шеърый асарлар етиб келди. Улуғ окин яшаган давргача қозоқ оғзаки ижодида икки хил ўлан ўлчовлари мавжуд эди. Абай шарқ, рус ва жаҳон адабиётини чуқур урганиб, ўланлар вазнини ўн еттитага кўпайтирди. Қозоқ ёзма адабиётига ўзига хос усулни олиб кирди. Абайнинг кўплаб ўланлари битилган кў-

лѐзмалар қандайдир сабабларга кўра бугунги кунимизгача етиб келмаган. Абайшуносларнинг айтишича оқиннинг яна кўплаб асарлари бўлиши керак. Оқин билан 24 йил бирга яшаган, ҳаётнинг аччиқ-чучукларини бирга татиган Абайнинг жияни Какатойнинг ёзиб қолдирган хотиралар буни тасдиқлайди. У шундай дейди: “1926 йили Шўро ҳукумати таъкибидан қочган Колчак аскарлари Абай яшаб турган уйга кириб, сандиқ ичидаги оқиннинг китобларини, ҳали нашр этилмаган қўлёзма асарларини олиб, йиртиб ташлаган”.

Даҳшат!

Оқин ижодини ва асарларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида илмий изланишлар ҳозиргача давом этмоқда. Айрим поэмаларининг боблари топилди. Шоир ижодининг янги қирралари очилмоқда. Топилган асарлари эълон қилинмоқда. Мамлакатда оқин номи билан нашр этиладиган “Абай” журнали, “Абай эли” газетаси чиқиб турибди. Уларда шоир ижоди ва ҳаёти билан боғлиқ илмий мақолалар чоп этилмоқда.

Абай Ватанни қуйламай, юртдошларини адолат ва ҳақиқат йўлига чорламай, илму маърифатга етакламай яшай олмасди. Шоир виждони шуни тақазо этарди. Абай умрининг сўнгги кунларигача Ватан ёшларини илм-маърифатга чорлади. Шокарим ота устози ҳақида шундай ёзади:

*Кел, жистар, биз бир турли жол табалиқ,
Арам, айла, зорлиқ сиз, мол табалиқ,
Қаниша айт қонмен озгенин бэри надон,
Жалипалиқ, Абайга, жур боралиқ!*

Абай истакларини, орзуларини ўз шеърлари, дostonларида акс эттирди. Бу билан қозоқ халқининг номини дунёга ёйди. Эллик тўққиз йиллик умри давомида адолат, ҳақиқатнинг абадийлигига ва булар, албатта, тантана қилишига, яхши замонлар келишига ишонди. Текинхўрларга, порахўрларга, лаганбардорларга қўлида-

ги дўмбираси ва ўланлари билан курашди. Камбағалпарварлиги билан элнинг хурматини қозонди. Етим-есирларнинг бошини силади, бағрига олди, ночор оилаларга ёрдам кўрсатди. Уй-жойлар қуриб, мол-қўйлар берди.

У онадан пок туғилди, ҳаётдан ҳам пок кетди. Ҳеч қачон, ҳеч кимга гина-қудрат сақламади. Доимо кечиримли бўлиб яшади. Ҳатто уни калтаклаган, ҳақорат қилганлар, обрўйсига путур етказмоқчи бўлганларга ҳам кечиримли эди. Бу ҳақда халқ орасида жуда кўплаб гаплар юради. Абайшунос олим Егизбоевнинг ҳикоя қилишича, Қадир хожи исмли ўта обрўли одам Абай билан тортишиб қолади. У оқинни қаттиқ ҳақорат қилади. Аммо тезда ўз хатосини тушуниб етади. Абайдан кечирим сўраб, унинг уйига келади. Абай Қодир хожини меҳмон қилади, кузатиш олдидан елкасига чопон ташлайди.

Остонада ўтказган кунларим қозоқ халқининг даҳо фарзанди, фаҳри ва ғурурига айланган Абайнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида имкон қадар кўпроқ маълумотларни йиғишга ҳаракат қилдим. Улуғ оқиннинг пой-қадами етган жойларни бориб зиёрат қилдим. Зумрад томонидан таржима қилинган “Абай” ва “Абай йўли” эпопеясини Қашқабулоқдаги Абай уй-музейига ва Семей шаҳридаги Абай номи билан юртиладиган музей директори Бўлат Жўнисбековга топширдим.

Сиз ўқиётган мазкур сатрларни Худойим дилимга солиб турди, Абай оғамнинг руҳи мадад бериб турди, мен қоғозга туширдим.

ТҮРТ ҲИКОЯДАН ИБОРАТ ҚИССА

МУҲАБАТНИНГ МАНГУ ҚЎШИҒИ
ҚЎШИҚНИНГ ТУҒИЛИШИ

(Биринчи ҳикоя)

Қўнонбой дала-дашт кезишни хуш кўрадиган одам эди. Дўсту ёронларини кўргани қўшни овулларга тез-тез бориб турарди. Бир гал у Қарқарага жўнайдиган бўлди. Ўғли Абайни ёнига олди. Йўл йироқ эди, ўн икки соатлик масофа эди. Ота-бола саман йўрғаларга миниб, от бошини Қарқарага буришди. Отлар ўзига таниш сўқмоққа тушиб олгач, Қўнонбой тизгинни қўйиб юборди. Эндигина бош кўтараётган офтоб ҳад-худудсиз сахро узра олтин ёғдуларини сочарди. Атрофдаги ёнтоғу явшанлар яқинда ёғиб ўтган ёмғирдан баҳра олиб, яшнаб ётар, ер бағирлаб учаётган кушлар учиб-қўниб, мусаффо тонгни шарафлаб, не турфа товушлар билан чуғурлашарди. Бутун кенгликни чулғаб олган беқарор, кўкимтир осмон остидаги табиат одамни қўйлашга ундарди.

Қўнонбой атрофга боқиб, гўзалликдан кўнгли тўлиб, дўмбира чертгиси келди. Хуржунидан созини олиб, бармоқлари билан созлаб, чала кетди. Дилбар оҳанглар оқ ҳарир туманли қирлар, ям-яшил яйлов узра ёйилди. У шу қадар берилиб чалардики, ўзининг қаердалигини ҳам унутиб қўйганди. Абай дўмбира навосига монанд тебраниб борарди. Куй ўз тилида шу пайтгача ҳеч кимга айтмаган ва пинҳон сақлаб келаётган қувончларини фош қилмоқчи бўлгандек нола қиларди.

Мусиқа авжига чиққан сайин Абайнинг кўз ўнгида сирли дунё жонланарди. Дилида ширин ором уйғонарди. Куш мисоли қанот қоқиб, кенгликлар узра парвоз қилишни хоҳларди. Дили яйраб, қийкириб, қўшиқ айтгиси келарди.

Абай ўзини қўлга ола билмади. Дилидаги сўзлар тилига чикиб, шайдо қалбидан қўшиқ бўлиб чиқарди. Овозини кўйиб юборди. Жарангдор ва хуш овоз саҳро узра ёйилиб кетди. Ўғлининг овозидан Қўнонбойнинг кўзлари чакнаб, равшанлашиб, завқи-шавқи тошиб, қўшиқ сеҳридан маст бўлиб, дўмбирасини яна ҳам қаттиқроқ чертар, чертган сайин у булбулдек нола қиларди. Куй кетидан куй, қўшиқ кетидан қўшиқ уланиб борарди. Абай куйлаганда юзларидан нур ёғилиб, нурли юзи шабодадан енгил мавжланаётган денгиз сингари ўзгариб турарди.

*Тўғри сўзлик ўланам, ўзинг кўркам,
Майли, татимаса ҳам сўйла бардам,
Бу юрт сўз ошигимас, мол ошиги,
Розиман, мингдан бири тушунса ҳам...*

Қўнонбой ўғлининг овози бу қадар ёқимли эканлигини илк бор билди. Абайнинг қўшиқ айтишидан ҳали беҳабар эди. Гоҳида ортидан боқиб, кўзи қувониб, хаёли чарақлаб, парвоздаги бургут мисоли юраги шўх-шўх тепиб, “Наҳотки куйлаётган йигитча менинг Абайим бўлса”, деб боласига ҳавас-ла боқарди. Қайдан келди бу илҳом? Ким унинг дилига солмоқда бу қўшиқни? Буни айтиб беролмасди. Куй тинса, Абай қўшиқ айтишни бас қилади, деб чўчирди.

Баҳорнинг ўртаси, ердан қор кетиб, дарахтлар гуллаган чоғлар. Осмонда кумуш булутлар оралаб, кишига завқ бериб, довон ошиб, қанотини қоқиб, саҳро ҳавосидан яйраб учаётган кушлар заминга кўклам келганидан хабар бериб, шодон сайрашиб учишарди. Нам тортган тупроқ кўксини ёриб, қиш уйкусидан уйғониб, бўй чўзган ўт-ўланлар қаддини ростлаб, майин эпкинда чайқалиб, олам узра хушбўй ифोरини сочарди. Ёнбағирликларда чаппар уриб гуллаётган лолалар товланарди. Абай чўғдек қип-қизил гулларни севарди, ҳар баҳор ялангоёқ чопқиллаб, лолаларга кучоғини тўлдирарди. Бувисига, онасига совға қиларди.

Бироз юришгач, кўй-кўзиларини яйловга яйратгани олиб чикқан одамлар, кўшда ер хайдаётган деҳқонлар кўринди. Қарши томондан юк ортилган туяларини хайдаб савдогарлар ўтишарди... Абай эса кўнглида мавж ураётган туйғуларини кўшиққа соларди.

*Деҳқонлар кўш кўшади, экар экин,
Хафта ўтмай кўкарар экин-тикин.
Савдогарлар мол юклаб, туя кўмлаб,
Олис-олис йўллардан келар секин.*

*Оламга безак берган Қодир мавлон,
Ер – она, қуёш – ота нури жаҳон,
Онадай эмиздирар кўксидан ер,
Отадай меҳр тўкар ёруғ осмон.*

Ота-бола шу тарика бири куйлаб, иккинчиси дўм-бира чертиб, остларидаги арғумокларини ўйнатиб, Қарқара сари кетиб борардилар. Қалбини дилрабо кўшиқ сеҳри хуморлаган Кўнонбой анча йўл босиб, довон ошиб ўтишганини сезмай қолганди. Қуёш киёмга келганди, туш пайти бўлганди. Улар отларга дам бергилари келиб, навбатдаги довонда тўхташди. Эгардан тушиб, хуржунни олиб, отларни ўтлоққа хайдаб, ўзлари майсалар устига наमत тўшаб ўтиришди. Нон ва эт олиб, дастурхонга қўйишди.

– Қара, ўғлим, юртимиз саҳролари нақадар гўзал! – деди ички қувончдан кўзлари яшнаб кетган Кўнонбой атроф-тевараққа боқиб, – Бу замин остида қанчадан-қанча олтину зарлар ётибди. Гулдираб, нефтлар оқмоқда. Лекин халқининг бундан ҳам қимматлироқ бойлиги бор. Бу асрлардан асрларга ўтиб, эл куйлаб, айтиб келаётган дostonлари, эпослари, кўшиқлари, ўланларидир. Бир пайтлар бобонг Ўсканбойни йўқлаб, юртнинг доврүкли оқинлари, бахшилари, жирловчилари уйимизга келишарди. Ҳафталаб дoston айтишарди, кўшиқ

куйлашарди. Бугун ўйлаб боқсам ўша бахшиларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг даргоҳига қайтиш қилибди. Улар айтган дostonлар, куйлаган кўшиқлари, қозoқнинг алп йигитлари ҳақидаги эпослари унутилиб кетибди. Тўғри, уларнинг ўрнини бошқалари эгалламоқда. Тили бурро бахшилар, хушовоз оқинлар пайдо бўлди. Аммо ёшлигимда эшитганларим ўзгача эди-да. Уларнинг нафаси ўткир эди-да, болам. Ўша пайтларда уларнинг айтганларини ёзиб олмаганимдан ҳозир ичим куяди. Бунинг сабаби саводсизлигим, илмдан беҳабарлигим. Сени барвақт мадрасага берганимнинг боиси шунда эди. Ўғлим ўқиса, хат-савод таниса, оқинларимизнинг тилидан чиқаётган ўланларни ёзиб олса, вақтлар келиб бу халқимизнинг бойлигига айланиб қоларди, деб орзу қилгандим. Ахир миллатнинг кимлигини унинг бойликлари эмас, донгдор кишилари, мероси, тарихи, маданияти, урф-одатлари, санъати, қадимий ўланлари танитади-да. Бугун сенинг кўп ўланларни ёд билишингдан хабар топиб, ҳақиқий оқин бўлиб етишибди, деб қувондик. Муборак бўлсин, овозингга кўз тегмасин. Бу қадар кўп ўланни хотирангда сақлаш сенинг ёшингдаги болаларда аҳён-аҳёнда учрайди. Айт-чи, айтганларингни ёдлаганмисан ёки ўзинг тўқиганмисан?

Отанинг сўзидан Абайнинг юзи қизаргандек бўлди. У табиатан мақтанишни хуш кўрмасди. Лекин ҳозир саволга жавоб қайтариши лозимлигини англади.

– Буларни ҳозир, от устида юриб келаётганимда ўзим тўқидим. Очиғи, Худо дилимга солиб турди, мен куйладим, ота, – деди ийманибгина.

– Айтган ўланларинг манаман деган оқину жирловчиларнинг ўланларидан қолишмайди. Буларни унутиб қўймайсанми?

– Йўқ, ота, Худо дилга солган нарсалар қалбга муҳрланиб қоларкан. Куйлаган сайин миямга янгидан янгилари қуйилиб келаверади, келаверади. Айтмасам ичим ёрилиб кетадигандек гўё.

– Уйга борганингда кўлингга қоғоз-қалам олиб ёзиб кўй. Вақти келганда асқотиб қолар. Худо хоҳласа, сендан буюк оқин чиқади, эл оғзида дoston бўлгайсан, болам.

Мақтов Абайнинг дил кулфини ечиб юборди. Кўзлари киприклари остида чакнади.

– Кечалари кулоғимга кимдир шивирлаб ўлан айтади. Шунда ўрнимдан туриб, тошфонарнинг ёруғида уларни қоғозга тушира бошлайман, бироқ, улгуролмайман.

– Анчагина ёзиб кўйгандирсан?

– Дафтарим тўлди, ота.

Кўнонбой боласини мадрасадан барвақт олиб келгани учун ўзини ўзи койиди.

– Уйга қайтганимизда ёзганларингни менга кўрсат, уларни хаттотга бериб, китоб қилдираман!

– Хўп, ота!

– Мен ҳам сенинг ёшингда кўп ўланларни билардим. Бувинг бешикдалигимдаёқ кулоғимга куйиб, катта қилган. Кейин эса ишлар билан бўлиб, ёдлаганларим хаёлимдан кўтарилиб кетган. Вақти келиб, сен айтган ўланлар халқимизнинг бебаҳо мулки бўлиб қолади.

Отаси ҳақ эди. Болалигида бувисидан қанчадан қанча ўланларни, лапарларни, кўшиқларни тингламади дейсиз. Бироқ ўқиш билан бўлиб, бир неча йил бувисининг бағридан йироқда юриб, уларнинг кўпи хаёлидан фаромуш бўлди.

Овулга қайтганидан кейин ҳам қалбининг бир четидан уйғонган шеърятга меҳр исён кўтарганди. Нималарнидир ёзгиси келарди. Хаёлига қуюлиб келаётган фикрлар миясига тинчлик бермасди. Куёш нурлари боланинг шуурини тиниқлаштириб, юрагида ширин ҳиссиётлар уйғотиб, кечалар оромини ўғирларди. Баъзида Абай ўзини тиёлмасди. Кўлига дўмбирасини олиб, ташқарига чиқиб, тип-тиник осмонга, чарақлаб турган юлдузларга боқиб, овозини кўйиб, Парвардигор қалбига солган илоҳий сўзларни кўшиқ қилиб айтарди.

Боя отда келишаётганда отасининг куйларини тинглаганда шундай ҳол юз берганди. Отаси чалган куйлардан кайнаб-тошган юраги шўх-шўх уриб, илоҳ томонидан мисига куйилиб келаётган сўзлар тилидан учганди.

Абай бир тишлам этни тишлари орасига олиб, чайнаб ўтирар экан, отасининг “Вақти келиб бу ўланлар қозоқ халқининг мулки бўлиб қолади”, деган сўзлари ўйлантириб қўйди. Элнинг бой мероси бўлган, асрлардан асрларга, тиллардан тилларга ўтиб келаётган ўланлар йилдан йилга камайиб бораётгани рост, шу пайтгача улар ёзиб олинмаган. Илгаригидек жирловчилар ҳам, оқинлар ҳам йўқ. Шундай бўлгач, отаси ҳақ.

Ота-бола йўлга чиқишди. Улар ёнма-ён кетишди, отларнинг узангилари бир-бирига тегиб борарди. Бошлари узра қушлар қувноқ сайрашарди. Саҳрода жим кетиб бўлармиди. Она юртнинг гўзаллигини куйга солиб, қўшиқ қилиб куйламай бўлармиди. Гурсиллаб ураётган юракнинг ҳаяжонини босиб бўлармиди. Бепоён кенгликларда, отнинг қорнига уриб турган майсазорларда, хув анови тепалик бағридаги лолақизғалдоқлар чамандек очилиб, она табиат ҳуснига ҳусн қўшиб турган лаҳзада куйламай, дўмбира чертмай бўлармиди?

Қўнонбой яна дўмбирасини қўлга олди. Нозик пардаларини созлаб, чала кетди. Абай тагин қўшиқ куйлади. Дўмбиранинг ўша сирли навоси, ўша илоҳий қўшиқларнинг сеҳрли товуши саҳро узра таралди. Абайнинг тилига ҳам, дилига ҳам куйга пайваста қўшиқ куйилиб келаверди. Бепоён кенгликлар, офтоб тигидан баҳра олиб, яшнаб турган ўт-ўланлар, тоғларнинг аллақерида ўт ёқилган тандирнинг оғзидек алангаланиб, ҳолдан тойиб, осмонда сузиб юрган кўчкин булут парчаларини қизғиш рангга бўяб, қор босган чўккиларга ёйган шуълаларини аста йиғиштириб, уфқ ортига ёнбошлаётган қуёш, шодон чуғурлашаётган қушлар худди Абай айтаётган ўландан сеҳрлангандек эди. Она табиат қозоқ элининг дунёга берган боласи яқин кунлар

ичида машхур шоир бўлиб, козоқни дунёга танитишига
гувоҳлик бераётгандек эди.

МУҲАББАТНИНГ МАНГУ ҚЎШИҒИ

(Иккинчи ҳикоя)

Юртга доврукли, шуҳрати чўнг Қоратой оқин бугун-
ги беллашувга Абайни чорлаганди. У ҳақда кўп эшит-
ганди. Ўланларининг шайдоси эди, беллашмоқ ниятида
юрарди. Бугун жазм этганди бунга. Элга хабар берилди.
Катта-кичик белланувни кўрмоқ орзусида ўтов томон
шошарди. Бўз йигитлар, сулув қизлар, бошига оқ рўмол
ташлаган момолар, оппоқ сақоли кўксига ярашган бо-
болар даврага кўрк бўлишди.

Элнинг кўзи Жийдабей йўлига қадалганди. Биров
Абай кўринмасди. Кўнгилларга гумон оралади. “Не
бўлди, оғамизга? Кеч қолиш одати йўқ эди-ку. Ёки
доврукли оқинга бас келолмайман, деб ҳайикдимиз?”

Кўзлар толикқанда, хафсалалар пир бўлганда бола-
лардан бири кичқирди:

– Абай оға келмоқда!

Одамлар жонланди, қир тепасида, оқ жийрон устида
келаётган оқинни кўришди. Абай икки ҳамроҳи, икки
қаноти – Какатой билан Боймуғамбет куршовида келар-
ди. Халқ унинг йўлига пешвоз чиқди. Таъзим қилиб, са-
лом беришди. Кўзлар унга самимий меҳр-муҳаббат би-
лан боқарди.

Ўртага оқ кигиз тўшалганди. Тўрида дўмбираси-
ни бағрига босиб Қоратой оқин ўтирарди. Абай келиб
таъзим қилди, “устоз”, деб кучоқ очди, бағрига бос-
ди. Халқ дуога қўл кўтарди. Иккисига омад тилашди.
Оқинлар дўмбирасини созлаб, оҳанграбо куйлар чалиб,
одамларнинг қалб туйғуларини кўзгаб, ўлан бошлашди.

Биринчи бўлиб Қоратой жирлади. Соз чертишда
унга тенг топилмасди. Элни сеҳрлаб, оғзига қаратди.
Баҳор булбулидек қайнаб-тошди. Айтмаган ўлани, чал-

маган куйи қолмади. Одамлар кийқириб, олқишлашди. Навбат Абайга ўтди. “Қандай жавоб қайтараркин? Қоратойнинг шижоатига бас кела олармикин? Бас келолмай, бош эгиб, даврадан чиқиб кетса-чи”, деб ўйлаганлар бўлди.

Абай ҳамиша Яратгандан мадад сўраб, унинг инояти ила куйларди, Илоҳнинг қудрати ёр бўларди. Жирлаганда тингловчининг кўксидаги муз эриб, вужуди селдек оқарди. Борликни унутарди, кўшиқлар қанотида парвоз қиларди. Дўмбираси ўзининг тилида бўзларди. Овози куйга эш бўлиб, ҳад-худудсиз кенгликларга тараларди Улар бағрига сиғмай, кўкка ёйиларди. Ҳозир Қоратойнинг куйларини тинглаб, маҳоратига таъзим қилиб, севинч ёшлари оқиб, оҳ уриб юборди.

Куёш чўккига ёнган кўксини қўйганда сайл охирлади. Бундай беллашувни ҳалойиқ кўрмаганди. Юраклардан дард кетиб, армон кўтарилди. Эл икки бахшини олқишлаб, елкаларига тўн ташлаб, бошларига қалпоқ кийдиришди. Оқинлар яна бир-бирини бағирларига босиб, хайр-хуш айтишиб ажралишди. Эл ўтган кундан бахтиёр бўлиб, шодланиб, уй-уйларига тарқалишди.

Абай ўтов ортига ўтди. Оти шу ерда, жировин қозикқа илиб қўйганди. Арқонни ечаётганда қулоғига алланиманинг шилдираган товуши чалинди. Овоз келган томон юзин бурди. Оппоқ шохи қўйлак кийган, хипча бел, буғдой юзли, пороқ қошли, комон ўқидек киприклари остида чарос кўзлари ёниб турган ҳилол қошли, кўхлик ва кўркам сулувни кўриб, юраги ўйнаб, янги тўлган ойдай жамолидан ақли шошди. Бўйнидаги қумуш тақинчоқлари ялтираб, қулоғидаги ой балдоғи юзига шуъла сочиб, ҳуснига ҳусн қўшарди. Абай вужудига ўт кетди.

– Саломимни қабул қил, эй, эл суйган оқинларнинг доноси! – таъзим қилиб деди қиз.

Абай бундай гул юзли хурлиқони учратмаганди. “Ким бўлди бу санам? Рўёми, руҳми?” деган сўз кечди

кўнглидан. Бошидан хуши учиб, сўз айтмоққа тили шошиб, хайратдан кўзи ёнди. Кейин:

– Кечир, эй сохибжамол, танимадим сени? Кимсан, исминг нима? Қайси чаманнинг гулисан? Қайси онанинг дилбандисан? – деб сўради.

Қизнинг тўлган ойдек ғуборсиз юзи бироз қизаринкиради.

– Исмим, Айгерим! – ўктам овозда жавоб қайтарди қиз. – Айб этма, эй ҳофизлар ҳофизи. Беҳаё қиз деб ҳам ўйлама. Икки оғиз сўз айтишга изн бер!

– Айт, айтавер! Кулоғим сенда, эй малаксиймо!

– Сен ёшлигимданок шўҳи хандон, дилга ёқимли ўланларинг билан, дўмбирангнинг шўҳ овози билан хушбўй хидларга тўйинган баҳор эпкини янглиқ қалбим эшигин очиб, юрагим остонасин босиб ўтдинг. Мени ўзингга ошиғу шайдо айладинг. Ишқингда ёндим, хажрингда куйдим, кўзларим васлингга зор бўлиб, жумла-ю жаҳонга боқарди, дилим мудаом сен томон талпинарди. Кечалар китобларингни ёстигим остига қўйиб ётардим, шеърларинг сирдошим эди. Фалакка ой чиқанда, самода юлдузлар чакнаб, кўксига маржонлар такқанда, дўмбиранг овози олислардан бўлса-да, кулоғимга етиб келарди. Қўшиқларингни тинглаб, ҳар сатрини юрагимга жойлаб, кун сайин улғаярдим. Ўланларингни куйлардим давраларда. Назаримда, сен қўшиқларингни менга бағишлаб айтаётгандек бўлардинг. Қўшиғингни эшитмоққа, ўзингни кўрмоққа саҳрода чўллаган одамдек ташна эдим. Сен билан учрашиш, муносиб кўрсанг ёр бўлиш истагида яшардим. Сабрим тоғи нурай бошлаганда, умидларим риштаси узилай деганда, беллашувга келишингни эшитиб, нафасинг, ифोरинг худди баҳор эпкини каби юрагимни энтиктириб юборди. Саҳролар кезиб, доvonлар ошиб, жилғаларни кечиb, аламлар, ситамлар, ранжлар тортиb, куйган жонимга ором излаб келдим унутиb ўсган овулимни, маҳкам боғлаб белимни, таваккал қилиб келдим

қошингга, хузурингга, оға Султоним! Энди сенсан менинг орзу армоним, сенинг билан ўтсин давру давроним.

Абай мирзо сулудан бу сўзларни эшитиб, қувониб, ёрни суйиб, димоғи чоғ бўлди. Ичи қизиб, ҳаяжонга тушиб:

– Сўзларинг-ла, мени бахтиёр этдинг. Наҳот ҳаёлимни, қалбимни ўғирлаган, мен соғинаётган дилдор сен бўлсанг? – деб юборди.

– Янглишмадинг, эл ардоқлаган оқиним! Сен жирлаган узун тунлар мен ҳам Тангримдан висолингга тезроқ етказишни сўраб, хузурингга қуш мисоли қанот қоқиб учгим келарди. Ҳаёлим сен томон учарди. Ишқинг савдоси юрагимга тинчлик бермасди. Лекин қизлик иффатими, ғурурими, ҳаёми йўлимга ғов соларди... Мана, ниҳоят Аллоҳ бизларни учраштирди. Кел ёнимга, ўргилай! Икимиз бу кеча муҳаббат қўшиғини куйлайлик!

Қизнинг дил розларидан оқиннинг томиридаги қони жўшиб, юраги чўғдек қизиб, Айгеримга яқинроқ борди. Қиз унинг кўзига янада чиройли ва маҳобатли кўринди. Гулдек юзи яшнаб, зулукдек қошлари чимирилиб, оху кўзлари порлаб турган бу санамга синчков назар ташлади. “Қаерда кўрганман”, деган ўй кўнглидан кўп бор ўтди. Бирдан эслади: “Кечалар туш мда, ўлан айтсам рўпарамда тургувчи малак шу-ку! Қўлимга қалам олдинг, дўмбира чалдирган, ёстикқа боғ кўйганимда, чўли саҳроларни кезганимда менга ҳамроҳ бўлган барно шу-ку”.

Абай беихтиёр бир ўлан айтиб юборди.

*Севги тили – сўзсиз тил,
Кўз билан кўр, дилдан бил,
Бир қараш ё бир имо –
Етар – боғланар кўнгли!*

Кейин у Айгеримнинг кулиб, ёниб турган кўзларига боқиб:

– Мен ҳам сени кўп замонлардан буён излаётган эдим, соғиниб кутаётган эдим, фариштам. Кўзларим йўлингга интизор боқарди, – деди, – Ой кулган кечалар,

фазони юлдузлар тўлдирган тунлар, соз чертиб, сенга кўшиқ битганим рост. Туйғуларимни жиловлай олмай ич-ичимдан бўзлаганим-да ҳақиқат. Жоду кўзларингни, нурли юзлариңгни соғинганим ҳам чин, сарв қоматли, фариштам. Бироқ кўшиғим тиниши, кўзим очилиши биланок хушрўй жамолинг, сарв қоматинг, инжа белинг кўз ўнгимдан ғойиб бўларди. Сени борликдан излардим, табиатдан сўроқлардим, аммо жавоб ололмасдим. Кейин юрагимни соғинч ўртаб, яна шаънингга ўланлар битиб, уларни боди-саболардан йўллардим. Улар сенинг қулоғинга етиб борармиди, эй моҳитобоним?

– Ҳа, оға Султоним! Боди саболар сен айтган ўланларни олис манзиллардан, гоҳ доvon ошиб, гоҳ сахро кезиб, олиб келарди-да, қулоғимга шивирларди. Уларни киприк қоқмай, кўзларим ёш тўкиб, жон қулоғим билан тинглардим. Овулингга кўз тикардим, йўлингга зор боқардим. Висолингни кўрсатишини сўраб, Яратган эгамга илтижолар қилардим. Ҳайриятки, оху зорим Танграмга етиб борибди, бандасининг жони ишқ оташида ўртаниб, муҳаббатнинг ҳажрида азоб чекаётганини билибди. Минг шукрлар-ки, орзу қилган бахтими топдим!

– О, суйдирганим, куйдирганим, қалбимни забт этганим. Айт-чи, сен менга ёр бўлишга розимисан? – сўради Абай қизнинг сўзларидан оҳ уриб.

– Мингдан минг розиман, эл ардоғидаги суюкли оқиним. Сен менинг қалбимсан, қалбсиз яшаёлмасман! – ҳозиржавоблик билан деди қиз. Унинг юзлари тиник тортиб, гўзаллашиб кетганди. Қалбини, руҳиятини қарашлари шундоққина айтиб турарди.

– Унда биз аҳду паймон қилиб, турмуш қурамыз!

Қиз йигитнинг қўлларидан ушлади, унинг кўксига бошин қўйди. Тилидан шу сўзлар учиб чикди:

– Аллоҳнинг шоҳидлигида, бошимиз узра кулиб боққан юлдузларни, нурини тўшаб турган Ой момомизнинг гувоҳлигида онт ичиб айтаманки, мен сенга умрбод ёстикдошман!

Бунга жавобан Абай шу сўзларни айтди:

– Танда жоним сендек сулувга садақа Сени менга рўпара қилган Тангри номи билан қасам ичиб айтаман-ки, бу кундан, бу соатдан эътиборан энди биз биргамиз, тақдиримиз ҳам, қисматимиз ҳам эгиз. Бизни Яратган эгам учраштирди, ундан ўзга ҳеч ким айира олмас. Сўнгги нафасимизгача биргамиз! Дийдор қувончини ҳам, хижрон дардини ҳам бирга баҳам кўрамиз!

Улар жўр бўлишиб, онт ичишди.

– Бизларни ўлим ҳам айира олмас!

– Сени яратган Эгамга, қалбимизга муҳаббат ишқини солган, бизларни учраштирган Эгамга шукрлар бўлсин, – деди Айгерим.

– Муҳаббат дардида ёнган Худо ишқида ёнади! – жавоб қилди оқин.

Абай қизнинг қўлидан ушлаб, нигоҳларини поёнсиз кенгликларга тикиб:

– Бу яйловлар, бу кенгликлар, бу тоғлар энди бизники. Булар иккимизни мангуга учраштирди. Тақдиримизни боғлади. Биз она замин бағрида кўшиқ айта-миз, Худо қалбимизга солган муҳаббат кўшиғини куйга солиб куйлаймиз. Биз айтган кўшиқлар, бу саҳролар бағрида мангу янграйди. Биздан кейинги севишганлар, бир-бирига кўнгил берганлар, юрагини ишқ оташи ёққанлар кўшиғимизни куйлаб юришади, Айгерим.

Абай чўяндек қўли билан қизнинг ҳайдар кокилини силаб, кулгучлари кулиб турган манглайдан, лоладек қизарган юзидан эркалатиб сийпади, қони жўшиб ураётган юрагининг тафти кафтидан сезилиб турарди.

– Энди сен қаерга борсанг мен ҳам ўша ерга бораман! Шу ҳаводан бирга нафас оламиз! Бирга яшаймиз!

Айгеримнинг қоп-қора кўзларидан нур ёғилиб, юзлари тиниқ тортиб, гўзаллашиб кетганди.

– Биргаликда овулларимизнинг тинчлигини, ҳимоя қиламиз. Бизнинг муҳаббатимиз неча йиллардан буён овулларимиз ўртасида давом этиб келаётган қонли

урушларга, келишмовчиликларга, низоларга барҳам беради. Фарзандларимиз эса овулларни бирлаштиради, бир-бирига дўст, биродар бўлиб яшаши учун хизмат қилишади! Ота-боболаримиз асраб-авайлаб келаётган юрт байроғини баланд кўтариб, қозоқни дунёга танитишади!

– Илоҳим айтганинг келсин! Бизнинг пок муҳаббатимиз икки овул ўртасидаги нажот йўли бўлур. Худо хоҳласа ғазо ҳам, жанг ҳам барҳам топур! Аллоҳ барчамизни эл ишига яроқли қилғай! Овулларимиз бирлашса, миллатимиз бирлашур, буюк ва қудратли элга айланурмиз! – деди оқиннинг сўзларига жавобан Айгерим.

Бирдан эпкини туриб, майса-ю гиёҳлар бошини чайқаб, муаттар ифорини оламга таратди, жийрон йўрға аввал пишқириб, кейин кишнади. Бу унинг “Биз ҳам гувохмиз”, дегани эди гўё.

Абай сўради:

– Бугун айтган ўланларимдан кўнглинг тўлдими, эй суюкли ёрим?

– Ростин десам, ўланларингни ўн саккиз минг олам эшитиб, қониқиш ҳосил қилгандир, бироқ қалбим саҳросининг ташналиги босилмади. Қўшиқларингга дилим хумор. Овозингни такрор ва такрор эшитсам, дейман. Рози бўлсанг отга минайлик, яйловларни кезиб чиқайлик, ўлан айтиб, дилимизни хуш айлайлик!

– Сени менга йўлиқтирган Аллоҳимга қурбон бўлай!

Ошиқлар тулпорларига минишди. Отлар гижинглаб, дупир-дупир ер тепиниб, сулуғини чайнаб, кишнашиб, думини ўйнатиб, тақасидан ўт чакнатиб, денгиздек мавж ураётган яйлов томон топиб кетди.

Куёш ботаётганди, борлиқ юзига чиммат тортаётганди. Қорайиб кўринган қир ортидан тўлин ой балқиб, юлдузлар чакнаб, осмон чарақлаб турарди. Майса-ю гиёҳлар баргини тортқилаб, гир-гир шабада ўйнарди. Ёшларнинг бахти кулган оқшом эди.

Хулқнинг, адоб ва ақлнинг, нознинг энг ширин ҳисла-
ри мукаммал, тажассум тимсоли бўлган Айгерим бир-
дан куйлаб юборди.

*Қозоқнинг доноси,
Улуғ оғаси,
Сенга тенг келмас –
Одам боласи.*

Дил-дилга пайваста бўлиб, кўшиқ-кўшиққа ҳамроз бў-
либ, икки ошиқ, икки севишган юрак саҳрога сиғмай, бири
олиб, иккинчиси куйларди. Айниқса, Айгеримнинг овози
шу қадар ёқимли, жарангли ва жозибали эди-ки, Абай қиз-
нинг ҳозиржавоблигига, топқирлигига таҳсинлар айтди:

*Сулувлар сараси,
Кўзимнинг қораси,
Қийнайди жонимни
Муҳаббат яраси.*

Худо кизнинг кўнглига соларди, у ёниб-ёниб бўзларди.

*Дардингда юраман,
Азоблар тортаман.
Мол тугул йўлингда
Жонни ҳам бераман.*

Кофияларнинг жарангидан, ўланнинг қувватидан,
ишқнинг таронасидан оқиннинг юраги шавққа тўларди.
Рухи самода сайр этарди.

*Сенсан жон лаззати,
Кўрк тангри давлати.
Сулувни севмоқлик,
Пайғамбар суннати.*

Ошиқлар ўзлари куйлаган ўландан ўзлари маст бўлиб,
сархуш бўлиб, дунёнинг яхши -ёмонини унутишганди.

*Йиғлайман, бўзлайман,
Дардимни сўзлайман,
Сен учун сўзларнинг
Гавҳарини излайман.*

Абай юрагини чангаллаб ох урди;

Сув бўлиб оқишинг,

Ҳам қия боқишинг,

Оромим олибдир,

Токай жон ёқишинг!

Сўлим кечада ошиқлар учун тун билан куннинг фарқи йўқдек, ишқ шаробидан сархуш бўлиб, бир-бирларининг қўлларида ушлашиб, сахро кезардилар. Отлари ёнма-ён йўртиб, ёлларини ҳилпиратиб, узангилари узангиларига тегиб борарди. Шудринг қўнган майсалар чайқаларди, ўзларининг тилларида суҳбатлашишарди, юлдузи юлдузига тўғри келган, тақдирларини Тангри бирлаштирган икки ошиқни, икки севишган ёшни бошларига бахт қўши қўнгани билан олқишлашарди.

Абай шу чокқача бу қадар яйраб-ёниб қўйламаганди. Болалигида отаси билан шу кенгликларда от ўйнатиб, ўлан айтиб ўтказган кунларини эслади. Ўшанда ҳам ҳозиргидек илҳоми жўш уриб, булоқдек қайнаб-тошиб қўйлаганди.

Бойчечаклар очилган кўклам кезлари, майин шабода ғир-ғир эсиб, ер яшнаб, яшариб майсалар барра бўлиб қолган кунлар эди. Ҳаво очиқ эди, тоғлар уйкудан турган паҳлавондек қудратли елкаларини кериб, қаддини ростлар, ой эса янада юксакка кўтарилишга шошиларди. Борлиққа нур тўшарди. Тоғ ҳам, яйлов ҳам, унинг осмони ҳам хаттоки замин ҳам фарахбахш ва фаровон эди. Ошиқлар дил розларин ўлан билан, дўмбира тили билан сўзлаб вақт ўтганини пайқашмасди. Ҳавода тонг шабадаси ғириллай бошлаганди. Ойнинг юзи хира тортганди, юлдузлар бирин-сирин сўнаётганди. Қуёш уйғонаётганди. Унданда барвақт уйғонган қушлар қанот қоқиб, яйлов ҳавосидан яйраб, ўз тилларида сўзлашиб учишарди. Поёнсиз сахро, қор босган тоғлар, шудринг қўнган майсазорлар, қумушдек товланиб, найдек чулдираб оқаётган жилғалар икки ошиқ, икки вафодор

инсон, икки қалб бир бўлиб қуйлаган бундай қўшиқни шу чоққача эшитишмаганди.

Ҳикояга шу ерда нуқта қўймоқ ниятида эдим, бироқ олисдан от чоптириб келаётган суворийларни кўриб қолдим. Улар шовкин солиб, чанг-тўзон буркситиб келишаётганди. “Ким бўлди булар? Нечук маст туядек бўкириб, замин у осмонни қалтиратиб, Худо бахтларини берган, тақдирларини қўшган ошиқлар томон жаҳлу шиддатла келишмоқда?” деган савол юрагимга ғулу солиб, човондозларнинг келишини кутдим.

Бу пайтда Айгерим билан Абай отдан тушиб, тизгинни қўйиб юбориб, бир-бирларининг қўлларидан ушлашиб, тизаларига урган майсазор оралаб, яёв кетиб боришарди. Япроқларига шудринг қўнган майсалар, гуллариди бол арилар тунаган чечаклар субҳи сабодан чайқалиб, Абайнинг этигини ўпиб, Айгеримнинг қўйлагини шилдиратиб қоларди. Нам тупрокнинг тафти юракни қитқиларди.

Ошиқлар аста тонг бўзарганини, қушлар уйғониб, самода чарх ураётганини, бўзтўрғайлар бўзлаб, какликлар хониш қилаётганини эшитмасди. Қуйлаган ўланларининг таъсиридан сархуш эдилар. Уларнинг назарида бу оламда ўзларидан ўзга одам йўқдек. Кутилмаганда, боя мен кўрган суворийлар уларнинг олдида етиб келди. Шунда ошиқлар бошларини кўтариб, бўйинларини чўзиб, ортга қарашди.

– Ким бўлди булар? Келишлари бежо, қора қуюндек совук, – деди Айгерим. Унинг жон олгувчи қаро кўзларида қўрқувга ўхшаш аломатлар зоҳир бўлди.

– Йилқисини йўқотган йилқичилардир, – қизга тасалли бермоқ бўлди Абай.

Отликлар етиб келишди. Туёқлар остидан чанг қўтарилиб, бошлари устидан ошиб ўтди. Тер босган юзла-

рига тупрок ўтирди. Отликлар севишганларни халқа-дек ўраб олишди. Айгерим уларни таниди: Оёқларини узангига тираган, чўкки соқол, малла кўзли одам акаси Ботиртой эди, ортидаги алплари...

– Не бўлди? Нечук бу қадар ғазабдасан, оға? – сўради Айгерим.

– Сен уруғимиз шаънини ерга тенг қилдинг! Бизни иснодга қўйдинг, Айгерим! – оғзидан иссиқ ховур чиқариб ўшқирди Ботиртой. – Қаердаги дайди оқин билан яйлов кезиб, ўлан айтиб юрганинг нимаси? Ахир биз обрўли бийларданмиз. Қани, уйга юр, кетайлик, уйда сени ғам-ғузoring кутаётир.

– Менинг эрким ўз қўлимда, оға!

– Билиб қўй, энди сен ёш қизча эмассан! Кеча оқшом уйимизга уруғимизнинг улуғлари совчи бўлиб келишди. Биз кенгашиб, Аҳмад бийнинг ўғли Қосимга сени унаштириб қўйдик. Яқинда тўй қиламиз. Элга ош бериб, сеңи узатамиз! Қани, олдимга туш! Бўл тезроқ, уйга борайлик, тўй тадоригини кўрайлик!

– Мен Қосимга тенг бўлмасман, тенг бўлсам-да, ёр бўлмасман!

Эпкин туриб Айгеримнинг қаро зулфй тўзғиб кетди.

– Хой қиз, сенинг тағдиринг энди Қосимнинг қўлида, уни на сен ва на бошқалар ўзгартира олади. Қани, олдимга туш!

– Илгари айтганман, Абай оғага болалигимдан кўнгил берганман, деб! Ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам қароримни ўзгартирмайман. Абай оғамга бўлган муҳаббатим бу Аллоҳнинг ишидир. Нетай, Эгам қалбимга унга нисбатан шундай ишқ оташини ташлади-ки, хатто кўзимга ўлим ҳам кўринмайди! Қалбларимизни муҳаббат нури билан ёриштирган Аллоҳ номи билан қасам ичиб айтаман-ки, энди бизни Ўзидан ўзга ҳеч ким айира олмас! Севги ишонч билан барҳаётдир! Аҳмад бийнинг ўғлига теккандан ўлганим, қаро ерга кириб, совук тупроқни кучоқлаб ётганим яхши!

Ботиртой Абайга кибру кубаро билан боқди. Унинг кўзларида ўч олиш қувончи ўйнади.

– Биз сени Абайга бермаймиз! У бизнинг тенгимиз эмас. Отангнинг орзуси сени Қосимга узатиш. Катта тўйлар қилиб, юртга овоза қилиш. Биз шундай тўй қилайликки, атрофимиздагилар кўриб оғизлари очилиб қолсин. Шухратимиз бундан ҳам зиёда бўлади, – деди.

– Мен аҳдимдан қайтмайман, оға! – кескин жавоб қилди Айгерим.

Ботиртойнинг ғазаби қўзиди, баданидаги туклари тик бўлди. Кўзлари ичида қизил олов ёнди. Тишларининг ғижирлагани эшитилди.

– Хой, тентак, қиз! Хой, ақлдан айрилган, нодон! Хаддингдан ошаверма! Нималар деяётганингни ўйлаб боқдингми?

– Ҳа, яхши билиб турибман, бироқ сен тушунишни истамаётирсан, оға! Билиб қўй, энди менинг инон-ихтиёрим Абайнинг қўлида. Бу кеча иккимиз ойу юлдузларнинг гувоҳлигида, шу муқаддас она заминнинг шохидлигида аҳду паймон қилдик! Энди бизни ҳеч ким айира олмайди!

Ботиртой ғазабли овозда ўшқирди;

– Биз ўз қизларимизни, сингилларимизни ҳеч қачон тубиқти уруғига турмушга узатмаймиз. Бизнинг азалий урф-одатларимизни писанд этмай, удумларимизни оёқ ости қилиб, юзимизни ерга қаратишингга йўл қўймаймиз! Абай бошингни айлантариб қўйган кўринади. Ҳозироқ уни хаёлингдан ўчириб ташла. Номини қайта тилингга олганингни эшитсам, сендан қаттиқ хафа бўламан, синглим!

– Нима бўлса ҳам Абайни дейман, ундан воз кечмайман! Мен унинг суюкли ёри, вафодор қалиғи бўламан! – Айгерим шу сўзларни деб, суйган ёрига яқин сурилди.

– Сенинг севгинг бутун овулимиз бошига бало келтиришини кўнглим сезиб турибди. Абайнинг номини тилингга олма! Уни юрагингдан юлиб, мана бу саҳрога от!

Орқарокда турган ғилай кўзли алп, этигининг товони билан отнинг қорнига ниқтаб, оқиннинг тепасига келиб, косасидан бўртиб чиққан кўзларини унга ўқдек қадаб:

– Сен нега Айгеримнинг бошини айлантирмоқдасан, эй девона? Бизларни назар-писанд қилмай қўйдингми? Уруғимизнинг куч-қудратини унутдингми? – деб қам-чисини юқори кўтарди.

Айгерим унинг йўлига кўндаланг туриб олди.

– Яқинлашма! – деб бошидан рўмолини юлиб олди. Шунда тундай қора сочлари ёйилиб кетди. – Абайга қўл кўтарадиган бўлсанг, билиб қўй, бошимдаги рўмолим ҳаққи, ифғатим, номусу орим ҳаққи ўзимни жарга улоқтираман. Ҳақиқий алп бўлсанг, мард эр бўлсанг бизни қўйиб юбор. Ихтиёримизни ўзимизга бер, кўнгил буюрган томонларга кетайлик! Муҳаббатнинг қўшиғини куйлаб, бахтли ҳаёт кечирайлик!

– Вох, муҳаббатнинг кучини қаранглар. Ўзи бадном бўлса бўлсину, аммо муҳаббати бадном бўлмасин эканда. Йўқ! – қичқирди ғилай кўзли алп, – Сенларни ҳеч қаерга қўйиб юбормаймиз, яхшилиқча йўлимизга юрмасанг, отнинг думига сочингни боғлаб, судраб кетамиз! Абайни эса ўлдириб, чуқурга кўмиб юборамиз! Бировнинг ёрига кўз олайтирганнинг жазоси шу бўлур!

– Абайда айб йўқ, нима бўлса мен айбдорман. Ўлдирмоқчи бўлсанг иккимизни бирга ўлдир, иккимизни бир қабрга кўм! – деди Абай қизни бағрига тортиб.

– Ўлимдан қўрқмайсанми?

– Ўлим йўқдур жондан кечган ошиқларга! – деди Айгерим.

– У баримизни зулмат бағрига тартади. Муҳаббат йўлида жон бермоқ эса шарафдур, муҳаббат одам боласига Аллоҳнинг неъматидур!! – қўшимча қилди оқин.

– Мен сенларнинг муҳаббатингни жаҳаннамга айлантираман!

Ботиртойнинг ишораси билан алплар Абайга ташландилар. Оёғидан чалиб, ерга йиқитиб, қўл-оёғин қай-

риб, жунли арқон билан боғладилар. Айгерим уларга ташланди. Бироқ кучи етмади. Икки алп қизни ушлаб, озод кўтариб, акасининг отига улоқдек ўнгариб бердилар. Ерда чўзилиб, қора тупроққа беланиб ётган Абай кўзлари билан уларни кузатиб қоларкан, суюмли ёрининг сўзлари, шу сўзлар ичра бўйнидаги кумуш тақинчоқларнинг жаранги кулоқларига етиб келди.

– Оғам, суйган вафоли ёрим, аҳди паймон қилганим мени ташлаб кетди, деб қайғурма! Ваъдалари ёлғон экан, деб дилинг озор чекмасин! Гапим гап, сўзим сўз. Аёл бўлсам-да, ваъдамга содиқман. “Мол тугул йўлингда, жонимни бераман”, деганим ҳақ. Чин ошиқ бўлсанг, вафодор ёр бўлсанг, ортимдан излаб борарсан, золим акам кўлидан озод этарсан, олиб қочиб овулингга елтарсан. Шунда биз яна бирга бўлиб, муҳаббат кўшиғини куйлармиз!

Айгеримнинг кўзларида, қалтираётган лабларида зоҳир бўлган қайғу аламини тасвирлашга қалам ожиз. У аччиқ-аччиқ ёшлар тўкиб, Абайни ташлаб кетди, сийнасини доғлаб кетди. Оқин унинг ортидан қараб-қараб, шу сўзларни айтиб қолди.

– Армон билан ўлар бўлдим, мен энди, якка мазор бўлар бўлдим, мен энди.

Кимсасиз, гўнг-соқов саҳрода якка ёлғиз, ёри кетган сўқмоққа орзуманд кўзларини тикиб оқин қолди. Бошида содиқ жийрон оти қолди.

Осмонда куёш оламга нур сочди, саҳрони ёндирди. Заминдан, ўт-ўланларнинг япроқларидан нам қочди. Иссиқ тобора забтига оларди. Шўрлик Абайнинг танасини мисдек киздирарди. Айгеримнинг ишқи куйдирарди. Ташналиқдан томоғи қаҳрарди. Жийрон эгасининг тепасида, бошини эгиб турарди. Кўзларидан ёш томарди. Эгасининг чўллаганини, бир хўплам сувга

зорлигини ич-ичидан ҳис этарди. Нурни тўсиш, соя тўшаш мақсадида тепасида тик турарди.

Абайнинг жони қийналаётганини ўзидан ўзга одам билмасди. Юраги эзилиб, оламга сиғмай дод солгиси келарди. У овоз чиқариб тангридан сўрарди: “Яратган эгам, майли, сув бермагин, чидайман, қуёш тафтидан, жазирама иссиқдан асрамасанг ҳам майли, тоқат қиламан. Тилагим, мўъжизангни кўрсат, қўл-оёғимни арқондан бўшат. Суйган ёримнинг ортидан борай, бемехр акасининг қўлидан холос этай, овулимга олиб кетай, умрбод ўзимга йўлдош этай”...

Замин иссиқдан ёнарди, майсалар ташналиқдан сўнарди. Жийроннинг бадани тандирдек қизирди. Ширин жони ўртанарди, шундай эрса-да, эгасининг қошидан нари кетмасди. Қуёш билан айланиб, тафтини тўсиб турарди. Эгасига соя тушаб турса-да, Абайнинг жони ўртанарди, вужуди ёнарди, ҳўплам сувга зор эди. Ҳамон Тангридан қўл-оёғини чилвирдан озод қиладиган бирор одамни йўлиқтиришни сўрарди. Икки кўзи ёр кетган сўқмоққа қадалганди. Охир тепасида турган жийронга юзланди: “Овулга боргин, Боймуғамбет билан Какатойга холимни етказгин, уларни бошлаб келгин, уларгина менга ёрдам беришлари мумкин”, деди. Жийрон ақлли эди, эгасининг тилига тушунарди. У ер тепиниб, тупроқ тўзитиб, жойидан жилди. Туёқлари остидан ўт чақнатиб овул томон елдек учди.

Сахрода қўл-оёғи боғланган Абай қолди. Офтоб тигида вужуди тандирдек ёнган жон қолди.

Сахро сийнасида жон талашиб, нажот тилаб ётган бандасига меҳрибон ва шавфқатли Аллоҳнинг раҳми келди, мўъжиза рўй берди. Аллақаердан оқиб келган момик укпар булутлар худди уммонларнинг олис оқ ёллари каби бўзранг тус олган осмонни эгаллаб олди. Қуёш юзини тўсди. Чақмоқ ярқираб, оловли қилич каби зулматни кесди. Фалак заминда одам болалари томонидан одам боласига қилинган зулмдан, шавфқатсизлик-

дан қахри кўзиб фарёд солди. Ўкириб-ўкириб йиғлади. Аччиқ-аччиқ ёшлар тўкди.

Боймуғамбет билан Какатой туни билан киприк қоқмай, оғаларини кутишди. Индамасдан кетадиган одати йўқ эди, кетса, манзилини айтиб кетарди, деб айтишди.

– Овулга қайтганида бизни бошлаб кетарди, оғамизни шу атрофдаги ёр-дўстлари кўноқ қилишаётгандир, – деб унинг йўлига кўз тикишарди.

Тонг отди, кун ёришди. Куёш тиккалади. Кун қизий бошлади. Абайдан дарак бўлмади. Йўлга боққан кўзлар толикди, юраклар ҳавотирга тўлди. Бир пайт олисдан йўртиб келаётган жийрон кўринди. На эгари, на эгаси бор. “Оғамизнинг тулпори-ку”, дейишди. Жонивор майсалар устига кўз ёшларини тўкиб, уларнинг олдига келарди...

– Не бўлди? Оғамиз қаерда? – сўради отнинг пешонасини силаб Какатой.

От оёқлари билан ер тепиб, пишқириб кейин кишнади.

– Абай оғамизга бир гап бўлган, – ташвишланиб деди Боймуғамбет. – Жийрон безовта!

– Жийрон ҳеч вақт оғамизни ташлаб келмасди, – деди Какатой.

– Бир фалокат бўлгани чин.

Боймуғамбет отнинг қулоқларига шивирлади.

– Оғамиз қаерда? Қаерга ташлаб келдинг уни, жонивор? Қани, бизни бошлаб бор-чи ўша ерга!

От оғзидан кўпик сачратиб, пишқирди. Бошини чайқаб, ёлини хурпайтириб, келган йўлидан кетиб борарди. Туёқларининг изига изини босиб борарди. Ора-сира бошин чайқаб, кишнаб кўярди. Иссиқда Боймуғамбет билан Какатойнинг томоқлари қахраб, зўрға нафас олишарди. Узоқ юрдилар, терга ботдилар, ҳолдан тойдилар. Осмоннинг түси ўзгарди, мамақолдирок қарсилла-

ди, самони чақин қайчилади, ёмғир қуйди, аммо тезда тинди. Боймуғамбет билан Какатой; “Бу бежиз эмас, Аллохнинг марҳамати”, деб ўйлади.

Жийрон тобора илдамларди, гоҳида пишкирарди, гоҳида кишнарди. Неча-неча довлардан ошишди, жарлардан сакрашди, жилғаларни кечиб ўтишди, ниҳоят, чўққига чиқдилар. Шўрлик Абай шу ерда эди, қуриган майсаларнинг устида, тупрокқа беланиб ётарди. Яқинда ёғиб ўтган ёмғир унга тириклик ото этганди. Боймуғамбет билан Какатой Абайни кўриб оҳ уришди.

– Сизга не бўлди, оғам? – сўради Какатой.

– Ким бундай аҳволга солди сизни? – деди Боймуғамбет.

Улар шоша-пиша арқонни ечишди, Абайни азобдан холос этишди.

– Отни келтиринглар! – буюрди оқин ўрнидан туриб, увишган қўлларини укалаб.

Тулпорни келтиришди.

– Йўл бўлсин, оға? Қаёнга борурсиз?

– Кўнгил берган ёримни излаб борурман!

– Бир ўзингиз а?

– Уни қутқармоқ эрлик бурчим.

– Биз ҳам сиз билан борурмиз! Ёнингизда бўлурмиз!

Абай “Ё, қудратли Аллоҳим, ўзинг мадат бер”! дея нара тортиб, отга миниб, яғринига қамчи солиб, Айгерим кетган томон елдек учди.

Бу овулда қасам улуғ ҳисобланарди, ҳеч ким уни буза олмасди. Ботиртой буни биларди.

– Ақлинг киргунча шу ерда ётасан, тавба тазарру қилсанг, Абайни унутдим, ичган онтларимдан тондим, десанг, озодсан! – деди синглисининг қўлларидан судраб, тошли уйга олиб кирган Ботиртой. – Унгача шу уйдан ташқарига чиқармаймиз, сув ҳам, нон ҳам бермаймиз!

– Ичимда ўт ёнар, бўғзимда зорим, сувсиз, нонсиз қолсам-да, қарор топгай аҳди паймоним!

– Кўрамиз, сенинг сабри тоқатингни, неча кунга ет-кай бардошинг!

– Мен бориб Қосимни бошлаб келаман! Сен ўз хоҳ-шинг билан унга тегмас экансан, у сени мажбурлаб хо-тин қилади!

Ботиртой шундай деб эшикни ёпиб, бандига қулф со-либ, чикиб кетди.

Айгерим эшикни оёқлари билан тепди, қўли билан муштлади, овозини қўйиб қичқирди:

– Эшикни оч, оға! Оч дедим сенга! Бу нима қилга-нинг! Эшикни оч! Мени қўйиб юбор!

Акаси қизнинг гапларига парво қилмади. Ташқарида турган алпларига шундай буюруқ берди:

– Мен келгунча Айгеримни бу ердан чиқармайсан-лар! Қочириб юборсаларинг, унинг ўрнига ўзларингни тикаман!

– Тушундик, оға. Хотиржам бўлинг, у бизнинг қўли-миздан қочиб кетолмайди.

Ботиртой эшикка қулф солиб, икки алпини остонада қолдириб, ўзи аллақерга жўнади.

Айгерим кимсасиз, қоронғу хонада танҳо қолди. Чиқишга имкони йўқ. Хонанинг тепасида бош сиғмас туйнук бор эди, шу жойдан бир чимдим офтоб нури ту-шиб турарди. Қизнинг хаёлидан Абай кетмасди. Сахро-да қўл-оёғи боғланган холда ёлғиз қолганидан юрагини ғам эзарди.

Қиз нозик бўйнини чўзиб ташқарига боқди. Тирик жон кўринмади. Куёш тобора исирди, ерни тандирдек қиздирарди. Бундай жазирамага одамнинг чидаши амри маҳол. “Бечорагинам, иссиқда жонинг қийналаётган-дир, бир томчи сувга ташна бўлиб ётгандирсан? Ўзинг қўлла, эй раҳмдил, Аллоҳим. Абай оғамга ёрдам бер, арқон азобидан озод қиладиган бандангни йўлиқтир. Жийронига миниб, қошимга учиб келсин! Мени озод

қилсин, иккимиз яна қўл ушлашиб, она юрт яйловлари узра от чоптириб, ўлан айтиб, муҳаббатнинг мангу таронасини куйлайлик. Севгимиз элға ошкор бўлсин, муҳаббатимизга ўзгалар ҳавас қилсин, мени Лайли, уни Мажнун десинлар”, дерди. Қиз тағин кўкка боқиб, тангри таалога нола айлади.

– Эй, қодир Эгам! Ёлвораман, офтобда ётган ёримга ўзинг раҳм айла. Унинг қай аҳволда ётгани ўзингга аён, ҳимоянгга ол, қутқар. Уни сенга, сенинг паноҳингга топширдим!

Айгерим толиқди. Оғзидан нам қочди. Қаро кўзлари жиқ ёшга тўлиб, киприклари ёш билан намланди. Деворга суяниб, ерга ўтириб қолди. Мамақолдирокнинг гумбирлашидан чўчиб кетди. Туйнукдан ташқарига бокқанда, куёш кўринмасди, самодан совуқ томчилар тушарди. Гоҳ қиялаб, гоҳ тик қуйган ёмғир ерни орзиқиб кутгандек устма уст ўпарди. Айгерим илтижолари таңгрига етиб борганидан дили равшанлашди. Ёмғир узоқ давом этмади. Ерни намлаб, қайноқ кўксини совутиб, кейин тинди. Қоронғу тушарди. Қиз кўнглини кўрқув чўлғарди, изтироб ўртафди.

– Абай оғанинг қўл-оёғини арқондан бўшатадиган одам йўлиқмаса-чи? Тунда бўри-кашқирларга ем бўлади-ку. Унга ёрдам бериш керак, – деб ташвишланарди тутқинда ётган қиз.

Шунда карами кенг Худонинг иккинчи мўъжизаси содир бўлди. Тулпор туёқлари кулоғига чалинди. Қиз туйнукдан мўралади.

– Вой, Абай оғам-ку! – қичкириб юборди Айгерим

Эшик олдида пайлоқчи бўлиб қолган икки алп ошиқ отиб, қимор ўйнаб, дилларини хушлаб ўтиришарди. Ўйинга машғул бўлиб, тулпор туёқларини эшитмай, Абай келганини кўрмай қолишди. Кўриб, энсалари қотиб, важоҳатидан хушлари учиб, Абайнинг юраги каби билагини бақувват эканлиги эсларига тушиб, қочиқ қолишди.

Абай севгилисига ётган хона эшигининг қулфини суғириб, ичкари кириб борди.

- Абай оға!..
- Мен келдим, мангу баҳорим.
- Севгимизни паймол қилмоқчи бўлдилар, бизни айирмоқчи бўлдилар, аммо айира олмадилар!
- Сенга айтгандим-ку, келаман, деб. Келдим, суюкли ёрим! Энди сени ташлаб кетмайман, сени ҳеч кимга бермайман. Менинг яғонам, менинг севгилим! Мен учун тўккан кўз ёшларингни қувончга айлантираман, – деди Абай.
- Кутаётгандим, оға Султоним!
- Энди биз биргамиз. Ҳеч ким бизни жудо қила олмас.
- Кетайлик бу ерлардан, осуда ҳаёт бор жойларга кетайлик, бизнинг қўшиқларимизга зор бўлган овулларга кетайлик. Абай оға, – деди Айгерим кўзларидан ёш тўкиб.

Қиз ўзини оқиннинг бағрига отди.

ХОТИМА

Абай оғамиз билан Айгерим янгамиз ўн йилдан кўпроқ умргузоронлик қилдилар. Оқин оғамиз ҳаётларининг сўнгги дамларида суюкли ёрларига суяниб қолгандилар. Ёр сийнасига бош ғўйиб, Аллоҳнинг омонотини топширдилар. Янгамиз садоқатга қул бўлиб, аҳдга вафо қилиб яшадилар.

Биз ҳикоя қилган кечада айтган ўланларни қоғозга тушириб, тумор қилиб, бўйинларига илиб олган эканлар. Оғамиз тушларига кирганда, дилларини кемирган соғинч дардига малҳам ахтариб, кўкдаги ой хусни хира тортган пайтлар, юлдузлар само саҳросида чакнаган чоғлар отга миниб, дала-дашт кезиб, оғамиз иккиси юрган йўллардан юриб, яйловларни кезиб, ўт-майсаларнинг устида от чоптириб юрдилар. Бу фоний дунёни тарк этиш онларида, уйғониб келаётган куёшга боқиб, бирга ўтказган бахтли дамларини эслаб, айтган ўланларини қуйлаб, жон берган эканлар.

Йўлингиз тушиб, Чингизоғ этакларига борсангиз, ёлғиз сахро кезсангиз, кулоғингизга сирли товушлар чалинади. Эътибор берсангиз бу Айгерим янгамизнинг овозлари эканлигини пайқайсиз.

Дардингда юраман,

Азоблар тортаман.

Мол тугул йўлингда,

Жонни ҳам бераман.

Абай оғамиздан жавоб қайтади.

Сенсан жон лаззати,

Кўрк тангри давлати.

Сулуви севмоқлик,

Пайгамбар суннати.

Айтишларича, Худо қўшган икки ошиқ айтган ўланлар Чингизтоғнинг тошларига, Қашқабулоқ сахросининг бағрига, ўт-майсаларнинг илдизига сингиб кетган эмиш. Кечалар, улар юрт севган, эл ардоклаган Абай оғамиз билан севги-садоқатда якто Айгерим янгамиз куйлаган ўланларни сийналарига сиғдиролмай, уларнинг тилидан бўзлашаркан. Қўшиқни эшитган ёдамлар унга “Муҳаббатнинг мангу қўшиғи”, деб ном беришган экан...

ОҚИННИНГ ОҲУ ЗОРИ

(Учинчи ҳикоя)

Тўйга фатво берилди. Абай Абишни (Абдурахмон) уйлантирди. Чингизтоғ этакларидаги овулларнинг биридан Сулаймон исмли татар танишининг қизи Мағрифани ўғлига олиб берди. Келин-куёв икки ойча бирга яшашди. Кейин Абиш Олмаотага жўнаб кетди. У подпоручик даражасидаги офицер эди. Кетар чоғи онасига “Мағрифа уй ишларида сизга ёрдамлашсин, таътилга келганимда олиб кетарман”, деб тайинлади. Кузда келганида ёри хомиладор эди. Оғир оёқли бўлгани сабаб, олиб кетишга Абишнинг кўнгли бўлмади. Шу кетганича беш ойча ундан хат-хабар бўлмади.

Мағрифа кўзларини ёр йўлига тикарди. Юраги бесар бўларди. Сабабини ўзи билмасди. Абайнинг ҳам кўнглига шубҳа оралаганди.

Қишнинг боши эди. Қор учқунлаб турган кун эди. Боймуғамбет Абайнинг хонасига кириб келди. Юзига ташвиш муҳр босган. Оқиннинг юраги жиз этди.

– Нима гап? – сўради овози титраб.

– Абишдан телеграмма бор, – жавоб қилди Боймуғамбет.

– Нима дебди?

Боймуғамбет кўксини куйдираётган бир парча қоғозни кўйнидан чиқариб, кўллари қалтираб Абайга узатди. Оқин унга кўз югуртирди. Ўқиётганда кўзлари олайиб, ранги бўзариб борарди. “Ота, икки ойдан бери касал эдим. Мағаш тезда олдимга етиб келсин, касалхонага ётмоқчиман”.

Икки қатор сўз отанинг юрагини ўртаб, ҳасрат оташига ташлади. Борлигини куйдириб, қовжиратиб юборди. Қора тўр юзи оқариб, кенг елкалари титради. Ўғлининг ҳаста бўлиб қолганидан изтиробга тушди. Кўркам юзи қулоб-қулоб ёшлардан нам тортиди.

Мағашни жўнатганидан кейин ҳам юрагидаги ғашлик тумани кўтарилмади. Беш вақт номозида Худодан боласига шифо сўради. Ташқарига кам чиқадиган бўлди. Уйқуси қочган кечалар бошини ёстикдан кўтариб, тўшак устига ўтириб, кўзини бир нуктага тикиб оларди. Тоғидан овқат ўтмасди. Ўзи сўзламасди, сўзлаганларга бош чайқарди. Буни кўрган яқинлари не қиларин билмай, дардига дармон тополмай қийналишарди.

Табиқди ва Уақ эли Абишнинг хасталаниб қолганидан хабар топди. Абайнинг олдида келиб, унга тасалли беришди. Олмаота билан Оқшўқиннинг ораси ўттиз беш бекат. Ҳар тўрт бекатнинг ораси юз чақирим. Отанинг икки кўзи йўлда.

Нихоят телеграмма келди. Ўқиди-ю, оҳ урди. Оҳи фалакка етди. Ичидан оташ чиқди. Оёқлари гавдасини кўтаролмади. Беҳол ва бемажол ерга ўтириб қолди.

Ўкириб-ўкириб йиғлади. Овози кўшни овулларга етди. Икки эллик қоғозга “Қадрдоним, меҳрибоним, отам, иним бу тунда қайтиш қилди. Ўз элимда, сенинг кўлингда жон берсам, жасадим боболарим мазорига қўйилса, деб васият қилиб эди”, деб ёзилганди.

Қишнинг чилласи эди, йўл олис, от-ароба юролмасди. Қор отнинг қорнига урарди. Довул ўқитарди, қор учқунларди. Совуқ зўрайганди. Тупурсанг муз бўлиб ерга тушарди. Абайнинг боши қотди. Элни йиғиб, маслаҳат солди.

– Болам “Жасадим боболарим мазорига қўйилса”, деб васият қилибди, – деди.

– Кунлар совуқ, йўлларни қор босган, жасадни вақтинча Олмаотага қўя турайлик, кунлар илиб, қорлар эриб, йўллар очилса туғилган маконига келтириб кўма-миз. Унгача дуо қилиб кутишдан ўзга иложимиз йўқ, – дейишди оқсоқоллар.

Абай-рози бўлди.

Кунлар имиллаб ўтарди. Баҳор яқин, осмоннинг туби очик эди. Тоғлар гулга бурканадиган думлар яқин эди. Уйғонган эпкин совуқни қувиб, ерни уйғотиб юборди. Қорлар эрий бошлади, сувлари жилға бўлиб жилдиради. Йўллар очилди. Мағаш, Какатой, Муолар салт от-арава-ларни ҳозирлаб, элнинг фатвосини олиб, йўлга чиқишди. Абай дарди дунёси ичига сиғмай кунларни қайғу билан, дард билан ўтказарди. Кечалар кўз юммасди. Киприклари илинса, боласининг қиличдек ўктам гавдаси, кулги яраш-ган юзлари, чакнаб турган қаро кўзлари кўринарди. Йўлга боқиб, оҳ уриб кўярди. Ичидан иссиқ ҳовур чиқарди.

Жасадни келтиришганда майнинг ўртаси эди. Абай кафанни очтирди. Абиш оппоқ бўлиб, ухлаётган ботир-дек ётарди. Сочларининг чети оқарган, кўл текканда тўкилиб кетди. Оқин ўғлининг манглайдан ўпди, юз-ларини силади. “Омонот, омонот”, деб у билан видо-лашди. Юрагидан отилиб чиққан фарёдни ташқарида-гилар эшитди.

*Оқ кафаннинг ичида оппоқ бўлиб,
Ётибди у азизим, шўрлик болам.*

Ичкарига яқинлари кирди. Улар ҳам Абиш билан шу тарзда видолашишди. Майкон билан Ўтеген кичкинагина, бироқ узайиб кетган Абишнинг жасадини илк бор кўз очиб, дунёни кўрган Окшўқининг бағрига, Абайнинг онаси Улжоннинг сағанаси олдидаги қабрга қўйишди. Катта юрак, оппоқ пок кўкрак устига тупроқ тортилди.

Жанозага Семейнинг барча овул ва шаҳарларидан, Олмаотадан одамлар келишди. Йиғламаган, куймаган жон қолмади. Бир ҳафтадан буён қовоғини солиб турган ҳаво шу куни очилганди. Чарақлаб қуёш чикди. Мағрифа бир кун хушсиз ётди. Абай овоз чиқармади, аммо кўзидан ёш тинмади.

Абишнинг ўлими Абайни эрта қаритди. Сақоллари бир кундаёқ оқарди. Алпдек қомати букилди. Кечалари ухламай, дўмбирасини қўлига олиб, ўлан айтиб чиқадиган бўлди. Қўшиқлари одам сийнасини тешиб юборар даражада таъсирли, дардли эди.

Баъзан дилидан шундай сўзлар кечарди: “Кун ўтди, умр ўтди, юрагимда дард алам қолди... Ёшим шу ерга етгунча яхши яшадимми, ёмон яшадимми, ҳар қалай яшаб келдим, умримнинг кўпи кетиб, ози қолди, бошимдан не-не савдолар кечмади: олишдим, юлишдим, айтишдим – ҳуллас бошга тушганини тортиб келдим Мана, энди ёшим қайтиб, қаридим, хоридим, ҳамма қилган ишларимда маъно йўқлигини, ҳаммаси шунчаки бир гап эканлигини кўрдим, билдим. Хўш, энди қолган умримни қандай қилиб ўтказсам экан? Элу юртга раҳбарлик қилсаммикин? Йўқ, эл мен кўрсатган йўлдан юрмайдми? Мол боқсаммикин? Йўқ, боқолмайман, керак бўлса бола-чақа ўзи боқиб олар. Муҳими ижодга қайтаман. “Евгений Онегин”ни тугатишим керак. Қозокча-русча луғат туза бошлагандим, у ҳам чала. Достонларим бор, қоғозга туширилмаган ўланларим бор. Шуларни ёзаман”.

Хаёлидан ўтган бу фикрлар Абайга қувват бўларди. Ижодхонасига кириб, қаламини қўлига олиб, оппоқ қоғозлар устига кўз ёшларини оқизиб, юрагидаги дардларини тўкарди...

Мағрифанинг юзи заъфарон тортиб, танасидан куч кетиб, охири йиқилди. Кўп ўтмай узилди. Ундан ёдгор бўлиб бир қиз қолди.

Абайнинг уйда ётиб қолгани халқни талайдиган, порахўр, амалпараст, ўғри ва қаззобларнинг зимистон юрагини ёритди. Барчалари ғимирлаб, беркинган тешикларидан чиқишди. Ўғирликлар, босқинчиликлар авж олди. Халқнинг аҳволи оғирлашди.

Овулларда бўлис сайлови яқинлашиб қолганди. Амалпарастлар бўлис бўлиш истагида халқни алдаб, куруқ ваъдаларни бериб, ўзларини ўзлари тарғиб қила бошлашди. Катта бийлардан бўлган Ўрозбой ўғли Медеуни бўлис қилишни, Самен эса қайта сайланишни хоҳларди. Ўезд бошлиқларига, Семейдаги тўраларга пора жўнатишарди. Иккиси халқни талаб, мол-қўйини тортиб олишдан чўчимасди. Кўрасидаги беҳисоб моллар халқнинг кўз ёшидан топилганди.

Эл ўз ярасига малҳам тополмагани учун Абайнинг ҳузурига чопар жўнатди. Ёлғиз оқингина уларни зўравонлар зулмидан ҳимоя қилиши мумкин эди.

Чопарлар Абайнинг уйига саҳарда етиб келишди.

– Ҳа, бу даргоҳга нечук бош суқдиларинг, тинчликми? – сўради хизматкор.

– Дардсиз, ғалвасиз бу ерга келармидик. Абай оғага икки оғиз арзи ҳол этгали Қўкше овулидан келдик.

– Унда кириңлар, Худо ишларингни ўнгидан келтирсин!

– Бу замонда Абайдек пок одам ҳаргиз топилмас.

Абай елкасига тўнини ташлаб ичкаридан чикди. Элчилар қўл қовуштириб таъзим қилишди. Оқин уларнинг саломига алик олиб;

– Ҳуш келибсизлар, муддаоингиздан сўзланглар! – деди.

– Сизга сиғиниб келдик, Абай оға. Юртнинг тирикчилиги, элнинг бахти сизда, – деди келгувчилардан бири. – Сиздан ўзга ҳимоячимиз йўк!

Қаршисида турганларнинг хурди-ҳоли, дарди, яраси, талаби, даъвоси битта эди.

– Абай мирза, бизга ёрдам бер, биз билан овулга юр, халқнинг аҳволини кўр. Элни золимлар чангалидан қутқар. Ҳозир халқнинг қайғуси оғир. Ўзимиз сайлаган бўлис ишончимизни кунпая кун қилди. аждаҳога айланиб, эл молини ютмоқда. Ҳаммамизни қон-қақшатмоқда. Халққа солиқ солиб, сўнгги бурдасини ҳам тортиб олмоқда. Одамларга ҳаддан зиёд зулм ўтказмоқда. Саменнинг зулми, азоблари барчамизни бирдек қаҳшатиб юборди. Бизга фақат сен ёрдам беришинг мумкин.

– У ўзини қудрат соҳиби, юрт эгаси деб билаётир. Қайфу сафога берилиб, одамлари қашқирдек уйимизга бостириб кириб, топган-тутганларимизни олиб чиқиб кетаётир. Бизни хавфдан асра, ундан ор-номусимизни қайтариб бер! Акс ҳолда одамлар ўлиши, овуллар пароканда бўлиши муқаррар. Халқ сенинг сўзингга маҳтал бўлиб турибди!

– Урозбой эса “Боламини бўлисликка кўтарасанлар”, деб зуғумини ўтказмоқда. У тирик экан жон ҳовучлаб яшашга мажбурмиз! – шеригининг гапига қўшимча қилди иккинчиси.

Чингиз бўлисининг эли чиндан жабрланиб, чиндан қаттиқ ўртанишганди. Қарқарали, Керек, Ўскемен, Зайсонг, Кўкпекти, Баён сингари шаҳарларда ҳам бу икки зулмкор томонидан мудҳиш жиноятлар содир этилаётганидан оқин огоҳ эди. Келгувчиларнинг гаплари Абайнинг юрагига тиздек урилди. Аланга олиб хўрсинди, халқ қайғусини, халқ зорини ўйлади.

– Бу ишлардан хабарим бор, – деди хўрсиниб оқин. – Яқинда бир аёл келиб эрини қалтаклаб ўлдиришганини айтганди. Тили билан дили бир бўлган, халқ манфаатини ўйлаган, пок виждонли одамлар бўлис бўлмас экан, халқнинг қора косаси оқармайди!

– Шундай! Ўрозбойнинг сурбетлиги чегара билмай қолди. Илондек қонимизни сўрмоқда. Унинг кимлигини билдириб қўймагунимизча бошимизга кулфат ёғилаверади. Ҳеч биримиз арзимизни айта олмаймиз, айтсак бошимизга қамчи солади. Арз-дод қилган одамлардан бирининг қўлини қайириб, чилвир билан боғлаб, чуқур қилиб ўрага ташлатди, бўйнигача кўмдирди. Шунинг учун қошингга келдик. Раъйимизни қайтарма, оға. Биз билан юр, элга борайлик, улар сенинг сўзингга маҳтал бўлиб туришмоқда!

Абайнинг кўкрагини қайғу тўлқини қоплади. Овулларда юзлаб, минглаб одамлар яшайди, уларни золимлар зулмидан асрашни бўйнидаги бурч деб билди. Оқиннинг ҳаракатларида асабийлик, доно кўзларида қайғу шарпаси акс этди. Унинг ўткир зеҳни чигалликларни осон ҳал қиларди. Лекин...

Абай кўнглидаги шум фикрни қувди. Одамлар ундан нажот истаб келса-ю, у бош тортса. Бу қандок кўргулик? Шўрлик халқ ҳақиқат қидириб, адолат излаб қаерга боради? Дардини кимга айтади? Элга ёрдам берадиган одам борми?"

Дилидан устози Навоийнинг шох байти ўтди. Бунни мадарасада ёдлаган ва тез-тез хаёлидан ўтказиб турарди.

Менга қилса жафо бир қатла фарёд айламан,

Элга қилса бир жафо юз қатла фарёд айларам.

– Халқ номидан қилинган илтимос мен учун қадридир! Овулларимизда тинчлик бўлиши, халқнинг фаровон ҳаёт кечириши учун жонимни беришга тайёрман. – деди у худди қаршисида Навоий тургандек руҳланиб.

Ўзини элга кераклигини, элсиз яшай олмаслигини тушуниб етган Абай белини боғлаб, «Бисмилло» деб, узангига оёғини қўйиб, отини миниб, икки йигитини ёнига олиб Кўнғир-Кўкше овулига йўл солди. Айгерим эрини қайтаришга юраксина олмади, бундай пайтларда унга бирор сўз айтишга қўрқарди.

Саман йўрға ўзи билган ва неча бор қатнаган йўлдан, туёқлари остидаги қордан намчиган тупрокни ҳамирдек ийлаб, йўртиб борарди. Ҳайбатли тоғлар улар ортидан эргашиб бораётгандек.

Совуқ эди ҳаво. Қоялар ортига беркинган изғирин уйғонганди. Кечагина жўшқин ҳаёт гуркираб турган яйловлар ўтган куни ёққан қор остида қолганди. Отлар қор юзига худди нақш солгандек тақали оёқларининг ярим доирали изларини муҳрлаб борарди. Аччиқ тили билан Абайнинг юзини яларди изғирин. Оқиннинг юраги шу изғирин каби хувилларди. Дилидан шундай сўзлар ўтарди: “Бўлислар билан бийларни ҳурмат қилай десам, шу кунларда элда Худо берган бўлислик билан бийлик ҳам йўқ. Сотиб, бош уриб, ялиниб олган бўлислик билан бийлик-да, хосият бўладими? Бундай бошлиқлар халққа эмас, улуғларга тобе бўлади. Ақлли-хушли, адолатли, ор-номусли, инсофли кишиларни топиб қадрлай десам, бундай кишилар эл ичида йўқ. Қувлик, шумлик, ҳаромлик, инсофсизлик, амалпарастликка келганда-чи, уларнинг ҳаммаси эслик бўлиб кетади. Халқ бўлисликка сайлайдиган одам илми бор одам бўлиши керак. Халқ учун мана шуниси зарурроқ. Шундагина эл бахтли ҳаёт кечиради. Қани эди қозоқ ёшлари илм-урфон ўрганишса”.

Чуқур ўйга толган оқин овулга етиб келди. Жамланган эл-улусни кўрди. Халқ тўлқини катта ҳис ва ҳаяжон саҳросида унинг йўлига пешвоз чиқишди. Одамларнинг кўзлари унга самимий муҳаббат ва ўтинч билан боқарди. Абайнинг баҳодирлиги, эл-юрт учун қилган ишларини барча биларди. Ҳамманинг юрагида унга чуқур муҳаббат уйғонганди. Одамлар уни олқишлар билан кутиб олишди, қуллуқ қилишди. Барчанинг ночор ҳаёт кечираётгани юз-кўзларидан билиниб турарди. Эгниларига йиртиқ-ямоқ кийим кийган, озғин, чеҳраси сўлғин болаларни кўриб, Абайнинг эски дарди уйғониб, юраги тутдай тўкилиб, чуқур хўрсиниб, бирдан қуйлаб юборди:

Қозоғим, шўрлик юртим, вайрон юртим,

Қоронғуда йўл топмай, хайрон юртим.

Ёмон билан яхшини фарқ қилолмай,

Оғзида ҳам қон, ҳам мой сарсон юртим.

– Абай отдан тушди. Халқ ўз дардини айтди.

– Аҳволимизни кўр, болаларимизнинг ҳолини кўр, Абай оға!

– Эл оч, қашшоқ. Кун сайин ҳолимиз хароб бўлмоқда!

– Самен ота-боболаримиз кўрмаган, кулоғи эшитмаган солиқларни солиб, кўрадаги қўйларимизга қўшиб эғнимиздаги кийимларимизни ҳам ечиб олмоқда!

– Қасам ургур Эгамга, халққа берган ваъдасига хиёнат қилди.

– Бунақада халқ кирилиб кетади!

– Ўзинг бизга йўл кўрсат, эй яратган Эгамнинг назари тушган, раҳмдил, оға!

– Самен халқнинг баданидаги канадек қонига қўшиб жонини суғириб олмоқда! Бу иблисдан бизларни тезроқ қутқар!

– Уни бўлисликка сайламаймиз!

– Оғаларим, бовурларим, опа-сингилларим! – хитоб қилди эл сўзини тинглагач Абай атрофини ўраб олганларга қарата, – Эл катталари бўлмиш Самен ва Ўрозбойлар оддий одамларни “Балли, балли, яхши ақл топибсан, мен сени бундай қилиб суяйман”, деб сизларни алдаб келаётгани менга ҳам аён. “Одамлар мен шунча жонман, уруғ аймоғимиз билан сизнинг хизматингизда бўламиз, тарафингизни оламиз”, деб кўпроқ ақча берса, у томонга ўтиб, ўз бошини, овулини, бола-чақасини кул қилиш билан овора. Ўғрилар, муттаҳамлар, ифвогарлар, ваъдабозлар орамиздан йўқолса, бу эл-юрт эс-хушини йиғиб олган, тирикчилик ғамига тушган бўларди. Бойлар молини боқиб, камбағаллар эҳтиёжини излаб, эл меҳнатга берилиб, ўз йўлини топиб олган бўларди. Афсуски, ҳозир халқ мана шу икки бўлмағур одатдан қутилолмаяпти. Бунимиз ким тузатади? Ким? Афсус... афсус...

– Тўғри!

– Абай мирза ҳақ гапни гапирмоқда!

Оқиннинг сўзини қувватлади оломон.

– Умрим бино бўлиб бу юртнинг тупроғидан аъло тупроқ топмадим, бу юртнинг элидан азизу мукаррам элни ҳам учратмадим. Золимлар элимизни қул қилмоқчи бўлсалар, янглишадилар. Адолат мангу, барҳаётдир, инсон азизу мукаррамдур. Муродимиз тинчлик, омонликдур. Адолат ҳам, келажак ҳам халқ тарафидадур! Самен билан Ўрозбойлар миллатимизнинг юрагига санчилган пичокдир. Бизлар биргаликда уларнинг зулмига қарши курашмасак, миллат бўлиб, эл бўлиб яшай олмаймиз!

Одамлар Абайнинг сўзларини худди оталарининг насиҳатларини эшитаётгандек қулоқ солишди. Ўзларининг жавоби билан кўкни кўтаришди.

– Тўғри!

– Ҳақ гап! Бир дардимиз минг бўлди!

– Пичок бориб суякка етди. Жонимизни ҳовучлаб яшаётирмиз!

– Золимлар зулмидан озод этиб, ғарб кўнглимизни шод эт!

– Аллоҳ сенинг ҳайрли ишларингга мададкор бўлсин!

– Биз аввало Худога, кейин сенга ишонамиз!

– Кўнгилларимизни имон нури билан ёритган Аллоҳнинг номи билан қасам ичиб айтаманки, адолат қарор топади! – деди Абай элнинг талабига жавобан. – Золимлар адолатли жазо олур! Овуллар бирлигини сақлаб қолурмиз!

Бу сўзларни эшитган, чуқур ғамдан бошлари эгилган одамларнинг руҳи кўтарилди.

Бу орада Самен аллақердан етиб келди. Ўрозбой шу ерда эди. Абай Саменга қараб:

– Сен эл эгаси бўлмай, эл яхшиси аталмай, элдан садаға кет! Элни талаш, хўрлаш бўлиснинг иши эмас! Элни таҳқир гирдобига ташлама! Эл сени адолат ўрнатади деб, бўлисликка сайлаган. Элнинг ишончини

окламадинг. Халқни эзма, қул қиламан, деб ўйлама! Улар сендан бешиб, ўз овулларини ташлаб, бегона жойларга кўчиб кетишмоқда. Мен сени инсофга, адолатга чақиргани келдим! – деди.

Бу гап Саменнинг юзига қамчидек урилди. Қалбини тимдалаган алам, сабр косасини тўлдирган аччиқ ҳасратдан лаблари пирпираб учарди.

Абайнинг сўзида жон бор эди. Самен золим табиатли, дағал одам эди. Ўтган сафарги сайловда бўлис бўлиб, элнинг бўрисига айланганди. Камбағалларни йиғлатиб, аёлларни зорлатиб, болаларни чирқиллатиб, йўлига юрмаганларни қамчилаб, кўпчиликнинг мол-қўйларини тортиб олганди. Овулларга хужум қилганди, ерига ўт қўйганди.

– Абай, сен юрт ҳукмдоримисан-ки, халқ номидан гапирасан? – деди Самен барчанинг эътиборини ўзига қаратмоқчи бўлиб.

– Мен юртнинг эмас, сен талаётган элнинг ҳаласкориман! – жавоб қилди оқин

– Сен қаерга етарсан, қанчага борарсан, билмайман, аммо бир фалокатга гирифтор бўлишингни дунглим сезиб турибди! – киноя билан гапирди Самен.

Бу сўзларни эшитиб, Абайнинг авзойи ўзгариб, кўзларида ғазаб нишонаси чакнаб, вужуди қалтираб кетди.

– Бийликни ким қўйди сенга, Самен. Халққа жони ачийдиган бўлис одамларни таламайди. Сенда адолат йўқ, инсоф йўқ, халқнингга меҳр йўқ. Овул учун сен ойна бўлишинг керак. Юрт учун, эл учун хизмат қилмасанг, нечук бўлис бўлиб сайландинг? Оч қолган қашқирдек элни талашдан ўзга ишинг йўқ! Яна бўлис бўлишни истайсанми! Хайф сенга!

– Эй, Абай, қозоқларнинг “Одам иши билан эмас, кишиси билан улуғ” деган мақолини эшитмаганмисан? Менинг атрофимда ўрис тўралари, уезд бошчиқлари, ҳарбий губернаторликдаги яқинларим бор. Бўлисликка сайлаган одам биринчи йили халқнинг “Сени ўзимиз сайламаганмидик”, деган таъна-тазиқлари билан

яшайди. Иккинчи йили ўрнингга сайланадиган номзод билан олишув бошланади. Учинчи йили эса сайловлар яқинлашиб қолгач, қайта сайланишнинг иложи бўлмасмикин, деган ташвиш билан ўтади. Хўш, мен нима қилишим керак? Сарфлаган пулларимни ким тўлайди?

– Сени эл эмас, пулларинг сайлаганини мана бутун ўзинг тан олдинг. Семейдан келган тўраларни қандай кутиб олганинг ва уларнинг қўйнига қанча ақча солганинг бутун элга аён!

Оломоннинг “Тўғри, ҳақ гап” деган овозлари мамақолдироқдек гумбирлади. Бу сўздан Саменнинг ичида алам титроғи кўзғолиб, кўз олди қоронғулашди. Сап-сарик юзлари гезариб, кўзлари қинидан чиқар даражага етди.

– Буни яқинда бўладиган сайлов кўрсатади! – деди у шовқин босилгач.

– Бу галги сайловнинг адолатли ўтишини ўзим назорат қиламан! Бундан кейин кўкрагида ўти бор, эр йигитлар бўлис бўлади. Огоҳ этиб қўяй, эсингни борида этагингни йиғ. Халқни талама, яйловига ўт қўйма. Ўлсанг, шу халқ тупроққа қўяди.

Абайнинг кескин сўзлари Саменнинг юрагига ваҳима солди. Ҳозир оқин билан тортишиб ўтиришнинг мавриди эмаслигини тушунди ва секин ўзини четга тортди.

Абай кетиш олдидан халққа шундай йўл кўрсатди.

Ўзи билан ёвлашган юртим тингла!

Ўзи билан довлашган юртим, тингла!

Дардингга даво бўлсин ўланларим,

Бир-бирини овлашган, юртим тингла!

Наҳот сенда қолмаган номус ва ор?

Наҳот номус ва инсоф эмас даркор?

Теран ўй, теран илм йўлинг очсин,

Ёлгон ўлан ва сўздан олам безор...

Эл оқинни кузатди. Абай одамларнинг қалбида сўниб бораётган умид чироғини ёқиб кетди.

Самен билан Ўрозбой оломоннинг ичидан ажралиб чикди-да, анча жойгача жим кетишди. Иккисининг юрагини ўзларига аён бўлган дард кемирарди.

– Айтгандим-ку сенга, ёвнинг каттаси ичимизда, қозокларнинг йўлбошчиси шу деб! У иккимизни йўқотиш мақсадида элни бизга қарши қўймоқда.

– Душманингга ачинсанг, пайт пойлаб орқангдан ханжар уради.

– Шунинг учун ҳам уни жазосиз қолдирмаслик лозим! Гапини эшитдингми? Сайлов куни “Ўзим шу ерда бўламан, ўзим назорат қиламан” деди.

– У юртга доврўқли бўлиб кетмоқда. Олов билан ўйнашмаслик керак. Абай оташ. Унинг бағрини, вужудини халққа бўлган муҳаббат ёндирмоқда.

– Унинг жонини ўзим оламан. Абай дунёни кўзларимга тор қилди. Кўнглимда қасос ўтидан бошқа нарсага ўрин йўқ! У қачон адолатдан сўз очса, тинчим бузилади.

– Абай элни бузади, ғаламислик қилади. Агар сайлов куни келадиган бўлса, халқни сенга қарши қўяди! – деди тишларини ғичирлатиб Ўрозбой.

– Ҳали вақт бор, умид бор иним. Бизнинг оптимизда Ўскемен, Зайсонг, Кереку, Қарқаранинг қазо-қазо бўлислари, атоқли ҳожилари турибди. Эл Абайни эмас, уларнинг гапига қулоқ солади.

– Бирок эл уларга ишонмай, гапларига қулоқ солмай қўйган. Қайси шаҳарда қиз узагилса, келин туширилса, хайит-тўй, ўйин-кулгу бўлса, Абайнинг шеърлари, ўланлари айтилмоқда. Бозорларда, одамлар “Бу гапни Абай оға айтган, бу Абай оғанинг сўзи”, деб юришибди. Қозокнинг бор яхшиликларига тили тегиб, гапи ўтиб қолди. Гердаийб, ҳаддидан ошиб кетганининг сабаби шу. Сен айтган қазо-қазолар ҳам, улуғлар ҳам, ҳожилар ҳам Абайни ўзларидан ортиқликларини билиб, ташвиш чекишмоқда.

Оқиннинг хурмати кун сайин ортиб, эл орасида шуҳрат қозаниб бораётгани овулдан овулга ўтиб, бутун Семейда таниқли одамга айланиб бораётган эди. Русча, мусулмонча ўқиётган болалар ҳам Абайнинг шеърларини севиб ўқишарди, эл унинг изидан эргашарди, айтган гапларини ҳеч ким ерда қолдирмасди. Бундан Ўрозбой билан Саменга ўхшаганларнинг ичига чўғ тушарди. Айниқса, Ўрозбой оромини йўқотганди. “Абай бор экан, ўғлим Медеу бўлисликка сайлана олмайди. Қандай қилиб бўлмасин элни ўз томонимга оғдиришим, Абайга қарши кўйишим керак”, деб ўйларди. У кўнглига келган гапни Саменга айтди:

– Бу ўйинга тезда чек қўймасак сен бўлис бўлолмайсан! Агар Абай келиб, сайловни назорат қилса, ғолиб чиқолмайсан!

Саменнинг юзи оқариб кейин кўкариб кетди. Бўйинини елкалари орасига қисиб, худди йирткич ҳайвондек шеригига юзланди.

– Ташвишланма, бизга арслонлар бас келолмайди. Мен бари бир бўлис бўламан. Халқни эса йўлга солиш қўлимдан келади. Уларнинг қорни тўйса бас! Гапимизга кирмаганларга пул берамиз, ўжарлик қилганларни қамчи билан эсини киритиб қўямиз! – деди Самен.

– Бепарво бўлмаслигимиз керак, эл Абай кўрсатган йўлдан юради, ҳатто болалар ҳам, у мисоли оташ. Унинг бағрини, вужудини халққа бўлган муҳаббат ёндирмоқда! Уни асло тўхтатиб, аҳдидан қайтариб бўлмайди, – деди Ўрозбой.

– Бизга хиёнат қилганлар жазосиз қолмайди! – тантанали овозда деди Ўрозбой

– Чўнтагингда пул бўлса, мулодинга эришасан, – жавоб қилди Самен.

– Тезроқ чорасини кўришимиз керак.

– Хавотир олма, ҳаммасининг чораси кўрилади. Атрофимизда бой-боёнлар, бийлар бор экан Абай жазосиз қолмайди.

– Абай шу пайтгача ўз овулдошларига нима деган бўлса, қандай ваъдаларни берган бўлса, ҳақ бўлиб чиқмоқда. Ҳатто бўлис ва уезд бошлиқларидан рухсат олмасдан генерал-губернатор жанобларининг хузурига кириб, халқ дардини айтмоқда. Унинг бундай қилиши сен билан бизнинг обрўимизни тўқади. Генерал жаноблари бизни сариқ чақага олмай кўяди.

– Биз унинг оғзини шу пайтгача пул билан ёпиб келдик. Бундан кейин ҳам шундай қилаверамиз!

– Самен, бу гапинг хато?

– Хато? Нега хато бўлар экан? Ўрис тўралар Абайдан кўра менга кўпроқ ишонишади.

– Илгари шундай эди, ҳозир соат сайин замон ўзгармоқда. Ўрис тўраларнинг ичига қурт тушиб қолган. Россиянинг кўпгина шаҳарларида оддий қора халқ пошолукка қарши исён кўтармоқда. Бу бизга ҳам етиб келган. Генерал-губернатор жаноблари халқнинг исён кўтаришидан ёмон кўрқади. Унга халқни босадиган, гапи билан одамларни ишонтира оладиган кимсалар керак. Абай айнан генерал жаноблари кутган одам. Уни халқ яхши кўришини билади. Эшитишимча, яқинда у Абай билан учрашганда, унга ов милтиғини совға қилибди.

Саменнинг бошидан ақли учиб, нима дейишини билмай тили қотиб қолди.

– Тезда бунинг олдини олишимиз керак, – ташвишли овозда гапида давом этди Ўрозбой, – Абайни ўрис тўраларнинг кўзига ёмон кўрсатадиган баҳона топишимиз керак.

– Бунинг йўлини топдингми?

– Топдим!

– Гапир! Ғанимимни эл ичида шарманда бўлишини кўриш менинг олий мақсадим!

Ўрозбой қадамини секинлаштирди. Бошини эгаб, чуқур ўйга толиб турди-да, Саменга юзланди.

– Иккита йўл ўйлаб қўйганман, биринчиси, ўзимизнинг ишончли одамларимизни Абайнинг овулига жўна-

тамиз, у одамлар ўртасида бир-бирларига қарши нифок уруғини сепиб келади. Бу уруғ худди алангадек гурил-лаб, ҳар тўрт овулни ямлаб ташлайди. Одамлар қалбида Абайга нисбатан нафрат уйғонади. Иккинчиси эса...

Ўрозбой қуриқшаган лабларини йирик тишлари орасига олиб жим қолди. Самен тоқатсизланди. Ўрозбойнинг гаплари унга мойдек ёқаётган эди.

– Хўш, иккинчиси нима?

– Иккинчиси – бу фитна!

– Фитна?!

– Шундай! Шу йўл билан биз мақсадимизга осонгина эришамиз, – деб йўл кўрсатди Ўрозбой.

Кўнғир - Кўкше кўнисда сайлов ўтказиладиган бўлди. Яйловга бўз ўтовлар тикилди. Саменнинг кўнгли тўк эди. “Элга қўйиб берса, мен сайловда ютиб чиқаман, бўлисликка ўзим тайинланаман”, деб ўйлаб, ичида семириб юрарди. Ўрозбой сўзининг устидан чиқди: губернаторга хат юборди. “Ёмон Тўбикди”дан бой ва бийларни, обрўли кишиларни, элга сўзи ўтадиган эликка яқин одамларни эргаштириб келди. Улар Саменнинг уйида гердайиб ўтиришарди. Оғлар сўйилганди, дастурхонга бешбармоқ, қазии-қартаглар тортилганди. Шубатлар ичиларди. Кўнонбой ўғли Абайни тилларидан нам кетгунча ёмонлашарди.

– Абай ўлмагунча ҳеч биримиз эркин нафас ололмаймиз. Ҳаммамизнинг бошимизни тағи-туғи номаълум, хуни йўқ бир қашшоқнинг, бир Кўкшенинг қанжуғасига боғлаб беради”, – деди ўтирганлардан бири.

– Унинг бўлис бўлишига асло йўл қўймаслигимиз керак. У ёки унинг одами бўлис бўлса, овулларимизнинг бирлигини ва яхдиллигини ҳимоя қилади, – деди бийлардан бири.

– Бундай таклифни ўрис тўраларга айтса, албатта улар маъқуллашади.

– Элнинг бирлашишига, Абайга эргашишига йўл қўймаслигимиз даркор. Худо кўрсатмасин улар бирлашса, овулларимизда исён кўтарилади. Чорваларимизни, ерларимизни яланг оёқлар тортиб олишади.

Ҳар бир айтилаётган гап одамларнинг юрагида ваҳима кўзғатарди. Ўтирганлар Абйнинг кимлигини, халқ унинг учун жонини беришга тайёрлигини яхши билишарди.

– Агар бўлислика Абай ёки унинг одами сайланадиган бўлса, сизу бизларни Сибирга хайдатади. Чорваларимизни қашшоқларга бўлиб беради!

– Бунинг учун нима қилишимиз керак? – деди юраги кўрқувдан гурсиллаб ураётган бойлардан бири.

Хонага бир сониялик жимлик чўкди. Ўтирганлар қарорларини айтишлари лозим эди. Лекин ҳеч кимдан садо чиқмади. Ниҳоят овул оқсоқоли Эсентой кўзларини ерга тикиб:

– Абайнинг олдида иккита йўл бор. Биз томонга ўтиб, эртага сайлов пайтида элнинг олдида чиқиб, “Самен учун овоз беринглар”, деб халқни биз томонга оғдириб беради ёки ўлимга маҳкум этилади. Таклифимга қўшилганлар қўл кўтарсин! – деди паст овозда.

Абайнинг келгани, бир камбағалнинг уйига қўнгани Ўрозбойнинг қулоғига етиб борди. У шу заҳотиёқ Саменнинг олдида чопди. Ўрозбой ичкарига кириб келганда бой ва бийлар қўл кўтаришга иккиланиб турганди. У остонада турганча ит қувган соқовдек хансираб нафас оларди. Қирғий бурни, буврикқан юзи нафратангиз тусга кирганди. Овул оқсоқолларидан бири Эсентой сўради:

– Нима гап, нега илон чаққан одамдек кутинг ўчган? Ўрозбой бу гапдан ўзига келгандек бўлди.

– Абай келди! – деди тикилиб турганларга қарата.

Бу сўз барчанинг юрагини товонига туширди. Кўзларида ҳайрат учкунлади. Самен еб тургани оғзида, ютгани бўғзида қолди.

– Нима дединг? – сўради катта-катта кўзлари олайиб кетган Эсентой.

Ўрозбой сўзини такрорлади.

– Оқин кексайганда, кучдан қайтганда ҳам ниятидан қайтмабди-да! – деди кимдир.

– Абай ҳеч кимга бўйсинмайди. Унинг дўсти халқ. Халқ эса Абай учун ўртаниб куяди.

– Йўлимда тиззаси қалтираб турадиган халқ ҳали менга қарши чикмоқдами? Ҳаммасини қираман, нимта-лаб ташлайман, овулига ўт қўяман!

– У бу ерга дўмбира чертиб, ўлан айтгани эмас, сайловни бузгани келган! – деди бошқа биров.

– Менга қарши турган ҳар қандай одамнинг бошига итнинг кунини соламан! – кичқирди бурчакда ўтирган Самен.

– Яқинда халқ ичида бий ва бўлисларга қарши бир шеър ўкиди! Мана, эшитинглар!

Бий бўлди қийқим бойлар бош-бошига,

Дог солди, заҳар солди юрт ошига.

Қўрқаман асоси йўқ кўр сингари,

Элим унар бузуклар алдашига!

Даврадагилар “оҳ, баттол, оҳ ярамас”, деб кичкиришди.

Юқорида айиқ пўстагида ўтирган бийлардан бири:

– Абайни ўлдирмасак бизга тинчлик йўқ. У оёғимизга тишов бўлмоқда! – деди қўлидаги қимиз тўла косани ерга қўйиб.

Рангидан қон қочиб, тоқати ток бўлган Самен қўлидаги қимизни сипқариб, идишини ерга қўяр экан:

– Қон ичадиган қасд душманним Абай десам унинг бу ердаги ҳамтовоқлари ҳам экан-да. Уйидан жой берибди-да. Уни бу ерга ажал ҳайдаб келибди-ку! – дея ғазаб билан ўшқирди. – Ҳозир бориб ҳаммасини ўлдираман, кунини кўкка совураман! Мен эгнимга қонли кўйлак кийдим, қўлимга чўкмор олдим, деб онт ичгандим. Абай мақсадидан қайтмайдиган бўлса, ичган қасамимни адо этмасам ит бўлай!

Самен ўрнидан ирғиб турди. Ўзини ташқарига отди. Атрофидагилар ҳам гезаришиб, бўзаришиб ўринларидан кўзғолишди. Ўнтача одам Саменга эргашишди. Уларнинг қўлида камчи, чўкмор, баъзиларида ханжар бор эди. Эсентой остонада Саменнинг қўлидан ингичка камчисини тортиб олиб:

– Самен, қўл ботир бўлмагунча, юрак ботир бўлмас, – деб унинг қўлига ўзининг саккиз арқоқли, “бузок тиши”, деган йўғон камчисини тутқазиб қўйди. – Этдан ўтиб суякка етган аламимиз бор. Асти аяма, раҳминг ҳам келмасин! Шундай жазолагинки, бизнинг ишларимизга қайта бурнини сукмасин!

Самен эшикни тепиб, ичкарига ёриб кирди ва тўрида ўтирган Абайга камчи ўқталганича таҳдид солиб бақирди.

– Саменнинг жаҳаннамига хуш келибсан, Абай. Мен сени кутаётган эдим, ажал оёғингдан судраб келибди-да. Сен қачонгача бизнинг ишимизга аралашасан, бурнингни тикасан, ит! Эл ардоқлаган киши бўлиб, шон-шуҳратга маст бўлиб, бизларни менсимай қўйдингми? Ўлдираман. юрагингни суғуриб, итимга едираман! Сенинг кунинг битди! Энди бу ердан соғ кетолмайсан!

Абай пинагини бузмади, ранги ўзгармади, аммо халққа ситам қилгувчиларга бўлган ғазаби юрагида қайнаб тошди.

– Бу гапларинг билан мени кўркитмоқчи бўлсанг янглишасан, Самен! – деди бунга жавобан эл суйган окин. – Бундан кейин бўлисликка юрт ишини ўз манфатлари учун восита этмоқчи бўлганлар эмас, балки халқамини ейдиган виждонли кишилар сайланади. Мен умрим охиригача шундай бўлиши учун курашаман, адолат ҳамда ҳақиқат қўшиғини куйлайвераман. Тирик эканман ҳеч ким, ҳеч қачон мени халқимдан жудо қила олмайди. Сенларнинг ниятинг, мақсадинг мисоли сув остидаги балчиқ! Сенларнинг касофатингга халқ жабр кўрмоқда. Билиб қўй, ҳақиқий куч-қудрат зўравонлик-

да эмас, яхшиликда, эзгуликда. Яқин кунлар ичида сенларнинг кунинг битади. Янги замон келади!

Абайнинг сўзлари Саменнинг ичига титроқ солди.

– Шариатга ширк келтирма, иблиснинг ноғарасига ўйнама, Абай! Бировлар охир замон келади, деса ишонаман, аммо сен айтган яхши замон қачон келади? Бу қора халқ кунини зўрға кўриб юрган бўлса-ю, қандай қилиб бахтли замонни кўради? Сен ҳам, манови ўтирганлар ҳам ўша кунларни кўрадимиз ёки ернинг остида суяги чириб кетадими? Буниси Худога аён. Куч-қудрат мана бунда! – деди у кўлидаги қамчини боши узра кўтариб.

Абай хиёл ўйланиб турди-да, жавоб қилди:

– Эй, шайтонга дўст тутинган, Самен, ғуруринг ҳақиқатни тан олишга тўсқинлик қилмоқдами? Худодан кўрк, бандадан уял! Ибратни яхшидан ол. Адолат ҳукмрон бўлган, ҳақиқат тантана қилган замонни биз кўрмаслигимиз мумкин, аммо ёшларимиз, албатта, кўрадилар. У кунларга яхши ҳам, ёмон ҳам етар! Менга қолса, сен ўша кунларни кўрсанг, деб умид қиламан.

Саменни тошдай қотиб, бўздай оқариб кетган юзидан шу топда ҳеч нарсадан қайтмаслигини билиш мумкин эди.

– Сен ярамас ҳали бу ерда халқ ошига заҳар солиб, пошоликка қарши сиёсат юргиза ётибсанми?! Пошо тузумини ағдармоқчимисан? Ҳа, сен ҳам пошони, ҳам бий ва бойларнинг душманисан! Одамлар онгига биз ҳақимиздаги ёмон, маҳдуд, разил фикрларингнинг сингдирмоқдасан? Эсингда бўлсин, элни биз боқмоқдамиз, биз кийинтирмоқдамиз! Кимки бизга қарши бўлса, йўлимизга тўсиқ бўлса, оёқларимиз остига олиб тепкилаб, янчиб, ерга қозиқ қилиб қоқамиз! Сенинг кунинг битди, итдек ўлдираман. Агар тирик қолишни истасанг, эрталаб сайловда элга “Мен Саменнинг бўлис бўлишини ёқлайман, унга овоз беринглар, бизга бошқа бўлис керак эмас”, деб айтасан. Шунда биз сенга тегмаймиз,

омон қоласан, дўмбирангнинг қорнини қашлаб, ўланнингни айтиб, овми халқни алдаб юраверасан!

Абайнинг юрагини ғазаб булутлари босди:

– Бошимга жабр тоғларини ағдарсанг ҳам мени ўз йўлингга сололмайсан. Қозоқ халқи учун, шу юрт учун жонимдан кечишим, жонимдек азиз бўлган овулимдан кетишим мумкин, аммо сендек эл душманларига таслим бўлмайман. Эр йигитнинг эгилгани ўлгани. Шундай экан ҳеч ким, ҳеч қачон мени аҳдимдан қайтаролмайди. Бу халқ мен учун ўртаниб куймоқда, ўзининг ҳимоячиси деб билмоқда. Мен уларнинг ишончини оқлайман, яхши ёмон кунларида ёнларида ҳамдам бўламан, деб қасам ичганман. Шундай экан мен нечун сендан кўрқай, нечун сени ёқлай! Аксинча, сендек қонхўр ва зулмкорлардан қозоқ халқини ҳимоя қилмасам, ким деган оқин бўлдим? Шунча пайт элнинг қонини сўрдинг, молини таладинг! Бас, энди бу юртда одамлар хўрланмай, сендек порахўрларга, амалпарастларга оёқ ости бўлмай яшайди. Атрофингга боқ, қанчадан қанча одамлар оч, қашшоқ, қишда егулиги йўқ, очликдан шишиб ўлмоқда. Сенлар буни кўра била туриб, юзингни тес буриб, кайфу сафо қиласанлар! Сенларни халқнинг қандай яшаётгани эмас, уларнинг қўлидаги бойлик, мол-дунё қизиқтиради. Сўнгги ақчасини ҳам тортиб олишни ўйлайсан! Элнинг кўнглига етказган жароҳатингни ҳеч ким, ҳеч қачон юволмайди! Ҳиёнатингни ҳеч ким кечирмайди!

– Буни кимнинг номидан гапиряпсан, Абай? Айтаётган гапларингни қулоғинг эшитяптими? Индамасам жағинг очилиб қолди. Молникидек узун, илонникидек заҳарли тилинг бугун бошингга етади! Айтаётган гапларингни бўйнингга сиртмоқ қилиб илиб қўяман! – овчининг тузоғига тушгандек типирчилади Самен. Унинг қиёфаси худди таланган итнинг аҳволига ўхшарди.

– Сени янглишиб бўлисликка сайлаган, дастингдан қон ютуб юрган эл номидан гапираётирман!

– Сен кимсанки, қора халққа жон куйдирасан? Ўз жонингга қайғур, итдек ўлиб кетсанг, булар байрам қилади!

– Мен мусулмонман, мусулмон бўлиб яшадим. Йўл-бошчим Куръон бўлди. Иккисига болалигимдан меҳр ва муҳаббат қўйдим. Куръон ва ҳадис кўрсатмаларига амал қилдим. Динимизнинг инсонпарварлигини элга тушунтирдим!

– Ахир мен ҳам мусулмонман-ку! Мусулмон бўлиб яшадим-ку!

– Тўғри, мусулмонсан, бироқ эътиқодинг суст, мусулмончилик амалларига риоя қилмайсан! Халқни талайсан, қароқчидек борини шиласан! Ислоннинг халқпарварлигини, раҳмдиллигини, бағри кенглигини била туриб бунга амал қилмайсан. Бу ишларинг билан ўзингни гуноҳкор, золим эканлигингни кўрсатиб қўйдинг!

Самен нима дейишни билмай, тили курмакланиб қолди. У билан айтишиш фойдасиз эканлигини тушуниб жим қолди. Бу жимлик унинг фойдасига эмас, балки, атрофини ўраб турган одамлар олдида шарманда-ю шармисор қилишига кўзи етиб, оқиннинг обрўсини тўкадиган, кўпчилик олдида уялтирадиган сўзлар излади.

– Э, мияси айниган аҳмоқ! Эй ақли-хушидан айрилган девона! Ҳар бир одам бой-бадавлат бўлиш, яхши яшаш учун, мол-дунё тўплаш учун ўзгалар устидан ҳукмронлик қилиши керак эмасми? Пули кўпнинг димоғи биланд бўлади. Бу ҳаётнинг азалий қонунини-ку. Токи бойлик ва амал мавжуд экан, инсонлар шу тарзда яшаб, курашиб келаверади! Бизга қарши чиққанлар, ҳаётнинг бу темир қонунини бузмокчи бўлганлар эса, етти букланиб, ер тубига кириб кетаверади! – деди кўзи қонга тўлган Самен.

– Мен эл ҳалоскориман, азим тоғдек халқимни талайдиган сендек босқинчилардан ҳимоя қиламан! Сен айтган ҳаёт қонунлари одамларни талаш бўлса, мен бундай қонунга тупураман! – ҳозиржавоблик билан деди ичи ҳақсизликка қарши ғазаб билан тўлган Абай.

Фикрлар беллашуви авж олганидан авж олиб борарди, ёвузлик билан ҳақиқатнинг азалий маъно ва мазмун товланишлари янгилари билан бойирди.

– Адолат, адолат дейсан, қани ўша адолат? Менга кўрсатчи? Кўрайин уни! Қаерда!

– Дунё азоб-укубатлардан иборат эмас. Сен ўйлаганчалик разолат ва ярамасликларга ҳам тўлиб тошмаган. Дунёни яхшилар ва уларнинг юрт, халқ олдидаги ҳалол меҳнатлари асрайди. Шундай экан халқнинг тақдири учун ҳаммамиз бирдек жавобгармиз. Адолатсиз ерда зулм кўринмайди, зулимнинг бетини адолат очади. Халқ очади. Буни унутма, Самен! Иншооллоҳ, яқин йилларда янги даври-даврон бошланур, Кутлуғ кунлар келур. Овулларимиз устидаги қора булутлар тарқаб кетур, зулматли кунлар кетиб, ёруғ кунлар келур, юрт осмонида юлдузлар чакнаб, ой балкиб, қуёш порлаб, разолат чекиниб, ҳақ барқарор бўлур, мазлумлар, мискинлар йўлига НУР тўшаб, қозок элига бош бўлиб, эзгулик ва тенглик улашиб, азамат бир СУЛТОН келур. Ўшанда сен ўйлаб топган ҳаёт қонунлари батамом йўқ бўлиб, сен оёқ ости қилмоқчи бўлган адолат тикланур, сен қул қилмоқчи бўлган элнинг оёқ-қўлларидаги қишан парчаланиб, тинчликда, озодликда яшар! Ўша СУЛТОН элни ҳур айлар, одамларни тенг қилур, инсон деган кутлуғ ном азизу мукаррам бўлур, қашшоқлар, мискинлар, етимлар шу ўлканинг эгасига айланурлар, тинч, осуда ҳаёт қўйнида яшарлар, қозоқнинг шуҳратини дунёга танитур! Ота-боболаримиз азизу мукаррам айлаб, қўз қорачиғидек асраб, авайлаб келаётган бу заминни буюк ва қудратли давлат қилур. Устимиздан қулмоқчи бўлганлар, бизларни мустабит этмоқчи бўлганлар ўшанда бизнинг кимлигимизни билурлар, қудратимиз олдида таслим бўлурлар!

Абайни ифтихор билан айтган сўзларига Самен мийиғида қулиб қўйди.

– Мен сени ғирт бузғунчи, аҳмоқ десам, қароматгўй ҳам экансан-ку!

– Ҳа! Айни шу дамда барчамизни яратган, танамизга жон ато этган, онг, ақл берган Қодиру Мавлон ўзи НАЗАР солган юзи НУРли СУЛТОН амалга оширадиган буюк ишларини дилимга солди!

– Бас! Жаҳаннамни орзу қилма! Тилим бор, деб ҳар сўзни валдирайверма! Сен мен айтган йўлга юрмадинг. Энди ўзингдан кўр! Дунёни кўзингга тор қилиб қўяман! Сени ўлдирмаганимдан эртага пушаймон бўлмайман! – бирдан жазаваси тутиб, кичкириб юборди Самен.

Абай ўз халқини қоронғуликдан ёруғликка олиб чиқадиган маёқ бўлишдан асло чўчимасди. Такдир бошига ҳар жафоларни солиши мумкин бўлган бу қаро кучлардан кўрқиб орқага қайтса, халқ олдида нима деган одам бўлади? Самен ҳозир уни калтаклаб, майиб-мажруҳ қилганида ҳам, хўрлаб, ақлдан оздирганида ҳам, нотовон бир аҳволга солиб қўйганида ҳам адолатни ёқлайди, ҳақ сўзни айтади. Ёвузлик ҳеч қачон ҳақиқат билан ёнма-ён яшай олмаслигини кўрсатиб қўяди унга. Зулм халқнинг иродасини бука олмаслигини исботлаб беради.

– Эй, Самен, сен мени кўрқитиб, таслим қиламан, деб чиранма! Жўшқин қалбимни паймол этолмайсан. Танлаган йўлимдан қайтаролмайсан ҳам. Кимда ким мени орқага қайтармоқчи бўлса, аяб ўтирмайман! Бу қутлуғ йўлда бошимни дорга тикканман. Ўлим муқаррар, ундан кўрқишга не ҳожат? Сен ҳар нарсани кўрувчи, ҳар нарсага раҳм ва адолат этгувчи Аллоҳ борлигини унутма. У ўз бандаларига ноҳақ зулм ўтказган кимсаларни жазосиз қолдирмайди!

Оқин ўзининг ҳар бир сўзи билан унинг обрўини тўкаётганини, шарманда қилаётганини Самен тушуниб қолди. Адолат ва ҳақиқатнинг аччиғига бардош беролмади. Унинг юзига тик боқа олмади. Оқиннинг оташ нафасини сўндирмоқчи бўлиб, дастасини синдириб юборгудек мижғилаб турган қўлидаги “Бузоқ тишли” камчисини боши узра кўтариб, Абайга ташланди.

– Кунинг битди, Абай! Ўлдираман, кўзингни ўйиб, юрагингни юлиб оламан! Мурдангни курт-кумрсқаларга едираман!

Абай тепасига келган, ранги-кути ўчган Самендан ҳар қандай разилликни кутиш мумкинлигини билса-да, жойидан қимир этмади. Бир сўз айтди.

– Мени ўлдирмоқчимисан?

– Раҳм-шафқат йўқ, сенга! Бугун ўз конингга ўзинг чўкиб ўласан! Овулингни ҳам, яқинларингни ҳам уруғини куритаман!

– Мен ўлганим билан, исёнкор руҳим сени тинч қўймайди! Мурудинг кумга сув тўкилгандек йўқ бўлиб кетади.

Самен кетма-кет оқиннинг бошига қамчи солди. У турмоқчи эди, қўллари билан юзини чангаллаб, букчайиб ўтириб қолди.

– Беҳуда уриняпсан! Мени калтаклаганинг билан мақсадим йўлидан қайтаролмайсан! Бу заминни қудратли Ватан этиш учун сўнгги нафасимгача курашаман! – деди таҳқирланган Абай чопонининг этаги билан юзига оқиб тушаётган қонни артиб. – Одамларни хўрлаган, қул қилган сендек золимларнинг куни битди. Муборак Ватаннинг, улуғ элнинг омонлиги учун биз, албатта, адолат қўрғонини тиклаймиз! Энди юртга вафодор, садокатли, эл бахтини ўйлаган одамларгина бўлис этиб сайланади! Бу қутлуғ йўлда мен курашдан қайтмайман!

– Ўзинг қазиган чуқурга ўзинг тушасан, мен устингга тупроқ тортаман, Сени йўқ қилган куним бу дунё мен учун жаннатга айланади! – деди Самен.

Қий-чув, тўполон кўтарилди. Самен қамчисини яна ишга солди. Бу гал ҳам Абай ўзини четга тортмади. Бошидан оққан қон юзини ювиб, соқоллари орасига сиғмай, сидирилиб кенг кўкрагига оқиб тушарди. Қамчи эса юзига тарсиллаб уриларди. Оқиннинг кўзларидан беҳисоб учқун сачрарди. Бош гўё ўзиники эмасдек, тинимсиз шамол эсаётгандек, қулоғи гувилларди. Ўрнидан турмоқчи бўлар, аммо

боши айланиб, кўзи тиниб, гандираклаб ўтириб қоларди. Гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ терга ботарди.

Самен бу билан бас қилмади, кутурган итдек бўкириб, оёқлари билан Абайни олатасир тепиб, шалоқ сўзлар айтиб: “Сенинг кунинг битди, кунингни тунга айлантираман, қонингни ичаман”, деб бўкирарди. Абай оғриқ жонидан ўтиб кетса-да, “Бўлди, бас”, демади, ўрнидан турмади ҳам. Бош-юзидан қон оқса-да, кўзидан ёш чиқмади.

– О, шўрлик, оғам! – деб қичкириб юборди кимдир. Шундан кейин даҳшат ва кўркувдан нима қилишини билмай донг қотиб қолган одамлар хушларига келиб кўзғолишди. Кимдир “Йиртқичлар, қонхўрлар” деб Саменга ташланди, бироқ унинг ортида турган барваста кимсанинг муштидан ерга кулади.

– Қоч, итвачча! Нар и тур, йўқса сенинг ҳам жонингни суғуриб оламан!

Кимнингдир этиги Абайнинг қонга беланган юзига тегди. Этик кўзига таниш кўринди. Эгасининг кимлиги чакмоқдек ялт этиб хаёлидан ўтди. Олатасир бошланди. Ер айланди, осмон айланди, оқин хушини йўқотди. Атрофдаги одамлар энди ўзларини Абайга қалқон қилиб, уни ҳимоя қилишга уринишар, Саменнинг шериклари эса уларни суриб ташларди. Какатой бир амаллаб ташқарига чиқди ва анча олисда, давра қуриб, олов ёқиб исиниб ўтирган одамларга қараб, “Қутқаринглар, ёрдам беринглар!” деб қичқирди. Шунда оломон нима бўлганини тушуниб, жойларидан кўзғолиб, қўлларига сўйил, найза, чўқмор олиб, чопиб келишди. Йўл йўлкай уларнинг сафи ортарди. Одамларнинг овози мамақолдироқ мисоли гумбирларди.

– Золимларга ўлим!

– Адолат қарор топади!

– Золимлардан ўч оламиз!

Ёвлар ичига ғулув тушди, оломон ғзабидан кўрқди, дуч келган томон қочишди.

Абай қаттиқ жафо чекди. Бошига теккан қамчи, тана-сига тушган тепкилар, юзидан оққан қон бевафо замон-нинг ҳалол ўғлонини бўридек талаган ёвуз кучларнинг шоҳиди эди. Бу калтаклар Абайга эмас, балки қозоқ халқининг ори-ифтихорига теккан калтак эди. Абайни яхши кўрадиган, унга шамолни ҳам раво кўрмайдиган одамларнинг бошларига теккан калтак эди.

Хушдан айрилган Абай ўзига келгач, оғзидан бир-гина сўз чиқди. “Нега тирик қолдим, ўлсам бўлмас эдими-а”, деб йиғлаб юборди. Оқин бундай иснодни кўтара олмасди. У от устида бошини куйи солиб, дарду ғам селига чўмиб, хўрланиб, юрагидаги қони жўшиб, ўзини ирода кучи билан босиб, аламини ичига ютиб, Шақпоқдги овулига қайтарди. Яқинларининг хоинли-гидан кўз ёшларини сўқмоқ йўлга тўкиб борарди.

Чингиз эли “Абайни уришибди, ўлдирмоқчи бўлишибди”, деган хабарни эшитиб бўлганди. Сўйил, ойболта, чўқморлар билан қуролланишганди. Катта-кичиклар, кўни-қўшнилари Абайнинг юзига қарай олишмади. Шундай улуғ ва азиз одамнинг олдида ўларини айбли-дек ҳис этишарди. Қарқарали, Кереку, Ўскемен, Зайсонг, Кўкпекти, Баён сингари шаҳарлар ва Соқ-Тўғалоқ, Жуонтаёқ, Кўкше, Мамай овуллари аҳолиси ҳам бу мудҳиш жиноятдан хабар топиб, ғазабдан ёниб оёққа туришди.

– Золимларга ўлим! Биз уларнинг бошини адолат до-рига осурмиз!

– Сенда асло таслим бўлмайдиган марднинг қалби борлигини ҳаммамиз биламиз!

– Биз сен учун кўксимизни қалқон қиламиз!

– Сенинг ёнингда бўламиз!

– Халқ душманларига ўлим! – қичқиришарди оломон.

Оқин элнинг вазоҳатини кўриб:

– Тўхтанлар, йигитлар, менга ҳеч нарса бўлгани йўқ, уйларингга тарқалинлар! Мен ҳақиқат пойидаман. Биз ҳозир ғазабимизни жиловлай олмасак, ҳақиқатни англаб ололмаймиз, – деб эл ғазабини босди Абай. Унинг бу

сўзларига қарши бирорта одам эътироз билдиrolмади. Халойиқ тарқаб кетди.

Боймуғамбет оқинни суяб, ичкарига олиб кирди. Айгерим эрининг аҳволини кўриб, алам ва дахшатга тушиб, юраги пичоқ тилгандек ачишиб, нозик лаблари дириллаб, кўли билан кўкрагига уриб, кўзларини чакнатиб, йиғлаб юборди.

– Вой, Худойим-ей, бу қандай ёвузлик! Қайси инсофсиз бундай аҳволга солди?.. Ким бундай килди? Нега?! Қайси ёвузнинг иши бу? Одамни шу даражада калтаклашадими, онкўрлар, бераҳмлар.

Айгерим оҳ уриб, юзини тимдалаб йиғлади. Ичи ағдалириб, зирқираб оғриб, кўкраги остидаги юраги оташдек ёниб, ич-ичидан қаттиқ қайғурди. Оғзидан алангадек заҳарли қарғиш учиб чикди. Қалбан ўша босқинчиларга, халқни талаётган бўриларга Худонинг жазосини сўради. Қилган адолатсизликлари учун бир кунмас бир кун Аллоҳ қошида жавоб беришга мажбурлигини тилади.

– Охиратинг куйиб кетсин, дўзах ўтида ёниб кетгин, гўрингда тик тургин! Қодир эгамнинг ўзи жазонини берсин!

Абай оғамга кўтарган кўлларинг синсин, заҳар завқум ичиб, жигаринг эзилсин! – қон қаҳшаб, кўнгли бузилиб, юрак-бағри эзилиб, кўзининг ёши тизилиб, тилига келган сўзларни қайтармасдан йиғларди Айгерим.

Абайни тўшакка ётқизишди. Яраларини боғлашди, боши ва юзидаги қонларни ювиб ташлашди. У анча ҳолсизланиб қолганди.

Эртаси куни ўзига келди. Нигоҳларида ҳаётнинг бир қанча баланд довларига чиққан чоғлари, тоғлар, оқиш далалар, чўзилиб, ёйилиб оқаётган Тусўркаш дарёси, умрининг гўзал онларини ифдолайдиган ва айлани дамда бошига тушган оғир мусибатлар, душманларининг заҳарли қасдлари, оч, ғариб ва мискин одамлар, юпун, озиб-тўзиб кетган, бироқ кўзларида илмга, маърифатга, хурликка, тенгликка, ўз юртларининг буюк

келажигага ишончу умид учқунлари чақнаб турган қозоқ ёшлари жонланиб ўтаётгандек бўлди. Бир замонлар отаси Қўнонбой билан Қарқарага йўл олганида, от устида Қоравул, Қўлқайнар чўққиларидан бош кўтараётган офтоб ҳад-худудсиз сахро узра ўзининг олтин ёғдуларини сочган паллада, яқинда ёғиб ўтган ёмғир сувидан баҳра олиб яшнаётган ўт-ўланлар, чаппар уриб гуллаб ётган лолақизғалдоқлар, ер бағирлаб, учиб-қўниб, не турфа товушларда сайраётган қушлар ноласи, оташин, тўлқин, ширин ҳаёллар кўксини чулғаб, жўш урган чоғларни ва куйлаган ўланларини эслади. Дилрабо қўшиқлар билан элнинг дилини хуш айлаган дамлар кўзидан ўтди.

Ўша шум ниятли, мансаб учун имонини сотиб, халқнинг кўз ёшини окизиб, қўрасини мол-қўйга тўлдириб, оташнафас шоирга қамчи кўтарган Саменни ҳам, Ўрозбойни ҳам кейинчалик эл додини берди. Иккиси эл кўзидан йироқда – тоғу тошлар орасида, қоронғу ғорлар ичида яшириниб яшади.

Ўрозбой билан Саменнинг сўзлари Абайнинг қулоғидан, қамчининг тарсиллаб бошига урилиши, юзларидан оққан қон кўз ўнгидан кетмасди. Оқин бундай ноҳақликларга, шармандагарчиликка, иснодга чидай олмасди. У тўлиб-тошиб, ич-ичидан бўзлаб, оҳ уриб, оҳларидан олов чиқиб йиғларди. (Оҳ, шўрлик Абай оғамей, оҳ, миллат учун, эл учун куйиб ёнган, оғамей. Сени йиғлатган адолатсизлик, ҳақсизлик, халққа қилинган жабр зулм эмасмиди, оғам?) Саменнинг ортида турганлар орасида бир пайтлар бошини силаб, очликдан силласи қуриб, жон беролмай ётганда оғзига тириклик сувини томизган, уйдан жой бериб, ажал ёқасидан қайтариб олган баъзи кимсаларни таниб қолганди. “Нахот, кўзим ҳам, кўнглим ҳам шунчалар кўр бўлмаса. тузлигимдан туз ичганлар менга қўл кўтаришса?” дея афсусланди. Шуниси алам қиларди унга. “Нега тирик қолдим, бундан кўра ўлсам бўлмас эдими-а. Мени чақадиган илон ўз

кўйнимда экан-ку, энди бу ердан, бу элдан кетаман. Сенлар учун энди мен йўкман,” деб хайкириб юборди. Абайнинг ғазаби овулни остин-устун қилди. Ич-ичидан, алам тўла қалбидан вулкондек отилиб, бир ўлан янгради:

Кучук асраб, ит қилдим,

Болдиримдан хўп қонди.

Мерганликни ўргатдим,

Кўкрагимдан у отди.

Абай елкасига чакмонини ташлаб, бошига қалпоғини кийиб ташқарига чикди. Ҳаво рутубатли эди, юракка ғашлик соларди. Чингизтоғ этакларидан ёқимсиз шамол эсарди. Оқин ўзининг жийрон йўрғасига минди. Ортидан эргашиб чиққан Боймуғамбетга Мағашнинг саманини кўрсатди.

– Отга мин. Кетдик бу элдан, кетдик бу самарасиз ҳаётдан! – деб бурди.

Ҳеч қачон оқиннинг бир сўзини икки қилмаган Боймуғамбет итоатсизлик ила эгарга ўтирди.

– Қай томонга борамиз, оғам? – хазин овозда сўради.

– Олам кенг, элимиздан, юртимиздан чиқиб кетамиз, бошимиз оққан томонларга кетамиз! – жавоб қилди дарди дунёси ичини куйдираётган оқин.

Улар отларини йўрттириб кетишаётганини хизматкори Шубор кўриб қолди. Иниси Исоқ унинг олдида келиб сўради:

– Улар қаёққа кетишмоқда?

Шуборнинг кулоғига Абайнинг Боймуғамбетга айтган бояги сўзлари чалинганди.

– Оғамиз бизни ташлаб, қадрдон овулини, элни ташлаб кетиши мумкин эмас. Уни қайтарайлик!

Иккиси отга миниб, сағринига қамчи босиб, изларидан қувиб, саҳронинг ўртасида етиб олишди. Шубор отдан сакраб тушди, Абайнинг отини тизгинидан тутди:

– Оға, бизни ташлаб, жигарларингни ташлаб, оулингни ташлаб, элингни ташлаб қаёққа кетаётирсан? – деб сўради.

- Йўлимни тўсма! Мен энди бу ерда яшай олмайман!
- Бундай қилма, оға? Сенсиз биз нима қиламиз?
- Йўлимни тўсма!

Бу орада Исоқ етиб келди. Отдан тушиб, инисининг олдида борди.

– Оға, ўғлингнинг аҳволи оғир, ҳозир ўсал тортиб қолди. Жон талашиб, ажал билан олишаётир! Сен уни ташлаб кетмоқчимисан? Унга бирор қор-ҳол бўлса, сўнг пушаймон бўласан. Қайт, болангнинг олдида бор, сени кўргиси келаётган жигарингни олдида қайт. У кўзларини жавдиратиб сени излаётир, “Отам қани?” деб сўраётир, йўлингга термилиб ётур!

Абай бошига мусибат тушмасидан бурун Мағашни Туки Сибан овулидан Қамбар исмли одамнинг Маржона исмли қизига уйлантириб қўйганди. У келин бўлиб тушгач, акасининг дардида кўп азоб чекиб, кийналган Мағаш жудолик қалбига солган дардни унутгандек бўлганди.

Маржона унинг уйига фаришта мисоли кирганди. Уй юмушларини уддабронлик билан уддаларди. Ҳовлини ҳар доим чиннидек ялтиратиб қўярди. Ўзиб-тўзиб кетган Мағашни парвариш қиларди. Унинг ўзи ҳам фаришта сифат, эл олқишини олган йигит эди.

Отасининг “Ҳаётда инсоннинг муқаддас бурчларидан бири дўст-ёр орттиришдир. Дўстларга яхши муносабатда бўлсанг ва қўлингдан келганча яхшилик қилсанг, меҳр-окибат кўрсатсанг ортади ва кўпаяди, сен кимга дўстлик қилсанг, у ҳам сенга дўстлик қилади: сенга нисбатан ишончи, меҳри-муҳаббати ошади. Агар дўстим кўп бўлсин десанг, ҳеч кимга душманлик қилма, ҳамда ўзгалар ичида ўзингга оро берма. Мактанма, ўзингни бировдан ортиқ санама”, деб айтган ўғитларига ҳамиша амал қилиб келар, одамлар билан яхши муносабатда бўларди. Йўлида оқсоқол учрайдими, чорвадор учрайдими ўзининг ширин сўзини аямасди.

Абайга қарашли барча овуллардаги одамлар Мағашни чўкүр ҳўрмат қилишарди. Акасининг ўлимидан каттик

таъсирланган, чукур қайғуга ботган Мағашга касаллик ёпишганди. Дардга бўйин эгмай юрарди. Охир-оқибат Абишнинг майти тупроққа айланмай, ҳасталик оёғидан чалди, тўшак тортиб ётиб қолди. Яқинларини ташвиш босди. Дилда “Мағашнинг касали Абишнинг касалига ўхшайди”, деб эрта-ю кеч қайғурарди. Абайнинг ўзи бир ҳафта бурун Мағашнинг овулига бориб, уни кўриб келганди. Отанинг назарида фарзанди шунчаки шамоллагандек эди. Инисининг “Оға, ўғлингни аҳволи оғир, ҳозир ўсал тортиб қолди. Сен уни ташлаб кетмоқчимисан? Унга бирор кор-хол бўлса, кейин пушаймон бўласан. Қайт, болангни олдига бор, сени кўргиси келаётган жигарингни олдига бор. У кўзларини жавдиратиб сени излаётир, “Отам қани?”, деб сўраётир, йўлингга термилиб ётур”, деган гапларини эшитганда, оқиннинг юрагини бирдан ўтқир аламли тиг санчиб ўтди.

Абайнинг кўз ўнгида боласининг озиб, қошиқдек бўлиб, сарғайиб, заъфарон тусга кириб қолган юзи жонланди. У шошиб от бошини овулга бурди. Ҳовлига кириб, отдан тушиб, тизгинни Боймуғамбетга бериб, Мағаш ётган хонага қараб юрди.

Ичкарида беш-олти чоғли эркагу аёл бор эди. Юзлари ташвишли эди. Дилда боласининг пешонасини силаб ўтирарди. Икки кўзидан ёш оқиб, дард ўртаётган юраги устига томарди. Ичкаридагилар Абайга йўл беришди. Оқин бошидан қора, элтери тумоғини олди-да, тўшакда ётган боласининг олдига тиз чўкди, Боласининг аҳволини кўриб, кўнгли кўрғошиндек эриб, ғаму ғурбатга ботиб йиғлаб юборди.

– Юртимнинг эгаси, тобутимнинг чегаси, кўзимнинг кўрар гавҳари, умримнинг меваси, мен келдим ёлғизим, ёркиним, сенга не бўлди?

Мағашнинг қулоқларига отасининг овози олисолислардан келаётгандек эшитилди. Кўзларини очиб, бошини хиёл кўтариб унга юзланди.

– Отажоним...

– Жоним курбон бўлсин, болам. Бундай дема!

– Менинг сафарим қариб қолди чоғи, ота....

– Ё, танграм, ўзинг мадат бер! Мени тириклай ўтовга кўмиб кетма, болам...

– Яхши-ёмон сўз айтган бўлсам, бирор юмишингни вақтида бажармаган бўлсам, кечир мени, ота...

– Жоним, болам, шириним, болам, ёлвораман, бундай гапларни гапирма, бизни ташлаб кетишни ўйлама! Қодир Эгам шифосини беради.

Абайнинг кўнгли бузилди, ичидан бир томири узилди, кўзидан қонли ёшлар окди. (Ох, биродарлар, фарзанд доғи кўп оғир эъкан, оқиннинг юзларида зохир бўлган қайғу аламини тасвирлашга ёзувчининг қалами ожиз қоли).

– Йиғлама, ота. Нега йиғлайсан? – зўрга деди Мағаш.

– Шу замонда, шу жаҳонда қаддингни тик тутиб яша!

Абай боласининг совуб бораётган пешонасига кафтини босди.

– Болам... – у бошқа сўз айтолмади, бўғзига қадалган фарёд бунга имкон бермади. Мағаш оқиннинг кўлини совуб бораётган, сезилар сезилмас уриб турган юрагининг устига қўйди.

– Дунё шу экан-да, ота....

Бу кечадан буён падарининг йўлига кўз тикиб, уни кўриш истагида қаҳшаган фарзанднинг сўнгги сўзи эди. Бошқа гапиролмади. Абайнинг кўзларидан қуйилган ёшлар сақолини ювди. “Сўз уқар кунда кимим қолди?” деб хўнграб юборди. Жудоликнинг пўлат тиги юрагини тилди.

Мағаш ўттиз тўрт ёшида қайтиш қилди...

Абайнинг бошига мушкулдан мушкул иш тушиб, дунё вайрон бўлди. Алпдек қомати букилди. Бир эмас икки ўғлини йўқотди, икки қанотидан, икки кўзи, икки жигаридан айрилган Абай учун еру осмон бир-бирига қоришиб кетди. Қуёши ботди, юлдузи сўнди. Ғам-андухдан қуйиб қул бўлди. Тош бўлиб қотиб қолди. Абайнинг юраги оловдай ёниб, фарзандининг ўтига тутакиб,

икки кўзидан ёшини оқизиб, жони жаҳони ўртаниб, туну кунларни уйқусиз ўтказарди. Юрагидаги ярага на яқинлари, на дўстлари малҳам топишди.

Окин эл оралаб тўй-маъракаларга юришдан тинди. Дилдан ҳаловат, кўздан уйқу қочди. Юраги танҳоликни кўмсаб қолди. Хаёлчанланган, хомушланган эди. Хужрасидан ташқарига чиқмасди, кунлари томоқсиз, тунлари уйқусиз кечарди. Ҳол сўраб келгувчилар билан суҳбатлашмасди. Баъзида дўмбирасини қўлига олиб, мунгли куйлар чалиб, юрагининг остида ётган туғёнларини дарду аламларга қўшиб, ич-ичидан вулкон сингари отилиб чиқиб, бунга ҳам тоқат қилмай жигаргўшаси ётган тўшакка ўзини отиб, ёстикқа бошини қўйиб, аччиқ-аччиқ ёш тўкарди. Уйқусиз тунлар бахти кулган кезларини, фарзандларини қанотига олиб, учкур жийронда дала-қир ошиб, шамолдек елиб учган, отларининг туёқлари остида янчилган майса-гиёҳлар ҳам сўниб, ҳам кулиб боққан чоғларни, жужиклари билан ой нурига чўмилган кечалар дўмбира чертиб, ўлан айтиб, томирида қони жўшиб, уларнинг қўшиғига ташна-ю зор бўлган дамларни ёдга олар, боласининг кулгу ярашган юзлари, чакнаб турган кўзлари кўринарди. Қайноқ нафаси юзига урилгандек бўларди. Кучоқларини очиб, дард аламлар эзиб ташлаган боврига босмоқчи бўларди, бироқ узатган қўллари бўшлиқ узра уни тополмасди, юраги ҳувуллаб, қалб туғёнини боса олмай, “Қани менинг болаларим, қани менинг қўш қанотларим. Овоз беринг, эшитай, қайдасиз?” деб бўкириб юборарди. Аввалига секин-секин йиғлар, кейин атрофни ўраб ётган шафқатсиз биёбонни уйғотмоқчи бўлгандек хўнграб-хўнграб бўзларди. Қалбидан отилиб чиқаётган фарёд ҳад-худудсиз чўлни ларзага солгандек янграб кетарди. Зулматли кеча унинг овозини ютарди-ю, бироқ маълум дақиқалардан сўнг аллақасердан «Қани, менинг болаларим, қани, менинг қўш қанотларим», деган садо қайтиб келиб, қулоқлари остида жарангларди. Бу овоз

ховлидан бир чақирим олисдаги қабристондан келарди. Абай оёқларини судраб ўша томон кетарди. Ҳали совуб улгурмаган гўрга қайноқ бағрини бериб, қучоқлаб, бармоқлари билан тупроқни чангаллаб, иссиқ кўз ёшларини оқизиб, «Эшитяпсизларми, юрагимнинг уришини, болаларим. Сизларни юрагим ҳам соғинган, қайдасиз ўғилларим?», деб бўзларди.

Мағашнинг еттиси ўткан кун Айгерим Абайнинг олдига кириб Қирқучоққа кўчиш пайти келганлигини маълум қилди. Аёллар кетиш олдидан Мағашнинг қабрини зиёрат этмоқчи бўлишди. От-аравага ўтириб, йўлга чиқишди. Бироз ўтиб Какатой билан Боймуҳамбет оғаларининг олдига кириб, “Мағашнинг қабрини зиёрат қилиб кетайлик”, дейишди. Абай индамади. Икки содиқ дўсти оғаларининг қўлтиғидан олиб, фуругон аравага ўтқазишиб, йўлга чиққанди. Абай ёнига Мағашнинг қизчасини олволганди. У киши зотидан бўш сағана тепасида икки соатдан кўпроқ қолиб кетди.

Жудолик ғалвирдек тешиб юборган бағрини совуб қабрга босиб, тупроқни қучоқлаб, юраги оловдай ёниб, фарзандининг ўтига тутаклиб, икки кўзининг ёшини оқизиб, дод деб, фарёд солиб юборди:

– Жаннатга шошган шашқалоғим, болам. Мен келдим, сени соғиниб келдим. Эшитяпсанми, юрагимнинг гурсуллаб уришини. Сени юрагим ҳам соғинган! Овоз бер, эштай, дилбандим! Овоз бер... – деди у тупроқ юки қўллари билан юзини чангаллаб.

Тупроқ соқов эди, отанинг зорланиб айтган сўзларига жавоб тополмасди. Шўрлик Абай куйган юрагига таскин излаб бўзларди.

– Овулимизга муносиб бўлис бўласан, деб Худодан сўрардим. Адолат ва марҳаматинг билан элнинг хурматини қозанасан, деб орзу қилардим. Ўзингни мағрурлигинг билан бўлислик қудратингни намоиш этишингга умидим бор эди. Афсус, бугунга келиб порахўрлик, зулм, зўравонлик ҳаддан ташқари ортиб кетди. Самен, Ўрозбой каби

чия бўриларнинг кунни туғди. Уларга қарши курашадиган одам топилмаётир. Букилган, янчилган, хўрланган адолатнинг қаддини ким тиклайди? Одамларнинг аҳволига ким ачинади? Додига кулоқ тутадиган кимса топилурми? Зўравон тузум халқнинг белини букиб қўйди-ку. Қаерга боксам, кўзим таланган халққа, оч-ялонғоч, қашшоқ элга тушади. Қон қаҳшаб йиғлаётган аёлларни кўраман, очликдан силласи қуриган болаларни кўраман!

Оқин “Овоз бер, эшитай, қайдасан, болам Ичим ёниб кетмокда, эй Худо. Бундан ортиқ жазонинг йўқмиди?” деб хўнграб-хўнграб, аъзойи бадани титраб узоқ йиғлади. Унинг йиғиси шафқатсиз жимжитликни бузиб юборди.

Орадан икки соатча ўтиб, аравага қайтиб ўтирганда Какатой билан Боймуғамбет оқиннинг юзи сарғайиб, тупроқ тортиб, соч-сақоллари кировдек оқариб кетганини кўришди. Абай уларга бир оғиз сўз айтмади. Фақат “уйга кетдик”, деган ишорани қилди.

Абай йўлда оғирлашиб қолди. Уни деразаси кун ботиш томонга қараган ижодхонасига олиб кириб ётқи-зишди. Оқин ҳол сўраб кирганларга гапирмасди. Ёлғизликни тусарди кўнгли. Гоҳида қўлига қалам олиб, дилидан ўтган сўзларни қоғозга туширарди.

Юрагим менинг қирқ ямоқ,

Хийнаткор оламдан,

Қандай қилиб бўлсин соғ,

Кўнгли қолган ҳаммадан.

Ўша йили юртга қаҳатчилик келганди. Элнинг ахволи оғир, одамлар очикиб, эл сочилиб, болалар озиб-тўзиб, кирилиб, ют йили, овул билан овул ўртасидаги хабар-учар узилиб қолганди. Кўкламда, Абайнинг умр йўлдошлари, иккита суянчиғи, иккита содиқ дўсти Эрбўл билан Бозорали ҳам қазо қилганди. Эрбўл тиф бўлиб йиқилди. Бозорали ҳам қандайдир касалга муфта-ло бўлганди. Эрбўлдан жудо бўлгач дарди оғирлашди. Тишини тишига қўйиб, ҳасталикни енгиб, Эрбўлнинг жанозасига бош турди. Орадан уч кун ўтиб, иситмаси

кўтарилиб, бадани оловдек қизиб, ҳолсизланиб, юраги мана шу иситма тафтини кўтаролмай у ҳам қайтиш қилди. Буни Абайга билдиришмади. Фақат Мағашнинг вафотидан кейин Дармен билан Какатой айтишди. Шунда оқиннинг кўзига дунё вайрон бўлиб, бузилиб, кулаб, тўзиб кетгандек кўринди. Қалби ўрмонга ўт кетгандек ёнди, ич-ичидан қайғурди. Ўзини тута олмай “Сўз уқар ушубу кунда кимим бор? Шўппайиб, ёппа-ёлғиз қолибман. Бахшининг мозоридек танҳо қолибман. Кимим қолди, нима қолди?” деб йиғлаб юборганди.

Тунда оқин чўчиб уйғонди. Ярим кеча эди. Деразадан ғамгин ой мўраларди. Абай қора терга ботганди. Хирсиллаб нафас олар, нафаси ўзининг қулоқларига бемалол чалиниб турарди. Бир муддат икки қўли билан бошини чангаллаб ўтирди. Кейин кўрган тушини эсга олди. Онаси Улжон, бувиси Зере, отаси Қўнонбой, ўғиллари... Абайнинг бадани музлаб, юраги орқага тортиб кетди. Эрталаб Айгерим кирганда:

– Эртага Мағашнинг қирқини ўтказамиз, – деди.

– Мағашнинг қирқига уч кун бор-ку, – деди Айгерим эрининг мақсадини тушунмай. – Ҳали тайёргарлик кўрганимизча йўқ.

– Какатой билан Борймуғамбетга айт, барча овуллардаги танишларга, яқинларимизга хабар берсин. Қирдан мол олиб келиб сўйишсин!

Айгерим чиқиб кетди. Эртаси куни Мағашнинг қирқи ўтказилди. Барча овуллардан, шаҳарлардан одамлар келишди. Оқин меҳмонларни кутиб, кузатиб қўйди. Кечга бориб аҳволи оғирлашди. Боймуғамбет “Доктор чақирамиз”, деганда оқин: “Дардим ўзимга аён, уни авора қилма. Мен бу ерда эмасман, бу ерда менинг жисмимгина бор, жони дилим мозорда – боламнинг ёнидадир”, деб айтди.

Оқин юзини гул юзли ёрига буриб шундай деди:.

– Яхши қол, Айгерим. Яхши-ёмон сўз айтиб, дилингни ранжитган бўлсам рози бўл... Овулимиз, ўтовимиз сенга қолмоқда. Асло доғ туширма.

Кейин оқин ўзига ўзи гапиргандек,

- Ой нурида жилоланган қиру тоғларим, алвидо, хуш қолинг, бепоеън саҳроларим белига тасма бўлган, ташналигимни қондирган чашма-ю булоқларим, алвидо, хуш қолинг, япроқлари олтиндек товланган дарахтларим, алвидо, хуш қолинг, боболарим, момларим ўланларидек ёқимли майса-ю гиёҳларим, алвидо, хуш қолинг.

Оқиннинг ичи қизир, томоғи қақшарди. У қимиз сўради. Қимиз келтиришди. Бир коса ичгач аҳволи ўн-глангандек бўлди. Уч кундан бери туз татимаганди. Япроқдек икки бўлак эт еди. Кейин суйган ёрига қараб:

Қон қилди юрагимни

Ўтган умр, ўлган жон...

Ақл излаб дунёни

Кездим, топмадим нишон...

— дея пичирлади.

Шу тун саҳрода чакнаб турган ёркин юлдуз сўнди. Бунини ҳеч ким кўрмади. У товушсиз ва шарпасиз ғойиб бўлганди. Кечагина куй ва қўшиқларга тўлган саҳро, яйраб яшнаб ўсган ўт-ўланлар етим бўлиб қолганди. Чингизтоғ чўққилари ортидан қуёш кўтарилиб, ўзининг олтин ёғдуларини кенгликлар узра сочаётган паллада оқиннинг вафодор ва садик ёри, бағри кўмир каби чўғ бўлган Айгеримнинг булутдек ўқирган овози овулни уйғотиб юборди. Саҳро кенгликлари одамнинг юрак-бағрини эзадиган даҳшатли овоз таралди. еЭл буюк қалбнинг иссиқ нафаси сўнгганини билди. Умрининг охириги дамигача адолат ва ҳақиқатни, халқ манфаатларини одиллик билан ҳимоя қилган, куйлаган улуғ оқин ҳаётдан кўз юмганди. Дашту биёбонни қоқ ёриб оққан дарёдек эзгу умр узилганди. Ҳу, ўша, бир замонлар тошлоқ-тақир, йилтироқ қоя бошига чиққан, азим дарахт бўлиб етилган, ёлғиз чинор қулаганди. Ҳаётдан Абай кетганди.

Абай онаси ва бувисининг бағрида қулундек, беғам, беташвиш ўсган, ўйнаб, чопиб юрган тақир ерлар, май-

да тошлоқ ён бағирликлар, қалин чий қуршовида қад кўтариб турган, сахро гуллари ифор сочган Жийдабейга – Оспан мазорига дафн этилди. Унинг таъзиясига беҳисоб одамлар йиғилди. Уларнинг фарёди замин у осмонни титратди. Халқ эзгуликка, маърифатга, адолат ва ҳақиқатнинг абадийлигига чорлаган ўз йўлбошчисини йўқотганидан қаттиқ қайғурди.

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА

Оқиннинг катта ўғли Оқилбой отасининг қирқини Семейда ўтказди. Масчитларнинг имом хатибларини йиғиб, хатми Куръон ўқитди. Шу куни тунда Оқилбой оғримай-нетмай Аллоҳнинг омонатини топширди. Унинг жасадини Тишканбулоқ, деган ерга олиб бориб дафн этишди. Бир йилнинг ичида тўрт одамидан айрилиб, Абайнинг тўрт овули етим-есир бўлиб қолди. Бироқ, оқиннинг ўланлари ҳали ҳамон халқ тилида, қалбида янграмоқда. Адолат бор экан, ҳақиқат барқарор экан, Абайнинг қўшиқлари абадий янграйверади...

ҲАЙКАЛ ПОЙИДАГИ ЎЙЛАР

(Тўртинчи ҳикоя)

Ичи ҳақсизликка қарши ғазаб билан тўлган шоир зулмга қарши турди. Халқни талаётган бий ва бойларга нафрати ошса, оддий, бечораҳол халққа шунчалик муҳаббат туярди. Элнинг тақдири фалокатлар остида қолганида ўзини айбдор, деб ҳисобларди. У ноҳақликка қарши дўмбираси билан, ўланлари билан курашди. Халқни эзиб келаётган бой-боёнларга, амалпарастларга, порахўрларга қарши борди. Элни келажак сари етаклади. Ёруғ кунлар келишига ишонтирди.

Уни йўлдан қайтармоқчи бўлишди. Пойига олтинлар сочишди. Мансабу амаллар инъом этишди. Бўлмади. Бошига қамчи солишди, қаддини букишолмади. Бўйнига

ханжар тирашди, аҳдидан тондиришолмади. Адолат йўлида, халқнинг бахти йўлида, Ватаннинг келажаги йўлида жонини тикди. Шараф билан яшади, шараф билан ўлди.

Йиллар ўтди, замон ўзгарди. Шоирнинг эзгу мақсадлари, орзу истаклари тантана қилди. Бир замонлар башорат қилган, Аллоҳнинг Назари тушган, қалбида имон Нури порлаган, қудратли Султон Элбоши бўлди. Янги авлод ўша зулмкорлар, жоҳиллар ётган тупроқ устига ўз халоскорининг ҳайкалини ўрнатди. Шоир бугун қабиҳ ва разил кучлар устида туриб, адолат чўққисидан боқиб, ўзи орзу қилган озод ва обод Ватанга, унинг порлоқ ва мангу келажагига, бахтли ва бахтиёр элига мамнун боқиб турибди.

АБАЙ ЛИРИКАСИ

АБАЙ - ТАБИАТ КУЙЧИСИ

Абай ҳаёти давомида она юртини жонидан ортиқ севиб, унинг гўзаллигини мадҳ этиб, ардоқлаб, доимо у билан фахрланиб яшади. Халқини ахилликка, иноқликка ва бирдамликка, ватанни, табиатни севишга чақирди. Абай шеърларида табиат лирикасини муқаддам қозоқ адабиётида ва халқ оғзаки ижодида учрамаган янги талқин орқали очиб берди. Унга қадар бу борада қалам тебратган бирорта классик оқин бўлмаган. Шоир табиатни тараннум этиш орқали қозоқ поэзиясида эмас, шарқ шоирлари орасида ҳам ёрқин из қолдирди.

Шоир шеърларининг кўпчилиги бугунги кунда қозоқ халқининг мақолига, афоризмига айланиб кетган. Баҳор тонгида очилган лола мисоли дилларга шодлик ва қувонч улашмоқда. Абайнинг табиат билан боғлиқ шеърларини ўқиганингизда димоғингиз баҳорий ифори ни ҳис этади. Қалбингизни қувончга, шодликка тўлдиради. Инсон руҳини кўтариб юборади. Сизни табиат кучоғига чорлайди. Гўзалликдан ғурурланиш туйғула-

рини юрагингиз қатига сингдириб юборади.

Улуғ оқин ижодида она табиат гўзалликларини тараннум этувчи шеърларни кўплаб учратиш мумкин. Юртининг бетакрор жамолини ўз шеърларига кўчиради ҳамда бу гўзалликка ҳавасни ўқувчи қалбида уйғота олади. Гўзалликларни мадҳ этувчи бундай шеърлар шоир ижодининг чўққиси ҳисобланади. Борлиқ манзараларидан завқланиш ҳиссини Аллоҳнинг ўзи унинг қалбига гўдаклигидаёқ жо айлаган. Шунинг учун сатрларида илоҳий куч-қудратнинг нафаси уфириб туради. У гўзалликни шунчаки жимжимадор сўзлар орқали эмас, балки дилига солинган илоҳий сатрлар орқали тараннум этади. Абай сўз қудрати орқали ўқувчининг кўз ўнгида қозоқ дала-даштларининг, саҳроларининг, боғу бўстонларининг манзарасини жонли ҳолатда намоён эта олди. Шоирнинг қалби юрт чиройидан баҳра олмаган, кўзлари қувонмаган, дили яйрамаганда эди, ёзганлари ўқувчи кўнглини ўзига ром айлай олмасди. Дунё адабиёти осмони узра қанот қоқмасди.

Абайнинг юраги болалик чоғлариданоқ она юртига, унинг бетакрор гўзалликларига бўлган чексиз меҳру муҳаббат ила лимо-лим тўлганди. Шеърларини, ўланларини ва поэмаларини кўлингизга олишингиз биланок Абайнинг ўз она юртига бўлган меҳри сизнинг қалбингизга кўчади, юрагингизда ширин ҳислар уйғотади. Қозоқнинг фусункор саҳроларига, меҳнаткаш халқининг бағрига етаклайди. Табиат кучоғида юргандек бўласиз. Осмонга бўй чўзган майса-ю гиёҳларнинг бетакрор ифорлари димоғингизни қитиклайди. Йилқиларнинг кишнагани, кўй-қўзиларнинг маъраши қулоғингиз остида жаранглайди.

Абай сўзлар ёрдамида ўқувчининг кўз ўнгида жонли манзаралар ҳосил қила оладиган ноёб санъткордир. У табиат ва она юрт мадҳиячиси, адолат ва ҳақиқат жирловчиси, маърифат ва эзгуликка етакловчи жарчи сифатида дунё классиклари каторидан жой олди. Шоир

шеърларида табиатнинг буюк мўъжизаси – инсон ва унинг Аллоҳга бўлган садоқати биринчи ўринга қўйилади. Табиат гўзалликларини тасвирлаш орқали Аллоҳ яратган мўъжизаларни қадрлашга, асрашга, авайлашга чақиради. Инсон ва табиатнинг бир-бирига уйғунлигини янгича талқинда кашф этади. Бу билан шоир ўзининг келажакка бўлган фалсафий қарашларини очиқ беради. Ўланларининг бирида айтади:

Куёш - ошиқ ерни кўп севар эмиш,

Ер ишқида ўртаниб, куяр эмиш,

Ошиқ йигит уфқдан кўринганда,

Юлдуз ва ой севгини кўяр эмиш.

Шоир куёш ва ер, юлдуз ва ой, йигит ва қизнинг бир-бирига талпинишини тилга олиш орқали инсон ва табиат ўртасидаги узвий боғлиқликни ифодалайди ва булар мангулик риштаси эканлигига ишора қилади. Куёш ва ерсиз ҳаёт бўлмаганидек, инсон ҳам муҳаббатсиз яшай олмаслигини кўрсатади. “Қиз билан йигитнинг пок севгисини таҳқирлашга, уларни бир-биридан айиришга ҳеч кимнинг ҳаққи-ҳуқуқи йўқ”, деб жар солади. “Муҳаббат мангу” деган муқаддас ғояни илгари суради.

Абай шеърларининг кўпчилиги халқона оҳангда битилган. Бундай шеърлар ўқувчи қалбига тезда етиб бориши билан бирга унинг хотирасида муҳрланиб қолади. Шоир ёрнинг гўзаллигини табиат гўзаллиги билан таққослар экан дейди:

Сен кулсанг ёз бўлур,

Хасратим оз бўлур,

Кулиб қўй, очилиб,

Токи бу ноз бўлур.

Бошқа шеърда эса:

Гул ҳидинг анқийди,

Кўркинг нур чалқийди,

– мисраларини битади.

Абай шеърларининг умрбоқийлиги, асрлар оша яшаб келаётганининг сабаби шоирнинг ҳаётни севиши, келажакка ишончидир. Шоир тирикликни қадрлайди. Шунинг учун ҳам унинг асарлари икки асрдан бери ўқилмоқда, тилдан-тилга, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда, дунё бўйлаб қанот қоқмоқда.

Абай ўланларини ўқиганингизда ўзингиз турган макондан бир неча минг чақирим олисда бўлган Чингизтоғ ён бағирларида, Жийдабей кенгликларида юргандек, қозоқ табиатининг бетакрор гўзалликларини ҳис этгандек бўласиз. Димоғингиз сахро ўт-ўланларининг ифорида хузурланади:

*Елсиз тунда ёруғ ой
Нури сувда дириллар.
Овул олди теран сой,
Дарё каби гуриллар.*

*Қалин дарахт барглари,
Шивирлашар, ғоз қотар,
Майсазордир таглари,
Кўм-кўк товланиб ётар.*

Ўйноқи, шўх сатрлар, биринчиси иккинчисига кейин эса учинчисига уланиб кетаверади. Ўқувчи қалбини китиклаётган сатрлардан кўз узолмайди. Ҳаяжонга берилади, шўх-шўх тепаётган юрагида энтикиш ҳосил бўлади.

Буни оқинимизнинг “Кўклам” шеъри мисолида янада равшанроқ кўришимиз мумкин. Маълумки, кўклам келиши билан борлиқ ўзгаради. Замин бетини қоплаган қорлар баҳор куёшининг тафтидан эриб, шўх жилғаларга айланиб, улкан дарёларга қуйилади. Ер юзини кўм-кўк ўтлоқлар қоплайди. Совуқдан дилдираб, инларидан чиқолмай ётган қушлар мусаффо осмон кўксидан кўкламни олқишлаб, парвоз қилишади. Шоир буни қуйидагича тараннум этади:

*Кўклам келса, қолмайди қишининг изи,
Қулф урар кўкаламзор ернинг юзи,
Жон киради борлиққа, табиатга,
Она янглиз жилмаяр куннинг кўзи.*

Жонли тавсир, жонли иборалар, жонли ўхшатишлар. “Она янглиз жилмаяр куннинг кўзи”. Бу шунчаки сўзлар жамламаси эмас, балки Илоҳ томонидан Абайнинг қалбига солинган дурлар шодасидир. Шоир мазкур сатрлар орқали табиатнинг янги фаслга ўтишини, куёш заминга онадек меҳр кўзи билан боқишини, замин ҳам мисоли соғинч тўла бағрини офтобга очишини содда ва халқона, аммо унча-мунча шоир топа олмайдиган ташбеҳлар ёрдамида очади. Янги фаслни олқишлаб уйғонаётган Куёш айнаи чоғда башариятга бахт ва омад келтиришига ишора қилади. Бу билан иккинчи мақсадни ҳам кўзлайди, яъни юртга қут-барака, элга омонлик.

Шоир шеърнинг кейинги мисраларида бунини яққолроқ ифода этади:

*Кулишар, ўлан айтар йигит-яланг,
Ўтовда ўтиролмас қари-қартанг;
Жон-жонивор, одамизод яйраб кетар,
Қушларнинг қўшиғидан ҳаво жаранг.*

Янги кунни хуррамлик ила қарши олган ёш-яланглар қалбида баҳорий қувонч уйғонган, энди улар меҳнат кучоғига ошиқишмоқда. Янги ҳосил экиш мақсадида қир-далаларга чиқиб, ер ҳайдаб, уруғ сепиб, ҳосил етиштиришади, боғ-роғлар яратишади. Баҳор тириклик, яшнаш ва яшариш фасли эканлигига урғу берилади. Шеърнинг асосий ғояси остида инсон ва табиатнинг яктолиги мавжуд. Абай шеърлари орқали айнан мана шу нозик қирраларни ўқувчига етказа олган.

Шеърнинг кейинги сатрлари эса бизнинг фикримизни қувватлайди. Баҳор нафақат инсонлар учун, балки она заминдаги барча жонзотлар ва жониворлар учун ҳам орзиқиб, интиқлик ила қутилган фасл. Жониворлар

яйрайди, тириклик мақсадида инларидан чиқишади. Кўклам куёшидан уйғониб, кўкка бўй чўзган гиёҳлардан озуқа олади. Тириклик шаробидан диллари қувончга тўлади. Осмон узра парвоз қилаётган қушлар ўз тилларида янги фаслни олқишлашади. Буларнинг бари Аллох шоир қалбига солган илҳомдир. Агар тангри шоир қалбини бу қадар жўшқин илҳом билан тўлдирмаганда эди, Абай шеърлари сизу бизнинг қалбимиздан чуқур жой олмаган, шу кунгача яшамаган бўлур эди.

Кўлига қалам олган ҳар қандай ижодкор аввало ўз шеърларининг халқчил бўлишига жиддий эътибор қаратади. Абай ҳам халқчиликни биринчи навбатга қўйган. Жимжимадорликдан, сунъий тасвирлардан, сохта сўзлардан қочади.

*Кўкламдай кийинишар келинчаклар,
Чеккасида гунафша, бойчечаклар,
Қирда тўва-тўрғай сайраса, сойда булбул,
Гул билан тўлиб кетар -тул этаклар.*

Хуллас, Абайнинг табиат мавзусидаги шеърларини ўқиган ўқувчи қалби юрт гўзаллигидан завқ-шавққа тўлиб, ўзини табиат қўйнида юргандек ҳис этади.

АБАЙ – МАЪРИФАТПАРВАР

*Ёшликда билим излаб югурмадим,
Хайрин билдим, бироқ юз ўғирмадим.
Улғайганда қарасам қўлим қуруқ,
Кечикиб қўл чўздиму, улгурмадим.*

*Билимсиз қолганимга ким гуноҳкор,
Изласам бўлармидим мунчалик хор.
Одамзод тасаллиси фарзанд экан,
Фарзандимни билимга қўймадим зор.*

*Мадрасага бордим мен одоб учун,
Билим учун, наинким мансаб учун,
Ўзим ҳам юксакларга қанот қоқдим,
Айб бўлмас орзу учун, талаб учун.*

“Илм йўли одиллик йўлидир”, – деб ёзган ғояси ҳамда қарашларига ҳамиша амал қилиб яшаган Абай қозоқ поэзиясини юксак чўққига кўтариш билан бирга илму фан ва адабиёт тарихининг ривожига юксак ҳисса қўшган донишманд ҳамдир. У ўз ижоди орқали халқини илм-маърифатга, адолат ва ҳақ йўлига чорлади. Дунё маданиятининг улуғлари ҳамда файласуфлари билан таништирди. Қозоқ ўқувчилари Абайнинг таржималари орқали Сократ, Платон, Аристотель каби буюк алломаларнинг асарларини ўз она тилларида ўқиш бахтига муяссар бўлдилар.

Абай болалигидан умрининг сўнгги дамларигача “Бешиқдан то қабрга қадар илм изла”, деган ҳадисга амал қилди. Қандай шароитда бўлмасин китоб ҳамроҳи, дўстига айланди. Унинг таълимотича, “Кимда ким илмни тўлиқ ўрганмай туриб, билганим шу, ўзимга етади”, деб бор билимга қаноат ҳосил қилса, у одамнинг Худо ургани, унинг қилган тоат-ибодати ҳам охиратда қабул бўлмайди”.

Абай биринчи бўлиб Пушкиннинг “Евгений Онегин” шеърий романини қозоқ тилига ўттирди. Китобнинг қўл ёзма вариантлари ҳозирда оқиннинг киндик қони томган Жийдабейдаги уй-музейида ва Семейдаги давлат музейида сақланмоқда. Бироқ асар таржимаси охирига етказилмаган. Бунга Абайнинг кўпроқ ташқи ишлар билан ўралашиб қолгани сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Абай Европа олимларининг китобларини ўқиб, билганларини қозоқ халқининг онгига етказиш билан бирга, ўз ақли ва фикрлари, насихатлари билан инсонгарчилик, мусулмончилик удумларини ҳам халққа синдириб борди. Бунда Абайнинг ўзи ўзгаларга ибратли мусул-

мон бўлган. “Тўк мағиз қандай ширин бўлса, билимли киши ҳам худди шунга ўхшайди”, дейди. Абай қозоқ элининг адолат, билим ва мусулмончилиқнинг энг доноси ва буни халққа тушунтиргувчи оқили эди.

Абай фақат билимдон бўлиб қолмай, адолатпарвар, дунёқарашли кенг инсон бўлган. У қозоқ халқ оғзаки ижодидан, шарқ шеърляти, рус ва европа адабиёти намуналаридан маънавий озик олди. Мана шу уч манба шоирга шухрат келтирди.

Иниси Ҳалилилло ўқишни тамомлаб, овулга қайтгач, акаси билан биргаликда мадраса очишди, ёшларга зиё ўлини кўрсатишди. Болаларга китоб -дафтар ва қалам беришди. Уларни илмга чорлашди. Ака-укаларни ёш болаларга сабоқ бериши кўшни овулларга ҳам ёйилиб кетди. Ўз фарзандларини савод чиқаришини истаган ота-оналар фарзандларини етаклаб, Абай ташкил этган мадрасага олиб кела бошлашди. Бу ҳақда Сатамбек Қиякбоев ўз хотираларида шундай ёзади: “Ҳалилилло ҳар йили таътилга келганида ўзи билан бирга рус тилидаги адабиётларни овулга олиб келар ва болаларга улашарди. Шундан кейин овул болалари рус тилини ўргана бошлади. Адабиётларни ўқийдиган бўлишди”.

Абай 1855 - 1881 йиллар ўртасида шарқ алломаларидан илҳомланиб “Юзи равшан”, “Алифбо” асарларини битди. 1896 йилда эса “Илм тополмай мактанма”, “Интернатда” деган ўланлари дунё юзини кўрди. Ҳалилиллоннинг кўмаги билан икки тилли луғатини тузди. Бу биринчи қозоқча ва русча луғат эди. Шоир мазкур асарлари орқали одамларни, айниқса, ёшларни илмга чақирди. “Насихатнома” асарида “Русларнинг илмини ўрганиш, ўқиш керак, ҳикмат ҳам, илм-ҳунар ҳам, билим ҳам, мол ҳам – ҳаммаси русларда. Улар дунёнинг тилини билади. Сен уларнинг тилини билсанг, қалб кўзинг очилади. Тил билмаган нодон ота-онасини ҳам, ошна-оғайнисини ҳам, эл-юртини ҳам, динини ҳам, одамгарчилигини ҳам сотади”, деб ёзади.

Абай ўз шеърлари ва боника асарлари орқали ўқувчи-
ни билимсиз дунёга чиқиб бўлмаслигидан огоҳ этади.
Унинг илм ҳақидаги кўпгина шеърлари халқнинг макос
лига айланиб кетган.

Илм тоқмай мактабма

Ўрин тоқмай бошлайди

Ёки “Насихатнома” асарининг 37-всўида:

“Кишига билимга қараб яшайлик қил, ёмонга қил-
ган яхшилигинг бошингга бало бўлиб тушадиган” (Ғай-
ратеиз, жомид, душ, қайтусиз, оқик, интилар, Ҳоирдсиз
олим, турмуш, “Одам боласи, эмалнинг продси” каби эла-
нинг маконига айланиб кетган юзлаб оўзлар фикримиз
ни қувратлайди. А. Н. Шибегор, втмги, ннқв, ндшнқо, бн-
мисоди, қанот, қокди, бутун, мамлакатга, ёйлиб, кетди.
Том, маънода, биз Абайни шоир, оқин, эмас, балки ўша-
давр ҳозок ёшларининг ўсгани, деб айтишимиз мумкин.
Заро, бутунги, кунда, ҳам, оқиннинг, илмга, даъват, эттувчи,
шеърлари, ўшлар, нафакат, қовок, ёшлари, балки, дунё,
ёшларининг, ҳам, илм, ва, билим, сирларини, янада, чуқур-
роқ, кунг, билан, ағаллашга, нормовчи, кўнн, проқдир.

Абайнинг маърифатга даъват эттувчи шеърлари кўп
мисоди қанот қокди, бутун мамлакатга ёйлиб кетди.
Том маънода биз Абайни шоир, оқин эмас, балки ўша-
давр ҳозок ёшларининг ўсгани, деб айтишимиз мумкин.
Заро, бутунги кунда ҳам оқиннинг илмга даъват эттувчи
шеърлари, ўшлар, нафакат қовок ёшлари, балки дунё
ёшларининг ҳам илм ва билим сирларини янада чуқур-
роқ, кунг билан ағаллашга нормовчи кўнн проқдир.

Шоир бир шеърда ёвади

Қуруқ хай-хэй, бёқирин,

Қўлоққа ёқмас экан.

Илм йук, хунари йук

Кишига бокма экан.

Ёки:

Ўзларингиз уилангиз,

Неча турли жон борсиз!

Илм ҳам йук, мях ҳам

Дарадаги хайвонсиз!

Илм ўрганишни талаб қилган киши, аввало уни би-
лиши керак. Билмай туриб ўрганишган илм тоқмайди.

“Сен илмга чиндан ҳам ихлос қўйсанг, у ҳам сенга
мехр қўяди ва сен уни тезроқ кўннингга киритасан. Агар

сен унга чала меҳр қўйсанг, ўрганган илминг ҳам чала бўлиб қолади”.

Абайнинг таълимотича, бойликка ҳирс қўйган ва илм, маърифатдан йироқ бўлган кишилар мисоли ғорга чироқсиз кириб қолган кишилардир. Улар бойлик излаб кирган ғорнинг йўлини ҳам унутиб қўядилар. Бойлик ва мол-дунёга қўйилган ҳирз уларнинг онгини занглатади. Бундай кимсалар бирор қийинчиликка дуч келиб қолишса, ундан қутулишни ва енгиб ўтишни билишмайди. Бойлик уларни жаҳолат ва хурофот чуқурига ташлайди. Гарчи бу чуқур тубсиз бўлмаса-да, ундан чиқиш ва қутулиш йўллари топа олмайдилар. Бойлик унинг кўзини ва қалбини кўр қилиб қўяди. Бойлик йўлида имонни эмас, балки ўз ота-онасини сотишдан ҳам уялишмайди. Мол дунёга қўйилган ҳирз бундай кимсаларнинг оёғига чирмовуқдек ёпишиб олган иллат. У хасис кимсаларни ўз қурбонига айлантиради. Оқил ва илмли инсон бундай йўл тутмайди. Билими ва тафаккури қошида олтин у зарлардан таралаётган ёғду арзимас, ўткинчи шуъла эканлигини билади. Бойлик ялтираб, одамнинг кўнглини маълум дақиқаларга нурафшон айлайди. Бироқ у сароб. Илм нури мангудир. Қуёш шуъласидек абадийдир. У нафақат илмли одамни, балки унинг атрофидагиларнинг ҳам қалбини чароғон айлайди. Шу сабабли илм ва маърифатга инсонлар худди офтобга талпингандек талпинишади. Бу хусусда оқин ёзади:

“Ота-онадан мол ширин, олтин у молдан жон ширин, дейишади. Ота-онасидан молни ширин кўрадиган бу онт ургур аблаҳларнинг қанақа ширин жони бор экан ўзи? Ахир дунёда энг азиз ота-онасини молга сотмоқлик – бу энг орсиз, номуссиз одамнинг иши эмасми? Ота-она бечора меҳнат қилиб, мол-дунё йиғиб, ўлсам орқамдаги болаларимга қолсин, дейди. Шундай экан, ота-онани сотиш Худога душманлик эмасми? Мана шундай калтабинлик билан айтилган сўзлардан эҳтиёт бўлмоқлик керак”.

“НАСИХАТНОМА” АСАРИ ХУСУСИДА

Абай ўз асарларига халқ оғзаки ижоди намуналарини олиб кириш орқали қозоқ халқининг бой ижодий, маданий меросини, тарихини қайтадан яратиб берди, гўзallashtirdi, жозиба ва мазмун бахш этди. Бу билан аввалги давр қозоқ халқ оғзаки адабий тилини янада кўркамallashtirdi. Абай ўзидан илгари яшаб ўтган оқинларнинг ўланларини яхши билгани, мунтазам халқ орасида юрганлиги сабабли мақол ва маталларни, хикоят ва ривоятларни яхши ўзlashtirib олган эди. Бу Абайни дунёга машхур қилган, деб айтишимиз мумкин. Мухтор Аvezov “Абай ўзининг барча асарларини халқ тили билан ёзди”, деб тўғри баҳо берган эди. Абайнинг классик адиб деб эътироф этилишининг сабаби ҳам шунда. Оқин асарларида фойдаланилган мақол ва маталлар маъно ва мазмун жиҳати билан турли бўлимларга ажратилади. “Насихатнома”ни бунга мисол келтириш мумкин. Бундай эркин вазнда ёзилган асар ўша пайтгача қозоқ ёзма адабиётида учрамаган. Асар ўша пайтдаёқ эл орасида машхур бўлиб, тарқалиб кетди. Оқиннинг набираси Уэсила Мағуия кизи ўзининг эсдаликларида шундай ёзади: “Мен тўккиз ёшларда эдим, мадрасада ўқирдим. Абай мадрасага тез-тез келиб турар ва болаларга китоб-дафтар, қалам совға қилиб кетарди. Кунларнинг бирида у кўлида китоб билан кириб келди. Бизга айрим жойларини ўқиб берди. Китоб қизиқарли, ўқимишли, тили тушунарли эди. Бизнинг устозимиз китобни олиб қолди. Биз шу китобдан ҳар куни сабоқ олардик. Шу пайтгача мадрасада қозоқ тилидаги китоб бўлмаган эди. Китоб тез орада бошқа овулларга ҳам овоза бўлди. Муллалар келиб, асарни кўчириб, ўз шогирдларига ўқитиб юришди. Бу Абайнинг “Насихатнома” асари эди”.

“Насихатнома” асари ўқувчини мунтазам илм ўрганишга, билимли бўлишга, изланишга, ҳалолликка чақиради. Асар ўта донолик ва ақл-идроқ билан ёзилган.

Ҳар бир мисрасида буюк донишманднинг ақл тарозисидан ўтказган сўзлари ётибди. Асарни том маънода кишиларни маърифат сари етакловчи маёқ деб аташ мумкин. “Насиҳатнома” кейинчалик қозоқ классик адабиётининг дурдонасига айланди.

“Насиҳатнома” 45 та кичик ҳикояни ўз ичига олган, унча катта бўлмаган, прозаик этюд композицияси ва стилистик нуқтаи назардан аниқ ишлов берилган, алоҳида мавзуларга ажратилган асардир.

Асрлар давомида шаклланиб, гўзаллашиб, сайқаллашиб бораётган халқ оғзаки ижоди Абай даврида гуркураб яшнади. Оқин узоқ йиллар давомида халқ томонидан яратилган ва асрлар давомида тилдан тилга кўчиб келаётган мақолларни, ҳикматли сўзларни, маталларни, фразаларни, афоризмларни ўз асарларига олиб кирди. Улардан ўринли фойдаланиб қолмай, балки халқ оғзаки ижодига янги шакл ва маъно касб этди. Иборали тарзда айтадиган бўлсак, сўлаётган гулнинг остидан ҳаётбахш чашма отилиб чиқди. Профессор Р. Сиддиқова бу ҳақда “Бу бир томондан, ўтмишни акс эттирган бўлса, иккинчи томондан қозоқ адабий тилининг бошланиши ҳисобланади”, деб ўринли таъриф беради.

1890-1898 йиллар орасида ёзилган мазкур асар XIX аср бадиий адабиётининг тақомили жиҳатидан қозоқ адабиётини янги босқичга кўтарди. Оқин мазкур асари орқали ижтимоий ва бадиий онгнинг юқори чўққисига эришди. Ўзи учун муҳим бўлган халқнинг ҳаёти ва тарихига оид муммоларни очиб беришга ҳаракат қилди. Абайнинг сўзлари – бу унинг замондошлари ва ватандошларига панду насихатлардан иборат бўлиб қолмай, балки исломий кадриятларга эғалиги билан ҳам қимматлидир. Иқрор бўлиш эса муаллифнинг нуқтаи назаридан олиб қараладиган бўлса, одамларни ҳалол ва ҳақиқатгўй бўлишга чақиргувчи қўнғирокдир. Оқиннинг таълимотича, бир томчи оғу бир тонна асални заҳарга айлантириб юборганидек, кичгинагина эгрилик, ноҳақ-

лик ва ёлгон ҳамма нарсани барбод қилиб ташлайди. Абай замондошлари билан бевосита суҳбат олиб боришга ҳаракат қилади. "Мен ўлганимда ҳам ўзимни тирик ҳисобламайман. Билмайман, одамларнинг аламиданми, ўзидан қоникмаслигиданми, балки бошқа сабабданми, сиртдан тирик бўлсамда, ичдан ўлиқдирман. Жаҳлим чиқади, лекин нафратни тотмайман, куламан, лекин хурсанд бўлолмайман. Мен томонимдан айтиладиган сўзлар ва кулгу менга ўзимники эмасдай туюлади. Гўё ҳаммаси бировники".

Насихат сўзларини безайдиган муҳим туйғу – бу ҳалқнинг асосий қисмини илм-маърифатдан, тараққиётдан, маданият ва маънавиятдан ортда қолиши хавфидаги оғриқли нуқталар ҳамда йиллар давомида тўпланган ички куч-қувват, ақл ва идрокка ишонч ва умиддир. Шоир сўрайди:

– Ким Сукротни заҳарлади? Ким Жанна д, Аркни оловда ёндирди? Ким Исонинг қўл-оёқларини хочга тортиб михлади? Жавоб: – Оломон! Демак, оломоннинг ақли йўқ. Уни ҳақ йўлига йўналтирмоқнинг уддасидан чик! Халқнинг оломон бўлмаслиги учун аввало одамларга ғамхўрлик қиладиган маърифатли инсонлар бўлмоғи керак.

Асарда келтирилган ҳар бир мақол ўз ўрнида ишлатилганлиги боис ҳам унинг қимматини, ўқимишлигини, таъсирчанлигини оширади. Боиси мақоллар халқнинг жонли тилидан олинганлиги, оқин асарларини халқ оғзаки ижодига ўта яқинлигининг натижасидир. Бу Абайнинг донишмандлиги, халқ тилини яхши билганлигининг натижасидир. Мақол билан маталлар, ҳикматли сўзлар Абай поэзияси ва прозасида ўзининг ўчмас изини қолдирди. Асарда қўлланилган мақол ва маталлар бугунги кунда ҳам элнинг сўзлашув тилида фаол ишлатилмоқда. Асардаги сўз ва иборалар афоризмга айланиб кетди.

Инсонпарварлик, адолат ва ҳақиқатни тараннум этувчи фалсафий ҳамда доноликнинг рамзи ҳисоблан-

ган мазкур асар халқни билимли бўлишга даъват этувчи чақирикдир. Абай лоқайдликни, бепарволикни, танбалликни инсониятнинг душмани, деб қарайди. Бундай кишиларнинг ўз халқига, ўзи яшаб турган жамиятга фойдаси тегмаслигидан афсусланади. Асарнинг ўттиз биринчи қисмида “Беғамлик, бепарволик, ўйин-кулги ёки қайғу-ҳасратга берилмаслик ва бошқа нарсага ихлос қўймаслик керак. Акс ҳолда, бу тўрт нарса ақл билан илмга путур етказадиган омиллардир”, дейди.

“Насихатнома”нинг 12, 13, 27, 35, 36, 45 - бўлимларида улуғ оқин тарбия хусусида сўз юритади. Ёлғончилик, ёлғон ваъдалар билан иш битирувчилар қаттиқ танқидга олинади. “Юраги соф одам халқига, Ватанига ҳамиша содиқ хизмат қилади. Бундай одамлар раҳм-шафқатли, меҳрибон кишилардир. Инсонларни ҳам ўз баврим деб тушунади. Уларга ўзини аягандек аяб қарайди. Юракнинг маслаҳатига амал қилиб гапирилган гап ёлғон чиқмайди. Юракнинг айтганига кирмай, нафснинг буюрганини қилсанг, сўзсиз адашасан”, дейди.

Оқин таълим-тарбия хусусида фикр юритадиган экан, “Оға-инининг озори бўлса ҳам, безори бўлмас”, “Олтовлон ола бўлса, оғзидагини олдирад, тўртовлон тугал бўлса, кўкдагини ундирад”, “Йўл қувлаган хазинага йўлиқар, гап қувлаган – балога”, “Сен барча одамларни ўз яқинларингдек сев!”

Мазкур асарнинг 15, 22, 25, 41, 44 - бобларида эса ўсиб келаётган ёш авлодни илм-маърифатга, билимли бўлишга ундайди. Оқин айтади: “Ор-номусни юқори қўйиш, билимни кунт билан эгаллаш, меҳнат қилиш инсоннинг зийнатидир”. Мазкур асарнинг “Ўттиз иккинчи сўзида” улуғ оқин илмнинг қудратли кучи ҳақида шундай дейди: “Сен илмга чиндан ҳам ихлос қўйсанг, у ҳам сенга меҳр қўяди ва сен уни тезроқ қўлингга киритасан. Агар сен унга чала меҳр қўйсанг, ўрганган илминг ҳам чала-чўлпа бўлалай”. Ёки: “Кипойи илминг бўлганлан

кейин, уни эҳтиёт қиладиган фаҳм-фаросатинг, ақл-хушинг, ор-номусингни қўлдан бермайдиган феъл-атворинг ва ғайратинг бўлса – нур устига аъло нур! Лекин бу эҳтиёткорлигинг, шубҳасиз, ақл учун, ор-номус учун қилинган бўлсин!”

Абай келажакни олдиндан кўрар, рўй бериши мумкин бўлган воқеа ходисаларни айта оларди. Одамларнинг яхши-ёмонини бир суҳбатда ажратарди. Унинг таълимотича одам ҳар куни ёки ҳафтанинг ҳар жумасида ўзига ҳисоб бериши керак: “Агар сен ақлли кишиларнинг сафида бўлсанг, ҳар куни бир марта ёки ҳафтанинг жума кунлари, ҳеч бўлмаса, ойда бир маротаба ўзингга ўзинг ҳисоб бер! Ўтган умрингни қандай ўтказибсан: на илмга, на жамиятга ва на ўзингга фойдали бирор иш қилибсанми? Ё қандай қилиб ўтказганлигини ўзинг ҳам сезмай қолибсанми? Ҳар бир оилада оила бошлиғи бола-чақаларига ибрат бўлиши лозим. Шунда сен бошқалардан яхшилик топасан”.

Абай ўз насиҳатлари орқали илмли ва илмсиз кишиларнинг дунёқарашларини ўқувчи учун тушунарли тилда, содда қилиб баён этади. Илмнинг куч-қудратини шарафлайди, улуғлайди. Имли одамларнинг ўзгаларга самимий муносабатда бўлишини, илм билан меҳнатнинг уйғунлигини очиб беради. Бироқ ҳар қандай илмга интилувчи киши аввало меҳнатсевар, иқтисодий жиҳатдан ўзига тўқ бўлмоғи лозим. Бу ҳақда улуғ оқин айтади: “Аввало дунё топ, қорни оч одамнинг ақли кам бўлади, илмга ташналик оч кишига не даркор. Мол топсанг, қорнинг тўяди, кейин сиёсат қулоғингга киради”.

Бундан ташқари, “Насиҳатнома” асарида инсоннинг инсонга бўлган муносабати, меҳр-оқибати, одамийлиги ҳамда инсоний бурчлари ҳам чиройли ибора, ташбеҳлар орқали тушунарли тилда ўқувчига етказилади. Раҳмдиллик, бировнинг қайғусига ҳамдард бўлиш олижаноб инсонларга хос бўлган фазилят эканлигини кўрсатади. “Ёмон одамдан ҳам яхшилик излаш мард одам-

нинг иши”, деб уктиради.

Окин “Насихатнома” асари орқали одамларни ҳақиқат учун курашга, муҳими довжорак ва ботир бўлишга чорлайди. Бундай хислатлар эгаси бўлган инсон ҳеч қачон ноҳақлик ва адолатсизлик олдида эсанкираб қолмайди. Зулмат сари бормайди. Халқ бошида қилич кўтармайди. Оғир вазиятда ҳам ақл ва фаросат билан иш тутади. Зулмат ичида ҳам кўзлари одил ва тўғри йўлни кўра олади. Лозим бўлса, адолат учун ўз юрагини машъала қилиб ёқиб боради. Бундай “довжорак инсон юрак амрига итоат қилади. Ва бир сўзли бўлади, карвоннинг ортидан ит каби эргашавермайди. Балки йўлдан адашганларнинг отини тўғри йўлга буриб қоборишга ярайди. У ҳақиқат олдида бўйсунушга ҳамиша тайёр. Ноҳақлик олдида, қанчалик қийин бўлса ҳам, бош эгмайди. Ботир ва мард, жасур, кўкрагида бўрининг юрагини эмас, инсоннинг титраб, ҳаяжонланиб турувчи юраги бор одам шундай бўлади”, дейди.

Абай чуқур мулоҳазали одам бўлган. Ўз миллати тарихини яхши билган. Хитой тарихини ёритади, қайси қабила ва уруғлар қаерда яшаганлигини айтади. Абайнинг бу фикрлари Манас эпоеясида ҳам учрайди. Биз бу билан Абайни тарихдан чуқур хабардор эканлигини, ўз халқи тарихини чуқур урганганлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, буюк окин “Насихатнома” асари орқали қозоқ ёзма адабиётига асос солиб, қозоқ поэзияси ва прозасини дунё микёсига олиб чиқди. Унинг асарлари қозоқ халқининг миллий, маънавий ифтихорига, бойлигига айланди. Абай қолдирган асарлар токи дунё бор экан, токи адабиёт яшар экан, само саҳросида чакнаган ёрқин юлдуз сингари порлаб тураверади.

АДОЛАТ ВА ҲАҚИҚАТ КУЙЧИСИ

Академик Салиқ Зимонов “Абай ўттиз ёшида халқ орасида атоқли одамга айланди. Элбоши сифатида сдамлар хурматини қозонди. Ўғриларга, халқнинг мулкини талаган безориларга оғир жазолар тайинларди”, деб ёзади.

Абай ёш бўлишига қарамай элни бирлаштиришга, ўзаро низоларга барҳам беришга, халқни аҳиллик ва иноқликда яшашга даъват этишдан чарчамасди. Ўғирлик ва безорилик қилган, халқнинг мулкига кўз олайтирган кимсаларга, шунингдек, сайловларда ўз номзодларини ўтказиш мақсадида халққа турли ваъдаларни бериб, уларни бажармай келаётган фирибгар, порахўр ва юлғич бўлисларга сатирик шеърлари орқали зарба берарди. Халқни талаётган бий ва бойларга нафрати қанчалик ошса, оддий, бечораҳол халққа шунчалик ачинар, ғамхўрлик қиларди. Замона зайли сабаб халқнинг тақдири фалокат остига келиб қолганидан ўзини гуноҳкор, ҳисобларди.

Абай бўлис бошлиқларини, бой ва бийларни доимо инсофга чақирди. Халқпарварликка, адолат ва ҳақ йўлига бошлади. Қозоқ дала-даштларидаги маҳаллий миллатнинг камситилишига йўл қўймади. Назаримизда ҳеч бир шоир ёки оқин Абайчалик ўз халқига бу қадар ачинмаган, унинг ночор турмуш тарзидан қайғурмаган. Элнинг тақдири учун курашмаган.

Абай халқнинг бошига тушган қайғу ва мусибатни ўзимники деб билди. Халқ билан бирга хўрликларга қарши курашди. Очарчиликни, овулларда болаларни ҳаётдан юлиб олаётган юкумли касалликларни барга-раф этиш мақсадида подшоликдан ёрдам сўраб, хатлар жўнатарди. Халқ дардини съездларга қўярди. Халқни фаровон ҳаётга элтувчи дастурлар устида мулоҳаза юритарди. Бироқ унинг арзларига кулоқ соладиган одам топилмасди. Бундан Абайнинг ғазаби жўшиб,

юраги қизиб, қўлига вафодор қаламини олиб, ўтли ўланлар битарди:

*Кўнгилсиз қора совуқ, қирда юрсанг,
Биров келиб қарамас ёлғиз ўлсанг,
Гўдаклар оч, инграшар камтир ҳам чол,
Итлар ҳам оч, увлашар қайда кўрсанг.*

Улуғ окин ўз шеърлари орқали золимларнинг қилмишларини очиб ташлайди, эл ичида шарманда қилади. Юрагида алам ўти ёнган амалдорлар, мансабдорлар қандай қилиб бўлмасин Абайнинг оғзини ёпишга, овозини ўчиришга, унинг адолат ва ҳақ йўлида ҳаракатланаётган қаламини синдиришга уриндилар. У билан тил топишиш, уни ўз томонларига оғдириш мақсадида, мансаб ва амалларни ваъда қилишди. Ҳатто Семей генерал-губернатори Боринтов унга вақти-вақти билан совға-саломлар жўнатиб, окиннинг қўли билан халқ нарозилигини босишга ҳаракат қилди. Мухтор оға айтганидек, “Абай элнинг кўрар кўзи, элнинг қайноқ юраги ва покиза виждони бўлгани учун пулга, мансабга сотилмади”.

Маълумки, овул одамларининг деярли барчаси чорвачилик ва дехқончилик билан машғул. Улар сахроларга, тоғ ён бағирларига чодир тикиб яшашади ва қишни ҳам шу ерда қаршилашади. Қиш фаслида халқнинг аҳволи багтар оғирлашади. Ўтин, озиқ-овқат етишмайди, совуқ барвақт тушар, қалин қорлар ёғар, чодирларда яшаётган халқ эса ҳам совуқдан, ҳам очликдан азоб чекар, қийналар, болалар юкумли касалликларнинг қурбонига айланарди. Халқнинг бундай аҳволда яшаётганига чидаёлмаган Абайнинг юрак-бағри ўртаниб, кўп бор Семейга – генерал-губернаторга мактуб ёзиб, халқнинг бошига тушган қийинчиликлардан огоҳ этиб, ёрдам сўрарди. Бироқ бу масалалар узоқ вақт кўрилмай, губернаторнинг столида қолиб кетарди.

*Жулдур ўтов ичида музлар гўдак,
На қуюқ, на суюги бор, бўзлар гўдак.*

*Чурук кигиз остида титрар бобо,
Тушида гўшт кўрганин сўзлар гўдак.*

Ўзини эл билан бирга ҳис этган оқиннинг ягона тилаги ва орзуси қозоқ халқининг фаровон ҳаётини кўриш эди. Бироқ, бўлислар юртни обод қилиш, элни очлик балосидан қутқариш, эл орасида тарқалаётган касалликларнинг олдини олиш билан мутлақо иш олишмасди. Бой ва бийлар дастидан азоб чекаётган, хўрланган, қашшоқ, бошпанасиз халқнинг умиди Абайдан эди. Эл унга ишонарди. Фақат Абайгина уларни зулмдан ҳолос этиши, угина халқни очлик, қашшоқлик балосидан асраши мумкинлигини биларди. Шу мақсадда унинг олдига адолат ва ҳақиқат истаб боришарди. Абай элнинг муаммоларини ўз вақтида ва жойида ҳал этарди.

Абай овулларда яшаётган халқнинг ишсизлигидан, очликдан кийналаётганлигидан қаттиқ ташвишланарди.

*Меҳнатсиз, ҳаракатсиз, шўрлик қозоқ,
Оқат излаб тентирар, гадо-қашшоқ!
Тушларига киради қимиз ҳам гўшт,
Йўқчиллик гирдобига тушган шундоқ!*

Адолат ва ҳақиқатни истаган, халқнинг фаровон келажагини ўйлаган оқинни, албатта, ўз душманлари, ғанимлари анчагина эди. Улар Абайни ёқтиришмасди. Очикдан-очик “душманизм” деб айтишарди. Ҳатто рус генерал-губернатори ҳам халқ манфаатлари йўлида курашган оқиннинг номини эшитишдан чўчирди. Қалб амри, виждон буйруғи Абайни курашчига айлантирганди. Абай бўлис сайловларини адолатли ўтишини, сайловда халқ вакиллари ҳам номзодлар иштирок этишининг тарафдори эди. Бироқ, порахўр, мансабпараст кимсалар амал учун ўзларининг бойликларини аяшмасди. Семейга - генерал-губернатор ҳузурига, приставларга қатнаб, пора бериб мансабни сотиб олишарди. Бир гал сабр косаси тўлган халқ Абайга мурожаат қи-

лишади. Сайлов одамларнинг алдаш ва куруқ ваъдалар бериш орқали бўлиб ўтаётганидан шикоят қилишади. Абай овулларга бориб, халқни йиғиб, сайловни адолатли ўтказишга ва сайлов жараёнини ўзи назорат қилишга ваъда беради. Бироқ унинг бу иши порахўр бойларга ёқмайди. Улар қўлида қамчи билан, қонли ханжар билан йўллариغا ғов бўлган тўсиқни олиб ташлашга қарор қилишади. Абайнинг бўйнига ханжар қадашиб, ўлдирмоқчи бўлишади. Оқин эса мақсадидан қайтмайди. Уни қамчи билан ўласи қилиб савалашди.

Мухтор Авезов бу ҳолатни қуйидагича тасвирлайди. “Калтак Абайгагина эмас, Абайни яхши кўрадиган, унга шамолни ҳам раво кўрмайдиган, қадр қиладиган одамларнинг худди ўз бошларига теккан калтакдек бўлди. Халққа теккан калтак ёки бегуноҳ, шафқатли кекса онанинг юзига қасддан урилган, машъум калтакдек бўлди”.

Шоир золимларга қарши, уларнинг қора қилмишларига қарши курашдан сўнгги нафасига қадар қайтмади. Бироқ, у адолат майдонида ёлғиз эди. Ёнига кирадиган ўзига яқин дардкаши ва ҳамдами йўқ эди. Бундан оқиннинг юраги ёнарди.

Куюсан юрак, куюсан,

Куйганингдан не фойда.

Дунёда нени суясан,

Умр қайда, дўст қайда?

— дея афсусланади.

Шоир кўп шеърларида унинг юрак азобидан дард чекаётгани, юраги зада бўлгани ва унинг гапларига кулоқ соладиган бир ҳамдард, вафодор дўст топилмаётганидан шикоят қилади. Шоир ёшликнинг ортда қолганидан ва қариликнинг бошланаётганидан, кўп ишларни бажаришга улгуролмаётганидан афсусланади. Ҳар қадамида кўриб, билиб турган халқининг ночор аҳволда яшаётгани ва бу ночорларга ўтказилаётган зулм, зўра-

вонлик, ноҳақлик, адолатсизлик, айрим кимсаларнинг хиёнаткорлиги окин юрагига тинимсиз зарбалар бериб турарди. Абай икки юзламачи, мунофиқ кимсаларни кечирмайди. Фарёд солди:

Гоҳ ўлди, гоҳ бўлди ёв,

Кимни севса бу юрак.

Бари душман ё йўлга гов,

Суянишга йўқ тиргак,

– дея оҳ уради ва айни чоғда ўзи каби юраги ғам-ғусса бодасига тўлган одамга;

Эй, юраги дардли одам,

Қалбимдан сен хабар ол.

Унда не бор, қандай дард, ғам,

Тилга кирар қулоқ сол, – дейди.

Абай ҳамиша халқ орасида яшади. Одамларнинг дарди билан, ғам-ташвиши билан ва айни чоғда шодлиги билан нафас олди. Атрофига халқсевар одамларни йиғди. Ёшларга кўпроқ ишонди. Умиди эди улар. Илғор ғоялар билан таништириб борди. Филология фанлари доктори Феруза Агаева улуғ окин ижоди ҳақида тўхталиб, шундай сўзларни айтади: “Абай тимсолида қозок адабиётининг қудратли чегаралари катта тарихий ўзгаришлар, шароитлар билан боғлиқ эди”.

Бу ҳақ гап эди.

ҚОЗОҚ ХАЛҚИГА МАЁҚ ТУТГАН ЧАРОҒБОН

Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент шаҳрининг қоқ марказидаги катта кўчаларидан бири Абай номи билан аталади. Янада эътиборли ҳолат шундаки, у Навоий кўчасига туташ. Гўёки ҳар икки халқнинг улуғ фарзандлари устозу шогирд сингари қўл беришиб тургандек тасаввур уйғотади менда. Ахир XIX асрнинг ўрталарида таваллуд топиб, умрини қозоқ халқининг камолоти қайғусида ўтказган бахши-шоир Шарқ мумтоз адабиёти алломалари - Фирдавсий, Низомий, Хўжа Ҳофиз, Алишер Навоий ва Фузулийларнинг асарларидан болалигиданок баҳраманд бўлиб, барчаларини ўзига устоз санаган. Уларга ўхшаб чинакам сўз санъаткори даражасига етишишга интилган. Ва ниҳоят қозоқ ёзма адабиётининг асосчиси, қозоқ халқининг буюк маърифатпарвар шоири, халқлар дўстлигининг оташин куйчисига айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини, кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги Қарорида таъкидланганидай: “Абай Қўнонбоевнинг шарафли номи ва бой ижодий мероси нафақат қозоқ халқи, айти пайтда бутун туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқининг ҳам қалбида безавол яшаб келмоқда.

Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилаётган бугунги кунда Абай Қўнонбоев сингари улуғ алломаларнинг ўлмас мероси халқларимиз учун янада муҳим маъно ва аҳамият касб этади.

Шу боисдан 2018 йилнинг баҳоридан бошлаб Абай ижодининг Ўзбекистондаги тарғиботига алоҳида эътибор билан жиддий ёндошилмоқда. Мазкур қарор доирасида қатор тадбирлар ҳам ўтказилди. Айниқса, шоирнинг таваллуд санаси – 10 августда адабий анжуманлар

авжига чикди. Бу борада ёзувчи ва шоирларимизнинг фаоллиги янада ортди. Чунончи, ўзбек детектив жанри ривожига йилдан йилга баракали ҳисса қўшиб келаётган наманганлик адиб Исоқжон Нишонов бир неча бор дўстона сафар билан Қозоғистонда бўлди. Ҳамкасблари ва Абай авлодлари билан учрашиб, буюк оқин яшаган жойларни, мангу кўнимгоҳини зиёрат қилди. Албатта, у куруқ қайтмади. Янги ёзилажак асарларига маълумотлар йиғди. Қисқа фурсатда “Сахрода чакнаган юлдуз”, “Муҳаббатнинг мангу кўшиғи» номли қиссаларни битди. Айни пайтда оқин ҳақидаги янги романга қўл урда.

Тўғри, Қозоғистонда Абай ҳақида прозада роман-эпопеядан тортиб, поэзияда кўплаб шеърлару поэмаларгача, ҳатто драматургияда сахна асарларигача яратилган. Ўзбекистонда ҳам Уйғун, Миртемир, Асқад Мухтор, Носир Фозилов сингари ёзувчи, шоирларимизнинг Абай ижодидан таржималари, унинг ўзига бағишланган назму наср дурдоналари битилган, Ўзбекнинг улуғ шоири Миртемир Абай ҳайкали қаршисида туриб:

*Ана у доим уйғоқ манглайида ёруғлик,
Бургут кўзлари қарар парвоз кўзлаб осмонга.
Шоирона сиймою, доҳиёна улуғлик,
Кўз узмай рози боқар чексиз Қозоғистонга,*

– деб мамнунона сатрлар тизганида нақадар ҳақ эди. Инчунин, истиклол йилларида Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг юксак эътибори-ю, миллат улуғига бекиёс эҳтироми туфайли Абай бор бўй-басти билан оламга бўйлади. Президент томонидан айтилган “Абайнинг сўзи – қозокнинг тумори” деган ибора ижодкор инсоннинг халқига бағишлаган сўзларию амаллари ўзига юқори мавқе-мартаба бўлиб қайтишининг ҳаётий ифодаси эмасми?! Исоқжон Нишоновнинг қиссалари и мана шу боқий ҳақиқатни кўз ўнгимизда гоҳ маҳзун, гоҳ қувноқ, гоҳ ўқинчли, гоҳ фахрли йўсинда намоёнлайди. Ўтган икки асрнинг ор-

зу-армонли авлоди билан бугунги истиклолдан бахту иқболли авлоднинг турмушини таққослайди. Абайнинг адолати ва халқнинг садоқатига олқишлар ёғдирган. Халқини эзиш эвазига ўзининг омонат бахтини қурмоққа ўрганган риёкорларнинг жирканч афт-башарасини фош этган. Тавқи лаънат ботқоғига ботганларнинг, юртбосарларга ўз юртини сотганларнинг юртдошларига хиёнаткорлигини кескин қоралаган. Бугунги истиклол ёшларига эзгулик ва ёвузликни фарқлаш сабоғига арзирли мисолларни лавҳа ва ҳикояларига беҳад таъсирчан тарзда муҳрлай олган.

Қиссалар саёҳат йўсинидаги йўлнома тарзида қоғозга туширилганига қарамай, муаллиф Абай абадиятининг чуқур илдизларини очиб беришга интилади. Қозоқнинг улуғ адиби Мухтор Аvezов, таниқли ёзувчи Талгат Кенесбоев, академик Солиқ Зимонов, филология фанлари доктори Феруза Агаеваларнинг ёзганларидан ғоят ўринли фойдаланган. Абайнинг жиянлари Эрнур ва Давлет билан мулоқотлари чоғида ўзининг яратилажак асарига зарур чизгиларни илғаб олган. Кейин эса асосий “кўмак”ни Абайнинг ўзидан, яъни алёрлари ва насихатларидан излаган.

Мен асарни зўр ҳаяжон билан мутолаа қилиб чиқдим. Абайнинг беҳаловат ҳаёти, жўшқин ва курашчан ижоди тасвирида ва талқинида дўст қозоқ халқининг буюк даҳосига кўнглимда ўзгача эхтиром уйғонди. Абайни ўз бобомдек суюб ва қисматидан куюб, биз туркий халқларнинг ўтмишдошгина эмас, кечмишдошлигимиз ҳам худди икки томчи сувдек ўхшашлигига яна бир карра иқрорландим. Ўзимни Исоқжон Нишоновга ҳамроҳлик ва ҳамфикрлик қилгандай сездим. Бу, икки қисса беҳад таъсирчан ва ҳаяжонбахш битилганидан, албатта.

Ҳозиргача қатор-қатор романлар, қиссалар ва ҳикояларнинг муаллифи сифатида наинки Ўзбекистонга, балки хорижий юртлардаги мухлисларгача танилган

сермахсул адиб Исоқжон Нишонов ўзининг ижод оламига Абай тимсолида дўсту кадрдон қозоқ халқи ҳаётини моҳирона ифодалаб, ғоят долзарб мавзуга янгича кўриниш, янгича жило бағишляётган экан, буни фақат ва фақат олқишлашимиз жоиз. Энг муҳими, у икки халқ орасидаги маънавий-маърифий алоқаларнинг янги босқичида ўзбек қаламкашлари орасида биринчилардан бўлиб, дадил қадамни ташлади, дейишга тўла ҳақлимиз. Ўйлаймизки, бу битиклар Абай абадиятига хизмат қиладиган яна бир янги асар сифатида китобхонларнинг жовонидан муносиб ўрин эгаллайди.

Содиқ САЙХУН, адабиётшунос, “Турон” фанлар академияси академиги, “Шуҳрат” медали нишондори.

ӘХТИРОМ

Китобни ўқиб, унинг ёрқин талқини, ишончли далиллар билан сайқалланган сатрлари олдида чуқур таъзим изҳор этмоққа жазм этдим. Айниқса, халқнинг улут оқиннинг тилидан ва дилидан чиққан ўтли сўзлари, матонати, адолат ва ҳақиқат йўлида ёвузларга қарши дадил боришини муаллиф ишонарли даражада тасвирлай олган. Айрим жойларни ўқиётганимда кўзларимга ёш келди. Воқеалар жараёни кўз ўнгимдан ўтди. Аштар халқ хизматига камарбаста бўлган бандасини бевади. Улут алломаларнинг номи бугунги кунимизгача яшаб келишининг сабаби ҳам унинг иноятидир. Халқим, деб жон фидо қилган шоирнинг ўданлари тилимизда, думбирасининг овози кулоғимизда.

Ҳасан АЗИЗ, ёзувчи.

МУНДАРИЖА

САҲРОДА ЧАҚНАГАН ЮЛДУЗ	3
АБАЙНИНГ БОЛАЛИК ЙИЛЛАРИ.....	11
УМРИНИНГ СЎНГГИ ЙИЛЛАРИ	39
СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА.....	54
ТЎРТ ҲИКОЯДАН ИБОРАТ ҚИССА	57
МУҲАБАТНИНГ МАНГУ ҚЎШИҒИ	57
ҚЎШИҚНИНГ ТУҒИЛИШИ	57
МУҲАББАТНИНГ МАНГУ ҚЎШИҒИ.....	63
ХОТИМА	82
ОҚИННИНГ ОҲУ ЗОРИ.....	83
СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА.....	121
ҲАЙКАЛ ПОЙИДАГИ ЎЙЛАР.....	121
АБАЙ ЛИРИКАСИ.....	122
АБАЙ - ТАБИАТ КУЙЧИСИ.....	122
АБАЙ – МАЪРИФАТПАРВАР.....	127
“НАСИҲАТНОМА” АСАРИ ХУСУСИДА	132
АДОЛАТ ВА ҲАҚИҚАТ КУЙЧИСИ.....	138
ҚОЗОҚ ХАЛҚИГА МАЁҚ TUTGAN ЧАРОҒБОН.....	143
ЭҲТИРОМ.....	147

Мухаррир: Содик САЙҲУН

Мусахҳих: Анвар УБАЙДУЛЛО

Компьютерда саҳифаловчи: Абдукодир ЮЛДАШЕВ

Техник муҳаррир: Иззатилла ХАЙРУЛЛАЕВ

Бадий муҳаррир: Уйғун СОЛИХОВ

«Наманган» нашриёти. Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй.

Нашриёт лицензия рақами

АИ-156 2009 йил 14 августда берилган.

Бичими 84x108 1/32. Босма табағи 13.

Гарнитура «Times New Roman». Офсет қоғоз.


Адади 5000 нусха. Буюртма № 15.

Баҳоси қелишилган нархда.

«Yosh kuch press matbuoti» босмаҳонасда чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,

Чилонзор кўчаси, 1 А уй.



Исоқжон
Нишонов

Наманган вилоятида таваллуд топган. 2000 йилдан буён бадиий ижод билан шуғулланмоқда. 25 та роман, 30 зиёд қисса ва ҳикоялар тўплами китоб ҳолида чоп этилган. Адибнинг “Афгон шамоли” роман-сериали шу кунга қадар 500000 нусхадан кўпроқ адатда чоп этилди. 2019 йилда «Yosh kush» нашриёт матбаа уйида, роман сериалнинг 13 жилди 130 000 нусхада қайта нашрдан чиқди. Мазкур асар мамлакатимиз бўйлаб ўқувчилар ўртасида ўтказилган сўровнома бўйича 2017-2018 йилларда энг кўп ўқиляётган асар сифатида эътироф этилди. Китоблари МДХ халқлари тилларига, шунингдек, немис тилига таржима қилинган. Яқинда Остона шаҳрида «Тайна бриллиантового перстня» романи чоп этилди. Ҳикоялари асосида телефильм суратга олинган. Муаллиф 2018 йилда Абай ҳақида ёзган асарлари ва «Абай сўзи» хужжатли фильмидаги иштироки учун Қозоғистон Республикаси элчихонасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

ISBN 978-9943-5247-7-4



9 789943 524774